

XII

АҲМЕД ЖАББОРОВ



**КОМПОЗИТОР
ҲАМИД РАҲИМОВ**

XIII
92-13

АХМЕД ЖАББОРОВ

КОМПОЗИТОР ҲАМИД РАҲИМОВ



Тошкент
Baktria press
2018

УЎК 78.071.1(092)Раҳимов
КБК 85.313г(5Ў)
Ж 13

Жабборов, А.

Композитор Ҳамид Раҳимов [Матн] : монография / А. Жабборов. — Тошкент: Baktria press, 2018. — 192 б.

Ушбу китоб ўзбек мусиқа санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган композитор Ҳамид Раҳимовнинг (1927–1977) ҳаёти ва ижодига бағишланган. Унда бастакорнинг турли мусиқа жанрларидаги кенг ижодий фаолияти камраб олинган.

Монографияда Ҳ. Раҳимовнинг асосий мусиқий асарлари таҳлил этилган, бой ижодий меросининг бадиий ва услубий қирралари очиб берилган, ҳужжатли маълумотлар ҳамда замондошлари хотиралари келтирилган.

Китобдаги воқеалар баёни мантиқан изчиллиги билан ажралиб туради. У санъат ва маданият таълим муассасалари учун ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилиб, мусиқа шинавандаларининг кенг доираси учун қизиқарли бўлиши мумкин.

ISBN 978-9943-5496-1-6

© А. Жабборов, 2018
© Baktria press, 2018

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	4
Ҳаёт йўли саргузашлари	15
«Ёшлик» симфоник поэмаси	25
Нафосат куйчиси	40
Симфоник ва вокал — симфоник мусиқа ижодиёти	54
Кантата	57
Симфоник рақслар	61
Мусиқий сахна асарлар	66
«Зафар» мусиқали драмаси	69
«Ишқинг билан» мусиқали драмаси	78
«Оқ нилуфар» мусиқали драмаси	85
«Раис уйланармиш» мусиқали комедияси	86
«Сўнгги фожиа» мусиқали драмаси	111
«Танбур ноласи» мусиқали драмаси	118
«Жоним фидо» мусиқали драмаси	140
«Машраб» мусиқали драмаси	154
«Зафар» операси	159
Композитор Ҳамид Раҳимов мусиқий асарларининг қискартирилган рўйхати	161
Ҳаволалар	164

МУАЛЛИФДАН

1 954 йил март ойининг охирларида Наманган Давлат мусика ўқув билим юртига Тошкентдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Раҳим Мажидович Қориев раҳбарлигида бир гуруҳ созанда-педагоглар ташриф буюришди. Улар ўқув юрти иш фаолияти билан бир неча кун танишдилар. Меҳмонлар орасидаги ўрта бўйли, буғдойранг, қора қуюқ узун сочли, қомати келишган, чеҳраси очик, ажойиб тембрга хос шиддатли кулиши билан ҳаммани завқлантирадиган навқирон йигит бошқалардан ажралиб турарди. Бу йигит ҳамманинг, жумладан, менинг ҳам эътиборимни тортди. Унинг ким эканлиги билан қизиқиб қолдим.

Тошкентдан келган санъаткорлар текширув тугагач, ўша йили битирувчи 33 нафар талаба ва барча педагогларни залга таклиф қилишди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Раҳим Мажидович Қориев келган мутахассисларни бирма-бир таърифлаб, таништирди.

«Бу ўтирган ёш йигит Ҳамид Раҳимов — Ўзбекистон Давлат филармонияси қошидаги “Ўзбекистон” ашула ва ракс ансамбли мусика раҳбари ва бу йил Тошкент Давлат консерваториясининг композиторлик факультетини битириш арафасида», деб таништирди ҳалиги ҳамманинг назаридаги йигитни.

Р.М. Қориев барчани таништириб бўлгач, республикамизда мусика санъати ривожланиш жараёнида эришилган ютуқ ва камчиликларни қисқача айтиб, мутахассислар тайёрлаш муаммосига кўпроқ тўхталди: «Республикамиздаги барча мусика ўқув юртлари ва консерваторияда маҳаллий йигит-қизлардан юқори малакали пианиночи, скрипкачи, виолончелчи, дамли чолғу асбоблари ва айниқса, композитор ҳамда мусикашунос мутахассислар тайёрлаш жиддий масала бў-

либ келмоқда. Мана, масалан, Наманган мусика ўқув билим юртининг бу йил 33 нафар битирувчисидан 5таси ўзбек халқ асбоблари, биттаси хор дирижёри ва биттаси мусикашунос экан. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол худди шундай. Шу сабабди консерваторияда ҳам мен айтган мутахассисларнинг сони жуда оз. Бу ҳақда мусика билим юртлари ва консерватория раҳбарлари жиддий ўйлаб кўришлари лозим».

Шундан сўнг сўзни Ҳамид Раҳимовга берди.

У қисқа гапириб, битирувчилар билан бирма-бир савол-жавоб қилди, консерваторияга ўқишга боришни хоҳловчиларни ёниб олди. Менга навбат келганда, тикилиб қаради-да, унинг кўзига ёшим бошқа талабаларга нисбатан каттароқ кўринди, шекилли, менадан сўрамай, мусика билим юрти директори, композитор Шариф Абдуллаевич Рамазоновга савол билан мурожаат қилди.

Шариф Рамазонов мен ҳақимда гапирди: «Аҳмаджон Жабборов иккинчи жаҳон урушидан аввал Наманган Давлат мусика билим юрти қошидаги мусика мактаби фортепьяно бўлимининг еттинчи синфини 1941 йили битириб, 1942 йили ҳарбий қисмда таржимон бўлиб ишлади, 1943–1945 йиллари жанг қилиб, урушдан кейин беш йил армия сафида 1945–1950 йилларда Порт Артур қалъаси (Хитой)да мажбурий ҳарбий хизматни ўтаган. 1950 йилдан буён узилиб қолган ўқишини мусикашунослик бўлимида давом эттирмоқда ва бу йил битиргач, консерваторияга ўқишга кириш нияти бор. Яна шуниям айтгайки, у ўқув юртимизда ҳам талаба, ҳам ўқитувчи, мусика назарияси ва сольфеджиодан дарс беради».

Йигитнинг тугагач, менга «сиз қолинг» дейишди. Мен билан алоҳида суҳбат бўлди. Кенгроқ танишишди ва консерваторияга ўқишга боришга илҳомлантирдилар. Мазкур учрашув ҳаётида жуда катта таассурот қолдирган эди.

1954 йили Тошкент Давлат консерваториясининг мусикашунослик факультетига имтиҳонларни топшириб, ўқишга кирдим. Лекин ўша пайтдаги Ўзбекистон Маданият вазири А.М. Қўчқоровнинг буйруғи билан Наманган Давлат мусика билим юртида ва мусика мактабида бир йил ишладим.

1955 йилдан консерваторияда ўқишни бошладим. Кунларнинг бирида Ҳамид Раҳимов мени излаб келиб, Муқимий номидаги Республика Давлат мусиқий театрига таклиф қилди. У дўсти Пўлат Раҳимов билан ҳамкорликда яратган «Сингиллар қиссаси» номли мусиқали драмасини шу йили 30 декабрда томошабинларга ҳавола қилди. Спектакль премьераси муваффақиятли, кўтаринки руҳда ўтди. Асар муаллифлари ва театр жамоасини томошабинлар узок қарсақлар билан қарши олдилар. Мен ҳам дўстимни қизгин табрикладим. Спектакль бошланишдан олдин Раҳим Қориев билан учрашиб қолдик. У мендан ҳол-аҳвол сўрагач, Толибжон Содиков, Манас Левиев, Юнус Ражабий ва Тўхтасин Жалиловлар билан таништирди. Завқланиб уйга қайтдим.

1956 йили 14 июнда «Зафар» мусиқий драмаси премьерасига ҳам таклиф қилди. Драматург Умаржон Исмоиловнинг пьесасига Ҳамид Раҳимов дўсти Пўлат Раҳимов билан ҳамкорликда яратган мусиқали драма ҳам томошабинлар томонидан илиқ қарши олинди. Бу спектакль ҳам менда катта таассурот қолдирди. Шу икки спектакль баҳонасида Ҳамид Раҳимов билан дўстлашиб қолдик. Театр эса мен учун кадрдон масканга айланди. Шундан бошлаб театрнинг янги-янги мусиқий драма ва комедия спектакллари кўриб борадиган бўлдим.

Ўзбек композиторлари, драматург-ёзувчилари билан ҳамкорликда яратилган сахна асарларининг ютуқ ва камчиликлари мени қизиқтира бошлади ва диплом иши ёзишга киришдим. Муқимий номидаги Республика Давлат мусиқий театри репертуаридан саралаб олиб, «Узбекская музыкальная драма» номли рус тилида, профессор Ян Борисович Пеккер раҳбарлигида ёзган диплом ишимни 1960 йилнинг май ойида ҳимоя қилдим. Диплом ҳимояси куни (менинг хабарим йўқ эди) Ҳамид Раҳимов илтимоси билан Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Мутал Бурхонов, Манас Левиев, Раҳим Қориев, Шариф Рамазонов, Дони Зокировлар кириб келишди. Консерваториянинг ректори Мухтор Ашрафий ва Давлат имтиҳон комиссиясининг раиси профессор А.Н. Орлов, комиссия аъзолари табассум билан меҳмонларни кутиб олишди. Мен эса ҳаяжонда эдим, уларнинг

салоювати босарди. Ҳимоя давомида менга кўпгина саволлар берилди. Дипломни «аъло» баҳо билан ҳимоя қилдим. Консерваторияда 1959–1960 ўқув йили «Ўзбек мусиқа тарихи»дан тўртта гуруҳда дарс берган эдим. Шу сабабли консерваторияда ўқитувчи лавозимида қолдиришди.

Ҳамид Раҳимовнинг менга бўлган яна бир мурувватини айтмасам бўлмас. Ўшанда у Ўзбекистон маданият вазирлиги қошидаги санъат Бош бошқармаси мусиқий бўлими раҳбари ва Ўзбекистон композиторлар союзи (ҳозир Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси)нинг хайъат раиси композитор Собир Бобоевнинг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатар эди. 1960 йили сентябрь бошларида мени композиторлар уюшмасига таклиф қилиб: «Шу йилнинг декабрь ойида Қозоғистон пойтахти Олмаота шаҳрида СССР композиторлар уюшмаси қотибнятининг кўчма кенгаш-мажлисини ўтказиш режалаштирилган. Анжуман мавзуси “Ўрта Осиё ва Қозоғистон композиторларининг ижодий фаолиятларидаги ютуқ ва камчиликлар муаммоси”га бағишланган. Шу анжуманда Сиз “Ўзбек мусиқий драма ва комедия жанрлари ривожланиш жараёнидаги муаммолар” мавзусида 15–20 дақиқали маъруза қилишга тайёргарлик кўрсангиз, бу масалада Ян Борисович Пеккер долмагиз билан маслаҳат қилганмиз. У қўллаб-қувватлаган», деб қолди. Унга жавобан: «Таклиф учун минг раҳмат, лекин қабул қила олмайман, чунки консерваторияни эндигина биттирдим, бундай катта анжуман минбарига чиқишга тажрибам йўқ, бундан ташқари, композиторлар уюшмаси аъзоси ҳам эмасман», дедим. «), дўстим, кимда тажриба кўп деб ўйлайсиз? Биз, композиторлар ҳам ёшмиз, ижодий ва раҳбарлик тажрибамиз ҳали кам, албатта. Ташвишланманг, ана шундай юқори минбарларга чиқиб тажриба орттирилади», — деб охири кўндирди. Мен тайёргарлик кўра бошладим.

Декабрнинг 1–10 кунларида ўтадиган анжуманга Ўзбекистон композиторлар уюшмаси аъзолари, собиқ Ўзбекистон Марказий партия кўмитаси маданият бўлими, маъмурий орган масъул ходимлари, Ўзбекистон Давлат филармониясининг симфоник оркестри, хор акапелла, ўзбек чолғу асбоблари ор-

кестри, Ўзбек радио кўмитасининг торли квартети, опера ва балет театри, Муқимий номидаги мусиқий театрнинг етакчи хонанда ва раққосалари — жами 300 кишига яқин санъаткорлар Ҳамид Раҳимов раҳбарлигида Олмаота томон йўл олди. Поездда кетаётган пайтимизда битта купеда Юнус Ражабий, Сулаймон Юдаков, Манас Левиев, Мутал Бурхонов, Дони Зокиров, Дадаали Соатқулов ўтиришарди. Юнус ака билан Сулаймон ва Дадаалиларнинг бир-биридан қизиқарли латифа ҳамда аскиялари авжига чиқарди. Биз эса тик туриб эшитардик. Бироз ўтиб, купега Марказқўм масъул ходими кирди. Тик турганлар ва Дони Зокиров, Соатқулов, Юдаковлар купедан чиқишди. У Юнус Ражабий, М. Бурхонов, М. Левиевлар билан узоқ суҳбатлашди. Суҳбат тугагач: «Мен Назруллаевман, Сиз эса Жабборовсиз, шундайми? Маърузангиз матни билан танишсам бўладими?» деди менга. «Албатта бўлади», деб папкадан маърузани олиб бердим. Ўзининг купесига таклиф қилди. Ўқиб бўлгач, савол берди. Саволларига жавоб қайтардим. Кейин у ўсмоқчилаб: «Композитор Ҳамид Раҳимовнинг инсоний фазилатини, композиторлик ва раҳбарлик фаолиятини биласизми?» деди. «Албатта, раҳбарлик фаолиятини яхши билмасам ҳам, лекин инсоний фазилатини ва композиторлик ижодиётини биламан. Унинг турли мавзуларда яратган мусиқий драмаларини кўрганман, симфоник мусиқий асарини ва бир неча оригинал дилрабо кўшиқларини эшитганман. Улар менда яхши таассурот қолдирган эди. Билишимча, у ҳақиқатдан ҳам, билимдон ва фикрловчи шахс. Унинг ижодий мақсади ўзбек халқ мусиқий мероси анъаналарини ўрганиб, уларни сақлаб, халқ мусиқаси асосида профессионал композиторларимиз замонавий мусиқий жанр ва шаклларда, миллий руҳда янги-янги мусиқий асарлар яратишга жиддий эътибор беришлари тарафдори. Бу фикрига мен ҳам қўшиламан. Рост, у билан бир зум мулоқотда бўлган ҳар қандай киши унинг очикқўнгиллигига, маънодор хушчакчак сўзлашларига, шиддатли кулишига мафтун бўлиб қолади», деб таърифладим.

Масъул ходим менга ташаккур билдириб, ишимга омад тилади. Мен у билан хайрлашиб, купедан чиқсам, вагон йўла-

гида Юнус Ражабий ва Манас Левиев гаплашиб туришган экан. Улар мандан:

— Ҳа, Назруллаев билан суҳбатда бўлдингизми? — деб сўрашди.

— Ҳа, шундай.

— Ҳамид Раҳимов ҳақида савол бердимиз?

— Мен дўстимнинг фазилатларини таърифлаб бердим.

— Бошқа гап бўлмадимиз?

— Йўқ, — дедим.

Манас Левиев менга: «Бу гап шу ерда қолсин. Дўстимиз Ҳамиджонни Тошкент Давлат консерваториясининг ректорлик лавозимига тавсия қилинса бўладими ёки бўлмайди деган масалани биз билан маслаҳатлашди. Биз лавозимга арзийди, дедик. Бу масалани сир сақлашни биздан илтимос қилди. Сизга айтдимизми?» — деди. «Йўқ», дедим. Бу гапни дўстимга айтганимда, у кулиб, «Ҳали ректор бўлишга ёшман», деб қўйди.

Олмаота шаҳрига етиб бордик, санъаткорлар бизни кизгин кутиб олишди. Меҳмонхонада композитор Дони Зокиров билан битта хонага жойлашдик. Бир-биримиз билан танишиб, дўст бўлиб қолдик. Эртасига котибият ўз ишини бошлади. СССР композиторлар уюшмаси биринчи котиби композитор Т.Н. Хренников ва Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон композиторлар уюшмалари раҳбарлари маъруза қилишди. Анжуман дастури бўйича куннинг биринчи ярмида маъруза ва баҳс-мунозаралар, иккинчи ярмида ва кечки соатларда махсус дастур асосида турли тadbирларда ништирок этиш ва театр концертларига ташриф буюриш белгиланган эди. Менга учинчи кун навбат келди. Минбарга чиқиб, маърузамни энди бошлаган эдимки, фавқуллодда, тожикистонлик композитор Зиёдулла Шоҳидий залдан туриб (рус тилида):

— Ўртоқ Жабборов, тўхтанг, маърузаларнинг кўпини эшитдик, — деб қолди.

Президиум хайъатини олиб борувчи Д.Б. Кабалевский Шоҳидийга:

— Аввал маърузани эшитайлик, кейин савол беринг, — деди.

— Маърузаларни кўп тингладик, асосий мақсадга ўтайлик. Шундан кейин Д.Б. Кабалевский менга: «Саволга жавоб беринг», деди.

Шаҳидий:

— Сизга битта савол: Ўрта Осиёдаги республикаларга қараганда Ўзбекистонда мусиқашунос олимлар кўп, нима учун улар ҳозирга қадар «Миллий гармония» ва «Миллий полифония» дарсликлари яратмайдилар? Биз, маҳаллий композиторлар Европада шаклланган гармония ва полифонияларни қўллаганимизда, яратган йирик мусиқий асарларимизнинг бадиий савияси ва миллий руҳи кутилган натижа бермаяпти. Шунинг учун «Гармония ва Полифония»ларни миллий услубда дарсликлар кўринишида яратилса деган савол билан СССР Композиторлар союзининг раҳбари Т.Н. Хренниковга мактуб билан мурожат қилган эдик, тўғрими, ўртоқ Тихон Николаевич?

— Ҳа, тўғри, — деб давом этди у. — Ўрта Осиё ва Қозоғистон композиторларининг ижодий фаолиятларида содир бўлган муаммолар, ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, улардан хулоса чиқариш ниятида мана шу анжуманни ташкил қилдик-да.

Шаҳидий саволига мен жавоб бердим.

— Ҳурматли, Шоҳидий, мен билишимча, табиатан миллий гармония ва полифония бўлмайди. Чунки, Европа давлатларида асрлар давомида кўповозли мусиқий санъатни ривожлантириш жараёнидагина «Гармония» ва «Полифония» каби системалар шаклланган. Яъни, бошқача қилиб айтганда, «Алгебра», «Геометрия», «Физика», «Химия» каби фанлар бутун дунёда ўрта ва олий мактабларда ўзлаштирилади. Фанлар асосларини пухта ўрганган мутахассис-олимлар амалиётда уларга суянган ҳолда, янги-янги уфқларни очишга муяссар бўлмоқдалар. Худди шу каби «Гармония» ва «Полифония» ҳам мусиқий асарлар яратишда қўлланиладиган фанлардир. Уларни ўрта ва олий мусиқа муассасаларида пухта ўзлаштирган композиторлар ўз ижодларида хусусият-воситаларидан эркин равишда фойдаланиб, турли шакл ва жанрларда мусиқий асарлар яратадилар. Мусиқада Бах гармонияси, Моцарт, Бетховен, Чайковский, Рахманинов, Прокофьев, Шостакович

гармонияси каби барча композиторлар қўллаган гармоник воситалар индивидуал (шахсий) ҳолатда, изланишлар орқали керакли аккордларни топади.

Ўзбекистон композиторларининг биринчи авлоди ҳам консерваторияларда таҳсил кўриб, турли шакл ва жанрларда, миллий руҳда мусиқий асарлар яратишда, гармония ва полифония воситаларини қўллашда турли қийинчиликларга учраганлар. Лекин, Тўлибжон Содиқов, Мутал Бурхонов, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Ғофур Қодиров, Иброҳим Ҳамраев каби композиторлар машаққатли ижодий изланишлари билан ўз услубий йўлларини топиб олдилар. Уларга эргашган Дони Зокиров, Ҳамид Раҳимов, Дадаали Соаткулов, Собир Бобоев, Икром Акбаров, Фаттоҳ Назаров, Хайри Изамов каби иккинчи авлод композиторлари ҳам ижодий изланишлари билан ҳар бири ўз услуб йўлларини топиб олдилар. Ана шу икки авлод фаол ижодий фаолияти туфайли опера ва балет, мусиқали драма ва комедия, симфоник ва вокал-симфоник, кино-мусиқа, кўповозли хор кўшиқлари, кўшиқ ва романслар яратиб, халқимиз олқишига сазовор бўлмоқдалар. Анжуман кунларининг кечки концерт ва театр дастурларига киритилган мусиқий асарлар билан танишасиз ҳали. «Ўзбек мусиқали драма муаммолари» мавзусидаги маърузам учун ажратилган вақт тугади. Фақат, мисол сифатида, магнит тасмасига ёзилган Манас Левиевнинг «Олтин кўл», Собир Бобоевнинг «Ватан ишқи», Ҳамид Раҳимовнинг «Зафар» номли мусиқий драмаларидан айрим кўшиқ, ария ва оммавий кўповозли кўшиқларни тинглашнингизни илтимос қиламан.

Шундай деб, нутқ матнини стенографисткаларга топширдим. Залда ўтирганлар мени гулдирос қарсак билан қарши олдилар.

Танаффусда фойега чиқишим билан биринчилардан бўлиб домлам Ян Борисович Пеккер, Юнус Ражабий, Мутал Бурхонов, Манас Левиев, Ашот Иванович Петросянц, Дони Зокиров, Зиёдулла Шоҳидий, Аҳмед Жубанов, Ғофур Қодиров, Георгий Мушель, Илём Акбаров, Сулаймон Юдаков ва бошқалар мени қизгин табриқладилар. Шу пайт Ҳамид Раҳимов чопиб келиб

мени кучоклаб кутлади-да, кўлимдан ушлаб, «Тез мен билан юринг, Президиум аъзолари сиз билан танишмоқчи», деди. Улар дам олиб ўтиришган хонага кирдик. Ўтирганларнинг ҳар бири «Жуда ўринли ва яхши жавоб бердингиз», дейишди. Бир пиёла чой устида Т.Н. Хренников, Д.Д. Шостакович, Д.Б. Кобалевскийлар билан қисқа суҳбат бўлди. Улар мендан қачон ва қайси консерваторияда таҳсил кўрганимни сўрашди.

Мен Тошкент Давлат консерваториясининг мусикашунослик факультетини шу йил битирганим, лекин композиторлар уюшмасига аъзо эмаслигимни айтдим. Аввалига улар ҳайрон бўлишди. Қисқа сукунатдан сўнг, Т.Н. Хренников Ҳамид Раҳимовга: «Тошкентга қайтганда Жабборовни уюшмага қабул қилиб, ҳужжатларини менинг номимга юборинг», деб топширик берди. Тошкентга қайтдик. Мени уюшма аъзолигига қабул қилишди. 1961 йил февралида очиқ мажлисда тантанали равишда композитор Собир Бобоев менга собиқ Иттифок Композиторлар уюшмасига қабул қилинганим ҳақидаги гувоҳномани топширди.

Яна бир қутилмаган ҳодиса шу эдики, 1960 йил декабрида Олмаотадан Тошкентга қайтганимиздан уч кун ўтиб, ўша пайтдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Шароф Рашидовнинг ҳузурига таклиф қилишди. Биз билан бирга борган масъул ходим ўтказилган анжуман тўғрисида ахборот берган экан. Шу сабаб мен Шароф Рашидов билан танишиб, қисқа суҳбатлашишга муяссар бўлдим.

Дўстим Ҳамид Раҳимов шарофати билан мен, эндигина консерваторияни битирган мусикашунос, катта анжуманда қатнашиб, жуда кўп санъаткорлар орасида обрў-эътиборга эга бўлганимдан хурсанд эдим. Яъни, дўстим Ҳамид Раҳимов ва ўтказилган анжуман сабабли келгуси ҳаётимда тез орада кескин бурилиш содир бўлди. Консерваторияда педагоглик фаолиятим билан бирга 1963–1975 йиллари Ўзбекистон композиторлар уюшмасининг ҳайъат раиси, 1975–1980 йиллари Ўзбекистон Маданият вазирлиги қошидаги санъат Бош бошкармаси раҳбари, 1980–1987 йиллари Тошкент Давлат Маданият институтида декан, кафедра мудири ва яна 1978 йил-

дан 2003 йилга қадар Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг ҳайъат раиси лавозимларида хизмат қилиб, нафақага чиқдим.

Композитор Ҳамид Раҳимов 1961 йили Тошкент Давлат консерваториясининг ректори лавозимига тайинланди. Мен дўстимга поездда бўлган гапни эслатиб, қизгин табриқладим. Шу даврдан бошлаб икки раҳбар ёнма-ён туриб, республика-мизда мусиқа санъатининг барча тармоқларини ривожлантиришга кўлимиздан келгунча ҳаракат қилдик.

Энг аввал қувонч билан айтиш жоизки, Ўзбекистон Халқ артисти, Композиторлар уюшмасининг ҳайъат раиси Мутаваккил Бурхонов 1958–1960 йилларда Тошкент марказида тўрт қаватли ҳашаматли бино қурилишига сабабчи бўлди. Бинонинг биринчи қаватига Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси ва мусиқа фонди жойлашди. Иккинчи–тўртинчи қаватларига 1961 йилнинг апрель, май ойларида уйга мухтож аъзоларга тураржой тақсимот қилинди. Мен ва дўстим Ҳамиджон оилаларимиз билан кўчиб ўтдик. Дўстимнинг ажойиб, тотув, очиккўнгил оила аъзолари: Ўзбек халқининг фахри, сеvimли раққоса Ўзбекистон Халқ артисти Қундузхон Миркаримова ва уларнинг катта-кичик Баҳодир, Бобур ўғиллари, жажжи қизлари Маъмура билан танишдик. Шундан бери кўшничилик риштамиз йиллараро давом этмоқда.

Барча машҳур композиторлар каби Ҳамид Раҳимов учун ҳам мусикий ижод муқаддас эди. У ғайрат ва кўтаринки руҳ билан бир қатор мусиқалар басталади ва ташкилотчилик қобилияти туфайли республика-мизда замонавий ва анъанавий миллий мусиқа санъатини ривожлантириш жараёнига ўзини бахшида қилди. У йиллар мобайнидаги кўпқиррали ижоди ҳосиласи бўлмиш, турли шакл ва жанрларда яратган жозибали, дилбар кўшиқлари, оригинал оҳангдор симфоник, вокал-симфоник, кино ва рақс мусиқалари, айниқса, «Сингиллар қиссаси», «Ишқинг билан», «Раис уйланармиш», «Оқ нилуфар», «Жоним фидо», «Сўнгги фожиа», «Танбур ноласи», «Машраб» каби мусикий драмалари, «Зафар» номли операси, «Она қалби», «Ҳаё», «Одам одамга» телеспектакллари билан XX аср ўзбек мусиқаси тарихи саҳифасида чуқур из қолдирди.

Ҳамиджон Раҳимов йиллар мобайнида яратган муסיқий асарларининг дунёга келишига, раҳбарлик фаолиятига севимли рафикаси — ўзбек халқининг таникли раққосаси Кундузхон Миркаримова ўз меҳри билан мададкор бўлди. Улар биргаликда Баҳодир ва Бобур ўғилларини, Маъмурахон кизларини одоб-ахлоқли, меҳр-оқибатли қилиб тарбиялаб вояга етказдилар. Дўстимнинг ўз оиласига, ота-онасига, ака-сингилларига, барча кариндошларига муҳаббати чексиз эди. Афсуски, Яратган Ҳамиджонга қисқа умр берди. 1977 йили у бевақт дунёдан кўз юмди. Иродаси кучли, эрига вафодор Кундузхон Маъмурахон кизидан ҳам бевақт айрилди, шундаям сабр билан икки ўғлини оилали, уйли-жойли қилиб, устига устак, бир талай раққоса кизларни санъат оламига олиб кирди. Ҳурматга сазовор бўлди.

Бетакрор истеъдод соҳиби, бағрикенг инсон, етук санъаткор Ҳамиджон Раҳимов қисқа, лекин мазмунли ҳаёти давомида ўзидан ўчмас из қолдирди. Унинг хотираси эса қалбимизда бир умр сақланиб келмоқда. Дўстимни хотирлаб мазкур монографияни ёзишга жазм этганимдан чексиз бахтиёрман.

ҲАЁТ ЙЎЛИ САРГУЗАШЛАРИ

Тошкент илм-фан, санъатга макон шаҳар. Бўлғуси композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳамид Раҳимов ҳам ана шу шаҳарда 1927 йил 15 май куни таваллуд топган. Сафарларда бўлган чоғларда болалик, ўсмирлик ва ҳаёт ҳақида кўп эслашар эдик. Мен Ҳамиджондан икки ёш катта эдим. Ҳамма қатори улғайдик, мактабда, ўрта ва олий муסיқа ўқув даргоҳларида бирин-кетин ўқидик. Ҳаёт бизни чархлади.

Ҳамиджон аждоллари ҳақида менга жуда фахрланиб гапириб берган: «Отамнинг айтишича, авлодларимиз шажараси узок ўтмишдан бошланади. Лекин мен XVIII асрнинг 70-йилларида Тошкентда истиқомат қилган улуғ зот Ўзбекхон хўжадан бошлаб биламан.

Мен Ўзбекхон хўжанинг бешинчи авлоди эканман. Отам Абдурахим хўжа қори 1893 йили, онам Мукаррамхон ая 1895 йили таваллуд топганлар. Улардан Мақаддасхон опам, Абдулҳафизхон акам, Саиданвархон акам ва мен, Абдулҳамиджон (туғилганлик гувоҳномада шундай ёзилган, кейин паспортда Ҳамид Раҳимов), Муслимахон синглим туғилганмиз. Шукур, ота-онамиз ҳаммамизни тарбиялаб, ўқитиб, илми, уйли-жойли қилишган. Жойлари жаннатда бўлсин, улар билан ғурурланаман», дерди ҳар доим.

Ҳамиджоннинг эслашича, Абдурахим Турсунхўжаев мусулмон диний мактабида ва мадрасада таҳсил кўрган. Бир бойнинг дўконида сотувчи бўлиб ишлаган. Онаси Мукаррамахон ҳам эскича диний мактабда ўқиган. Миллий қадриятларимизга мос анъаналар, меҳр-муҳаббат ота-онасидан ўтган экан.


Санъатга муҳаббат унга болалигиданоқ юққан экан. У болалик хотираларини менга ҳикоя қилиб берарди. «Ота-онам-

лар жуда меҳмондўст кишилар эди. Шайхонтоҳурда ўзига яраша обрў-эътибор, ҳурматга сазовор, ўта меҳрибон бўлишган. Биз, фарзандлар қариндошларимизнинг катта-кичик болалари, маҳалламиздаги ўз тенгқурларимиз билан ҳовлилару кўчаларни чангитиб, турли-туман ўйинларни ўйнар эдик. Маҳалламизда ва яқин қўшни маҳаллада тўйларда мусика янгра-са, ўша томон чошиб бориб, томоша қилардик. Шаҳримизнинг катта кўчаларидан бот-бот ҳарбийларнинг дамли (духовой) оркестрлари ўтарди. Оркестр янграганда тўда бўлиб, ҳарбийларнинг орқасидан эргашиб юрардик. Эски Жўва майдонида ва унинг рўпарасидаги ўша пайтдаги Пушкин боғида турли-туман (биз болалар гапларига тушунмасак ҳам) хотин-қизлар намоишлар ўтказардилар. Ундан сўнг концертлар бўлар эди. Биз олдинга бориб ўтириб олардик. Халқ мусиқалари ўша пайтдан менинг қалбимни сеҳрлаб қўйган эди.

Халқнинг иқтисодий ҳаёти эндигина бироз яхшиланиб келаётганда, бирданига 1933 йили каттиқ очарчилик содир бўлди. Одамларнинг кундалик иқтисодий ва маданий ҳаётларига зарба берди. Ҳар бир оила ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Очарчилик йиллари менинг мурғак қалбимда муҳрланиб қолган. Аллоҳга шукур, 1934 йилдан бошлаб шаҳримизда озик-овқат масаласи, иқтисодий ва маданий ҳаёт аста-секин яхшилана бошлади. Мактаблар ҳам ишга тушди. Мен 1935 йили тўққиз ёшимда 7-сонли мактабга ўқишга бордим. Дарслар лотин алифбосида ўтиларди. 1938 йилдан мактабдаги ҳаваскорлар мусика тўғарагига ёзилдим. Гижжакчи Лутфуллаев менга дутор чертишни ўргата бошлади. Мусиқага бўлган қобилятимни сезиб, иккинчи йили най чалишни ўргатди. Учинчи йили эса ўз касби — гижжак созини ўргата бошлади. Ўқувчилардан ташкил қилинган чолғучилар тўдасига мени ҳам қўшди — най чалдим. Мен хурсандлигимдан уйга келиб, най чалиб берсам, отамлар қаердан ўрганганимни сўрадилар. Мактабдаги ҳаваскорлар мусиқа тўғарагига қатнаётганимни айтдим. Отам хафа бўлиб: “Ўғлим, бу машшоклик ҳунаринг бизнинг авлодимизга тўғри келмайди. Бу ишингни ташла, тўғаракка қатнама”, деб қатъий эътироз билдирдилар. Отам

ранжимасин деб, “хўп” дедим. Ўша кундан бошлаб, отам кеч-қурунлари акаларим билан мени ўтказиб, шундай дедилар: “Биз хўжалар авлодининг давомчиларимиз. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг эски мактабларни, мадрасаларни бекитди, диний маросимлару араб алифбосини, диний китобларни йўқотди. Бизга отамиз тиловат қилиб бўлгач, Алишер Навоий, Лутфий, Бобур, Фузулий, Машраб каби улуғ шоирларнинг ғазалларидан ёддан ўқиб берардилар. Онамиз ҳам кўшилардилар. Ота-онамизнинг ҳикоялари ва шеърларига маҳлиё бўлиб ўтирардик. Бу шеъринг кечалар анъана бўлиб қолган эди. Отамиз шеърлардан ўқиб тамом қилганларидан сўнг: ‘Мана энди, ўғилларим, совет мактаблари, ўрта ва олий илм даргоҳлари очилди. Энди сизлар мазкур мактабларда ўқиётир-сизлар. Олий мактабларни ҳам битириб, мартабаларинг баланд бўлсин, дилларинг пок бўлсин, лекин кимнинг авлоди жанларингни ҳеч қачон унутманглар’, деб дуо қилар эдилар. Сизларгаям гапим шу”, дейдиган бўлдилар.

Лекин бу насиҳатлар мусиқий санъатга бўлган муҳаббатимни сўндиролмади. Мактабдош ўртоқларим билан Тошкент кўчаларида, боғларида, хиёбонларида чоп-чоп қилиб юрган-имда, симёғочларда, чойхоналарда, дўконларда ўрнатилган радио карнайларидан берилаётган ўзбек ва бошқа халқларнинг қўшиқ ва мусиқалари оҳанграбодай торта бошлади. Бахтимга 1936 йили бизнинг хонадонимизда ҳам радио карнайи ўрнатилди. Радионинг кечки соат 8 да бериб турадиган концертда ўзбек халқининг мумтоз ашула, қўшиқ, яллалари, машҳур ҳофиз, хонанда ва созандаларнинг ижролари янграйдиган бўлди. Мазкур концертни ота-онам, ака-опаларим, қўшни-қўшнилар билан мириқиб тинглар эдик. Концертда иштирок этган ҳофиз, хонанда ва созандаларнинг исм-шарифлари тўлон қилинарди-ю, лекин қайси жамоалиги айтилмасди. Мен шунинг биллишга қизиқардим. Катталардан сўраб-суриштирдим, натижа бермади. Мактабимиздаги ҳаваскорлар мусиқа тўғараги раҳбари Лутфуллаевдан сўрадим. У менга 1927 йили Ўзбекистон Давлат радио эшиттириш-студияси (Комитети) қошида устоз Юнус Ражабий раҳбарлигида Ўзбек халқ ашула ва



созлар жамоаси ташкил қилингани, унда иштирок этаётган хонанда ва созандаларнинг исми шарифларини катта бўлганда билиб олишимни айтди.

1938 йили кўчаларда ёпиштирилган афишалардан Тошкентнинг А. Пушкин номидаги Маданият ва истироҳат боғида Юнус Ражабий раҳбарлигидаги Ўзбекистон радиосининг ашула ва чолғу жамоаси катта концерт беришини ўқиб қолдим. Концерт белгиланган куни ўртоқларим билан бирга бордик. Концертдан жуда катта таассуротда уйга қайтиб, ота-онамизга мақтадик. Кейинчалик акаларим билан концертга бот-бот борадиган бўлдим. Ўрта мактабнинг 4-чи синфини битирганимдан сўнг, то 1941 йилга қадар ўртоқларим билан Ўзбекистон матбуот бирлашмаси қошидаги “Лира” номли Маданият саройининг ўзбек ашула ва ракс ансамбли ҳамда дамли (духовой) оркестрнинг концертларига ва Тошкент темирйўл корхонаси қошидаги Маданият саройи ҳаваскорларидан тузилган ўзбек ва рус ашула-ракс ансамбларининг концертларига ҳам борардик.

Отамнинг насиҳатлари дилимда бўлса ҳам, мусиқа мени етаклайверди. Охири, кунларнинг бирида ота-онамга ҳавасимни тушунтирдим. Улар зўрға рухсат беришди. Шундан сўнг, мактабдаги ҳаваскорлар мусиқа тўғарагига яна фаол қатнадим. Чолғу созлар жамоасида най созида ўзбек, тожик, рус, украин халқ куйларидан ижро қилар эдик. Мазкур мусиқа тўғараги биз, мактаб ўқувчилари учун ҳақиқий мусиқа мактаби бўлди.

Биз ўзгарувчан бир даврда мактабда ўқидик. Яъни, мактабда биринчи синфдан бошлаб лотин алифбосида ёзиш ва ўқишни ўзлаштирган эдик. 1940 йилдан эса, кирилл алифбосини киритишди. Алифбони ўзлаштирдик. Дарслар маълум давргача икки алифбода бўлган. Шу сабабли ёзма ишларимда хатолар учраб турарди.

1941 йил даҳшатли иккинчи жаҳон уруши бошланди. Бу даврни эслаш жуда ҳам мушкул. Бизнинг оиламиз ҳам эл қатори барча қийинчиликларни босиб ўтди. Мен 1942 йили 8-чи синфни битириб, иқтисодий қийналиб қолган оиламизга ёрдам бериш учун Тошкент текстиль комбинатига устага шогирд бў-

либ ишга кирдим. Иш жараёни жуда ҳам қийин эди. Станоклар тез-тез бузилиб қолар эди. Уста Павел дед менга иш ўргата бошлади. Тунги сменада чарчаб мудраб қолсам, дед мени сўкмай, бир бурда қора булка ва бир стакан чой билан сийларди. Бахтимга Павел дед чехраси очиқ, хушфёъл инсон эди. Кундузги сменаларда эса мен унга бўш вақтимизда найда ўзбекча ва русча куйлардан чалиб берсам, жуда ҳам хурсанд бўлиб, “У тебя есть талант” деб кўярди. 1943 йил февраль ойи эди. Бир куни у мени Тошкент текстиль комбинатининг Маданият саройига олиб борди ва ҳаваскорлар мусиқа ансамбли раҳбарига топшириб кетди. Ансамбль раҳбари мени эшитиб кўриб, қабул қилди. Кечки пайт ишдан бўш кунларим, кечқурун ансамблга катнаб турдим. Мен ансамбль билан бирга ва яқка ижрода найда ўзбек, рус халқ куйларидан ижро этардим. Ансамбль бош раҳбари Олес Чишко менга мусиқа ўқув юртида ўқишни маслаҳат берди. Мен рози бўлдим. 1943–1944 ўқув йили августда бир кун ўзи мени Тошкент Давлат мусиқа техникуми (ҳозирги Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юрти)га олиб борди. Комиссиянинг синовидан ўтдим. “Тарих-назария” бўлимнинг тайёрлов курсига қабул қилишди. Кейин комбинатдаги ишдан бўшадим. Устозим — Павел дедга миннатдорчилигимни изҳор қилдим. У менга ўқишда муваффақият тилаб хайрлашди.

Техникумда мусиқа назариясидан композитор В. А. Успенский, сольфеджиодан мусиқашунос Е. Е. Романовская, мусиқа тарихидан И. Гинзбурглар дарс беришар эди. Фортепианода чалишни Г. И. Дубровская ўргатарди. Мусиқадан ташқари ўзбек тили, рус тили, адабиёт, математика, жаҳон тарихи, география, немис тили, жисмоний тарбия, ҳарбий тайёргарлик каби ўрта мактаб фанларини икки йил давомида ўқиб, ўрта маълумотли ҳам бўлдик.

Мусиқа техникумида дирижёр-педагог А. И. Петросянц дарс берарди. У 1944 йил мартларида най чалаётганимни кўриб қолиб, филармония қошидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига ишга таклиф қилди. Оркестрда репетиция ва концертлар кечки соатларда ўтар экан. Мен хурсанд бўлиб, розилик билдирдим. Оркестрда 1945 йилнинг апрель ойигача иш-



Ҳамид Рахимов талабалик йилларида



Абдурахим хўжа қори Турсунхўжаев оиласи билан. 1933 йил



Композитор дўстлари билан: Ф. Назаров, Ҳ. Рахимов, Ф. Қодиров ва С. Бабаев

ладим. Ўқиш ва иш жараёнида найда учта, дуторда битта шоир Камтарнинг сўзига “Мард ўғлонлар, олға бос” ва халқ сўзига “Омон қайтгин, болам” номли бир овозли куй ва кўшиқларни нотада басталадим. Уларни композитор Н.Н. Миронов гармониялаштириб, оркестрга мослаб берди. Концертда ижро этилди, томошабинлар қарсақлар билан қарши олдилар. Дирижёр А.И. Петросянц, М.М. Миронов, оркестрнинг созандалари ва хонандалар мени табриклашди. Ана шу арзимаган куй-кўшиқларимга пул (гонорар) ҳам беришди. Хурсандлигимдан (пулни олганимдан кейин) уйга келиб, ота-онамга бердим, қаердан олдинг, деб сўрашди. Мен бўлган воқеани тушунтириб бердим, улар ҳайрон бўлиб, “музыкага ҳам ҳақ берарканми” деб ажабланишди. Бу менга ижод йўлидаги биринчи тажриба бўлди. Оркестр концертида бўлган масикашунос Е.Е. Романовская мен басталаган куй-кўшиқларни Тошкент Давлат консерваторияси ўқитувчиси Б.Б. Надеждинга (келгусида профессор ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби) кўрсатибди. Иккаламизни таништирди. Шу сабабли 1945 йили консерваториянинг тайёрлов бўлимига кўчирма қилишди. Борисович Надеждин биринчи дарсдан бошлаб композиторлик мутахассислигини ўзлаштиришда басталанган куй (мелодия) га гармония ёки полифония қодаларини қўллашни бирма-бир ўргата бошлади ва вазифалар берди. Композиторликни эгаллашга астойдил ҳаракат қилиб, ўқишга шўнғирдим.

1945 йилнинг 9 май куни ўқишга отлансам, радиога даҳшатли уруш тугаганини эълон қилишди. Шаҳарда тантаналар бошланиб кетди, одамлар суюнганларидан кўз ёши қилиб, бир-бирларини кучоклаб табриклашларини сўз билан ифодалаш қийин. Тошкент консерваторияси ўқитувчи-талабалари ҳам дамли (духовой) оркестр билан шаҳар кўчаларида мингминглаб катта-кичик одамларни эргаштириб, намойишлар ўтказишди. Театр ва концерт ташкилотлари халққа бепул концертлар берди. Бу тадбирлар икки кун давом этган эди.

Консерваторияда кўтаринки руҳда ўқишни давом эттирдим. Тайёрлов курсида касбий мутахассисликдан ва барча фанлардан белгиланган дастур асосида маълумотга эга бўл-

дим. 1948 йили синовсиз консерваториянинг асосий курсига ўтказилдим. Устозим синфида ўша йиллари мендан олдинги ва бўлгуси композиторлар: А. Берлин, С. Варелас, В. Князев, Х. Назмов, В. Мейен, И. Ҳамраев, Пак-Ен-Дин, Д. Зокиров, Д. Соатқулов, Г. Собитовлар билан бирга ҳар ҳафта сешанба ва жума кунлари ҳаммамиз домламининг хонадонида соат тўқкиздан кечки олтигача машғулот ўтардик. Тушлик ҳам ўша хонада бўларди. Тушликни домламининг рафикаси тайёрларди, “колхоз” бўлиб тамадди қилардик. Дарс жараёнида аввал юкори синф талабалари ўзлари басталаган музикий асарларини фортепианода ижро этардилар. Ижро этилган асарларни домла ва талабалар муҳокама қилар эди. Учинчи курсдан бошлаб, биз ҳам ёзиб келган асаримизни кўрсатадиган бўлдик. Бу усул жуда қулай эди. Чунки, турли шакл ва жанрларда ёзиб келинган музикамизни нишיתי олиш имконияти жуда катта эди. Мен ҳам учинчи курсдан бошлаб, ўқиш жараёнида кўповозли услубий йўналишда фортепиано, скрипка, виолончель, най созларига пьесалар, этюдлар, прилюдия, фуга, сонатина, соната, поэмалар; турли мавзуларда кўшиқлар, симфоник оркестрга увертюра, поэма, сюиталарни синфда эшиттириб, устозим ва курсдошларим танқидий мулоҳазаларини инобатга олиб, ижодий изланишимни давом эттирдим.

Шуниси қизиқки, 1950 йили Ўзбекистон Давлат филармонияси директори филармония қошидаги “Ўзбекистон” ашула ва раке ансамблига музикий раҳбарлик лавозимига таклиф қилди. Мен устозим билан маслаҳатлашиб, унинг розилигини олиб, музикий санъат соҳасида ишга биринчи қадам қўйдим. Филармония директори ансамбль жамоаси билан мени таништирди. Иш жараёнида созанда, хонанда, хор ва раққосаларнинг жонли ижроларини кузатдим. Ўз таассуротимни баён қилдим. Жамоа билан келишиб, замон талабига мослаб, бир ярим ой муддатда янги концерт дастурини тайёрлаш устида ишладик. Барча ижрочиларнинг сахна либосларини янгилادик. Ҳар бир хонанда-яккахоп, раққоса, оммавий бир ва икки овозли хор ҳамда раке жамоалари репертуарларини, илгари ижро этиб келинган ўзбек халқининг ноёб ашула, катта ашула, лирик кўшиқлари-

ни қолдирдик. Машҳур бастакорларимизнинг янги кўшиқ ва куйларидан, тожик, туркман, қирғиз, козок, рус, украин, белорус, озарбайжон халқ кўшиқ ва чолғу мусикаларидан концерт дастури тайёрладик. Филармониянинг директори консерваторияда ўқишимга халакит бермайдиган имтиёзли шароит туғдирган эди. Филармония концерт залида 1950 йил 8 Март хотин-қизлар байрамида икки бўлимли концерт бердик. Концерт муваффақиятли ўтди. Республика раҳбарлари ва жамоатчилик концерт иштирокчиларини табриклашди. Мазкур концертдан сўнг Тошкент шаҳри ва вилоятидаги Маданият саройларида ва қолхозларда концертлар бериб турилди. Шундай қилиб, мен санъат оламига шўнғиб кетдим».

Энди бу ёғини ўзим давом этсам: 1951 йили Москвада ўтказилган «Ўзбек адабиёти ва санъати декадаси»да «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли катта концерт дастури билан фаол иштирок этди. Ансамблнинг раҳбари талаба-композитор Ҳамид Раҳимов «За трудовое отличие» медали билан, Ўзбекистон маданият вазирлигининг икки ойлик пул мукофоти билан тақдирланди. Ансамбль Москвадан қайтгандан сўнг, қисқа дам олиб, Тошкентда, барча вилоятларда истиқомат қилаётган ватандошларга ҳисобот концерти бериб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Ҳамид Раҳимов мазкур ансамблга мусиқа раҳбари этиб тайинланган даврдан бошлаб, энг аввал ўзбек халқ чолғу созларининг ўрнига қайта ишланган чолғу асбобларни, гобой, кларнет каби созларни ҳам киритди ва ансамблни кенгайтди. Бу эса нотасиз ва нотада ёзилган мусиқий асарларни ижро этишга имконият туғдирди. Шу сабабли, ҳам чолғучилар, ҳам хор жамоси, бир овозли (унисон) ва кўповозли услубий йўналишда асарларни ижро этишга эришди.

Мазкур ансамбль Ҳамид Раҳимовнинг ўша йиллари басталаган «Бахт куйида сайрайман» (П. Мўмин сўзи), «Қалб кўшиғи» (М. Ғани сўзи), «Севиқли ўғлим» (Ҳабибий шеъри), «Ёшлигимиз», «Тинч Ўзбекистон» (П. Мўмин сўзи), «Қаҳрамонни севаман» (М. Қориев сўзи), «Қурувчи қиз орзуси» (Туроб Тў-

ла сўзи) кўшиқлари, қайта ишланган ўзбек халқ ашулалари: «Навбахор» (А. Навоий ғазали), «Ҳануз» ва «Ялла» каби мусиқа ва рақс асарлари илк бор ансамблда ижро этилди ҳамда репертуарда сақланиб қолди. Ҳамид Раҳимовнинг илтимоси ва шартнома асосида композитор Манас Левиев «Ўзбекистоним», «Тинчлик учун» (Туроб Тўла сўзлари), «Пахта ҳосил байрами» — сюита (А. Раҳмат сўзи) каби асарларни ёзиб берди. Композитор Сулаймон Юдаковнинг «Жон Ўзбекистон» (Асқад Мухтор сўзи) асари илк бор ижро этилди. 1953 йили шоир Ғафур Ғулом шеърига С. Юдаков мазкур ансамблга «Мирзачўл» номли сюитани ўзбек халқ чолғу созлари ансамбли ва икки овозли хор учун ёзиб берди. «Жон Ўзбекистон» кўшиғи ва сюита биринчи ижросидаёқ композиторга шухрат келтирди. 1955 йили эса композитор сюитани «Мирзачўл» вокал-симфоник сюитасига айлантириб, яккагон ва тўрт овозли хор учун қайта ишлади. 1959 йили Москвада ўтказилган «Ўзбек адабиёти ва санъати декадаси»да ижро этилди ва «СССР Давлат мукофоти»га сазовор бўлди. Композитор Толибжон Содиковнинг «Пахтакор яллеси» ва «Ой бўстон» (Акмал Пулат сўзи) кўшиқлари ансамблнинг репертуаридан мустақил ўрин олди.

Ўша даврларни Ҳамид Раҳимов шундай эслаган эди: «Ансамблнинг концерт дастурини йилдан-йилга бойитишга, ижрочилик савиясини янада юксалтиришга ҳаракат қилдик. 1952–1955 йиллари Республикаимизнинг вилоятларида ва Россиянинг Москва, Ленинград, Ярославль, Омск, Томск, Челябинск, Магнитогорск, Новосибирск, Иркутск, Братск, Свердловск, Ростов на Дону, Воронеж, Волгоград, Астрахань, Краснодар, Сочи, Ялта, Симферополь, Алушта, Боғча-Сарой шаҳар ва туман марказларида, Татаристон, Бошқирдистон автоном республикасида, Украина, Беларусия, Озарбайжон, Молдавияда ижодий сафарлар ўтказдик. Ана шу жойларда замонавий ўзбек мусиқа санъатини намойиш қилдик. 1954 йили эса ҳимоя қилиш учун диплом ишимни тайёрлаш мақсадида айрим гастролларда қатнашмадим.

Ниҳоят, 1954 йил май ойида ўтказилган Давлат имтиҳон комиссиясига “Ёшлик” номли симфоник поэма билан шоир

Туроб Тўла сўзига “Сени севаман” лирик кўшиғини топширдим. Филармониянинг симфоник оркестри ва профессор А. Ф. Козловскийнинг дирижёрлигида ижро этилди. Кўшиқни эса фортепиано жўрлигида ўзим ижро этдим. Комиссия аъзолари “аъло” баҳо билан мени табрикладилар. Менга йўл-йўрик кўрсатган Тошкент текстиль комбинати устаси Павел дедни ва хаваскор ансамбль раҳбари Олес Чишқоларни Давлат имтиҳонига таклиф қилдим. Улар мени қутлашди. Шу билан консерваторияни муваффақиятли битирдим.

Минг бор ташаккур билан айтаманки, профессионал композитор бўлиб шаклланишимда ҳурматли устозларим Б. Б. Надеждин, В. А. Успенский, А. Ф. Козловский, Е. Е. Романовская, фортепиано устозлари Г. Н. Дубровская, К. М. Успенская, гармония ва полифония ўқитувлари Ю. Н. Тюлин, А. Я. Коральский, мусиқа тарихи ўқитувчилари Я. Б. Пеккер ва И. А. Дулгарованинг меҳнатлари бекиёс».

1954 йили Ҳамид Раҳимов Тошкент Давлат консерваториясини муваффақиятли битирганидан сўнг, ансамблда иш фаолиятини 1956 йилга қадар давом эттирди.

1954 йили 29 декабрда ўтказилган Ўзбекистон композиторлар уюшмасининг ҳайъат кенгашида Ҳамид Раҳимов аъзоликка қабул қилинди. Композиторлар Мутаваккил Бурхонов, Георгий Мушель ва Ўзбекистон Давлат филармониясининг раҳбарияти унинг ижодий ва иш фаолияти ҳақида тавсиянома беришган. Шу даврдан бошлаб композитор Ҳамид Раҳимов Ўзбекистон композиторлар союзининг йиллар давомида ўтказилган барча тадбирларида фаол катнашди. 1960 йили эса ҳайъат раисининг ўринбосари лавозимига сайланди.

Ҳикояни шу жойда бироз тўхтатайлик-да, асарларига ўтайлик, нима дейсиз?

«Ёшлик» СИМФОНИК ПОЭМАСИ

Композитор Ҳамид Раҳимов 1954 йили Давлат имтиҳон комиссиясига тақдим этган «Ёшлик» номли симфоник поэмаси «Соната Allegro» шаклида басталанган. Поэма ҳам кўтаринки, ҳам вазмин, қандайдир дилга пинҳона сокин, миллий оҳангларда суғорилган муқаддима билан бошланади. У оркестрнинг торли созлар жамоасида (бир овозли, унисон) паст регистрда бошланиб, гобой, кларнет, фагот, волторна, трамбон созлари билан пайванд бўлиб, ўзбек халқ куйларига ҳамоҳанг (миксолидий F-лад) мавзу (тема) ривожланиши жараёнида ҳам мунгли ўтмиш, ҳам тантановор янги замонни ифодалайди. Бош партия мавзуга узвий боғланади.

Maestoso



The musical score shows the beginning of the piece. It is in 2/4 time and F major. The tempo marking is Maestoso. The score is written for a symphony orchestra, with staves for Violins I and II, Viola, Violoncello, Contrabasso, Flute, Clarinet, Bassoon, and Double Bass. The melody is primarily in the upper strings and woodwinds, while the lower strings and bassoon provide a rhythmic accompaniment.

Поэманинг бош партия (мавзу)си (F-дур миксолидий лад) муқаддимага нисбатан қувноқ ўзбекча рақсга мос оригинал куй «Allegro giusto» тез ҳаракат билан бошланади. Оркестрнинг торли созлар гуруҳи ва волторнада чўзиқ оҳанг фонида ёғочли созлар гуруҳи ўзбекча қувноқ рақс куйи ривожланиш жараёнида, асосий бош партия бир неча бор созлар гуруҳларида намён бўлиб, турли динамик урғулар билан оркестрнинг барча


созлари кўшилиши туфайли ўрта авж, катта авж нукталарга кўтарилган товушлар (крешендо, меццо-форте) шодон янграйди. Мазкур мусикага ўзбекча рух беришда ногора усулидан фойдаланган. Айниқса, бу жараён дамли созларда синкопали усул (ритм)лар билан намоён бўлганда жуда ҳам сезиларли.



Умуман, ривожланиш жараёнида ўзгарувчан турли ладларга суянган ҳолда ғайрат-шижоатга тўла усуллар, кувнок бош партия (тема) беш тактли секвенциялар билан пасайиб, боғловчи партия намоён бўлади ва ёрдамчи партияга пайванд қилинади.



Оркестрнинг торли созлар гуруҳи жўрлигида ўзбек халқининг оҳангдор қайғули ашулаларга ҳамоҳанг характерли ёрдамчи партияси намоён бўлади. Ёрдамчи партиянинг мелодияси кенгаяди, аста-секин динамикаси кўтаринки руҳда интонация тебраниши дорий-С- ва эолий ладларда бир овоз ҳам қайғули, ҳам хушоҳанг — лирик характер касб этади. Хуллас, поэма бош ва ёрдамчи партиялари рақсга хос ва қайғули — лирик хусусиятларни сақлаб ривожланади.



Бу икки партия экспозицияда намоён бўлиб, оркестрнинг турли чолғу созлари гуруҳларида уч маротаба такрорланишда ёрдамчи партия авж нуктасида экспозиция тугайди.

Мазкур иккита партия «Соната Allegro»нинг разработкисида мавзу (тема) жиҳатдан бир-бирига контрастли ҳолда бўлсада, лекин мусиканинг умумий кувнок характери бош партия устуворлигида ладларнинг (У, Н, D-Fis) ўзгариш модуляцияси туфайли ва полифоник равишда мелодиянинг узлуксиз ривожланиши кенг намоён бўлади.

Реприза эса, экспозиция ва разработкага нисбатан, қисқартирилган ҳолда намоён бўлади. Бунда бош партия қўшимчасиз, ўз холида, икки маротаба такрорланса, ёрдамчи партия қўшимча, ўзгарувчан интонациялар худди акс садо каби намоён кода ниҳоясига этади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, симфоник поэманинг кода-си оғир-мушкул характерли узундан-узун қайтаришлар билан

кувнок рақсга монанд асар муваффақиятига бироз соя солгандай, фикримизча.

Умуман, «Ёшлик» симфоник поэмаси композитор Ҳамид Раҳимовнинг илк мусикий асари, Ўзбекистонда симфоник мусиқа ўзбек композиторлари ижодида эндигина ривожланиб келаётган даврда бунёдга келди. Мазкур поэма симфоник оркестр репертуарида мустақил ўрин олиб, концертларда ижро этиб турилди. Ҳар концертда тингловчи-томошабинлар асарни юксак қабул қилдилар. Бу эса, композиторга келгусида кўповозли мусикий санъатнинг турли шакл ва жанрларида мусикий асарлар яратишга илҳом берди.

1955 йили Муқимий номидаги Республика Давлат мусиқали театри директори драматург Ш. Тамкиннинг «Сингиллар киссаси» номли пьесасига бастакор Пўлатжон Раҳимов билан ҳамкорликда мусиқа басталаш учун Ҳамид Раҳимовни таклиф қилди.

У иш жараёни ҳақида шундай ҳикоя қилиб берганди: «Мен бастакор Пўлатжон Раҳимовнинг дилбар кўшиқларини эшитиб юрардим, ансамблимизда ижро этилар эди. Театрда у билан яқиндан танишдик ва дўст бўлиб қолдик. “Сингиллар киссаси”га мусиқа басталашда биргаликда ишладик. Иккала-миз спектаклда иштирок этувчи ижобий ва салбий образларга, оммавий сахналарга бир овозли мелодиялар яратдик. Ана шу яратилган мелодияларни мен уйғунлаштириб, симфоник оркестрга мослаштирдим. Мусиқа тайёр бўлгач, хонандаларга ва хор жамоасига ўргатдик, бир неча бор репетициялар ўтказдик. Симфоник оркестрга ўзим дирижёрлик қилдим. Спектакль премьераси жуда яхши ўтди. Шу сабабли 1956 йили театр раҳбарларининг илтимосига кўра, Пўлатжон билан драматург Умаржон Исмоиловнинг “Зафар” номли пьесасига ҳам ҳамкорликда мусиқа яратдик. Оркестрга менинг илтимосим билан Фаттоҳ Назаров дирижёрлик қилди.

1956 йили эса шу театр директори мени симфоник оркестрга дирижёрлик лавозимига таклиф қилди. Бу даргоҳда икки йил ишладим. 1958 йили Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг буйруғи билан Ўзбекистон халқ артисти, машхур

балетмейстр Мукаррама Турғунбоева ташкил қилган “Баҳор” номли Ўзбекистон Давлат рақс ансамблига мусиқа раҳбари лавозимига тайинландим. Мазкур ансамблнинг концерт дастурини тайёрлаб, Тошкентда ва республикамизнинг турли жойларида, Россия ва чет давлатларда ҳам концертлар ўтказиб, ўзбек ва бошқа халқларнинг санъатларини намойиш қилдик.

1960 йили эса Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири буйруғига биноан, Ўзбекистон санъат Бош бошқармасининг мусиқа бўлимига раҳбарлик лавозимига тайинландим. Вазирлик қошидаги барча болалар мусиқа мактабларининг, ўрта ва олий ўқув муассасаларининг иш фаолиятлари билан танишиб, керакли маслаҳатлар билан фикр алмашиб, бошқардим. Умуман, юқорида ишлаган жамоаларнинг ижодий савияларини кўтаришга, қўлимдан келгунча ҳаракат қилдим».

1960 йилнинг 8–14 июнида Ўзбекистон композиторлар союзи (ҳозир Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси)нинг 3-чи съезди (курултойи) бўлиб ўтди. Съезд якунида композитор Собир Бобоев — раис, Ҳамид Раҳимов раис ўринбосари, Александр Берлин масъул котиб лавозимларига сайландилар.

1961 йилда эса Ҳамид Раҳимов Тошкент Давлат консерваториясига ректор лавозимига тайинланди. Шу даврдан бошлаб икки раҳбар ёнма-ён туриб ишлашга, бир ҳаводан нафас олишга муяссар бўлдик. Санъат аҳли уни бир неча кун давомида табриклаб, иш ва ижодий фаолиятида омадлар тиладилар. Иш фаолияти бошлаганига кўп вақт ўтмай, электр симидан аланга чиқиб, консерваториянинг катта зали ва бир неча синфлар ёниб кетди. Бу фавқулодда содир бўлган воқеа унинг бошига катта ташвиш солди. Ўқиш жараёни консерваториянинг айрим синфларида, талабалар ётоқхонасида ва ўрта таълим мактаби биносида (куннинг иккинчи ярмида) давом этди. Ректор, унинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Л.Г. Цинцинадзе бошчилигида ҳамма имкониятлар ишга солиниб, тез орада катта зал, ўқув ва спорт зали, эски бино икки қанотига қўшимча синфлар ва кутубхоналар янгитдан қурилди. Консерваториянинг моддий базаси мустаҳкамланди. Ўқув жараёни яна ўз изига тушди.

Ҳамид Раҳимовнинг ижодий ва улкан ташкилотчилик фаолияти, айниқса, консерваторияда раҳбарлик қилган 1961–1971 йилларда намоён бўлди. У ишга талабчанлиги, ташаббускорлиги ва изланувчанлиги билан консерватория талабалари ўқув-тарбия ишлари мавқеини оширишга, миллий кадрларни тайёрлашга, вилоятлардаги давлат мусиқа мактаби ва ўқув юртлари билан ижодий алоқаларни кенгайтиришга жиддий эътибор берди. Умуман, тез орада консерваториядаги муҳит соғломлаштирилди. Москва, Ленинград, Олмаота, Боку, Ереван, Тбилиси, Киев, Минск, Рига, Вильнюс, Таллин консерваториялари билан ижодий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Педагоглар ва талабалар билан биргаликда турли ижодий тадбирлар ва концертлар ўтказиш яхши йўлга қўйилди. Натижада йилдан-йилга талабалар сони ва мутахассислик маҳоратлари, айниқса, мусиқанинг барча соҳаларида миллий кадрлар сони ва сифати ҳам оша борди. Масалан, 1961 йилга қадар консерваторияда Европа чолғу асбобларида хор-дирижёрлик, композиторлик ва мусиқашунослик мутахассислари орасида ўзбек, тожик, туркман, қирғиз талабалари сони 20% бўлса, Ҳамид Раҳимов раҳбарлик қилган даврда 50% дан ошиб кетган эди. Консерватория ва мусиқа ўқув юртларида миллий кадрларни тайёрлашга муҳим аҳамият бергани баъзи педагогларга ёкмади ҳам. Вилоят мусиқа ўқув юртлари, ёки В. Успенский ва Р. Глиэр мусиқа мактабларини яхши баҳолар билан битириб келган миллий абитуриентларни, қабул жараёнида атай паст баҳолашар эди, ёки тайёрлов курсига равона қилар эдилар. Ҳамид Раҳимов бундай ишларга чек қўйишга ҳаракат қилар эди. Бундан ташқари, консерваторияда дарс-маърузалар кўпроқ ўзбек тилида ўтказилишининг тарафдори эди.

Шу ўринда бир бўлган воқеа эсимга тушади. 1963–1964 ўқув йили менинг раҳбарлигимда мусиқашунослик мутахассислигида Сайиджон Қосимов деган талаба диплом ишини ўзбек тилида ёзадиган бўлди. Мен хурсандчилик билан буни маъқулладим. Диплом иши учун биз танлаган мавзуни кафедрада талаба қисқача баён қилиб, она тилида ёзишини изҳор этди. Кафедра мудири С.М. Векслер: «Йўқ, ўзбек тилида ёзсанг, ким

ўқийди, рус тилида ёзасан, акс ҳолда мавзуни тасдиқламаймиз», деди. Унга жавобан С. Қосимов: «Мен ўзбек мактабида ўқиганман, рус тилида гапирсам ҳам, лекин бу тилда ёзолмайман», деб тушунтирди. Мен, студент она тилида ёзади, сизнинг ҳаққингиз йўқ бундай дейишга, деб қувватладим. Профессор Я.Б. Пеккер ва педагог И. Дулгаровалар ҳам талабани ҳимоя қилишди, менинг сўзларимни маъқуллашди. Векслер яна қарши турди ва ўз фикрини кафедранинг бошқа аъзоларига сингдириб, кўпчилик билан ўзбек тилини инкор қилиб, мавзуни тасдиқламадилар. Биз диплом ишини барибир ўзбек тилида ёзадиган бўлдик. Орадан беш кун ўтиб, мени консерваториянинг партташкilotи бюросига чакиртиришди. Кафедранинг протоколида «А. Жабборов Ленин, Пушкин, Толстой тилини инкор қилди. СССРда ҳамма рус тилини она тили деб билса-ю, талаба Қосимовнинг миясини айнитиб, диплом ишини ўзбек тилида ёздирмоқчи» дейилган эди. Партташкilot котиби М. Жамолова менга дўқ билан рус тилида: «Товариш Джаббаров, почему Вы пренебрегаете языком Ленина, Пушкина, Толстого, почему Вы студенту морочите голову?» дея муурожаат қилди. Саволларга берган жавобим ва талабани ҳимоя қилишим айрим бюро аъзоларига, айниқса, Б.И. Зейдманга ёкмади. У ҳам мени қоралади. Шунда ректор Ҳамид Раҳимов сўз олиб, ҳаяжон билан жиддий равишда мени ва Қосимовни ҳимоя қилиб, «Она тилимизда ёзишга мен рухсат бераман», деди. Кейин ректорга ёпишишди. Бюрода қабул қилинган протокол Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Қўмитасига юборилди. Бизни Марказ Қўмитасининг маданият бўлими мудири Азиз Пўлатович Қаюмов хузурига таклиф қилишди. Унинг хонасида С. Векслер, Б. Зейдман ўтирган эканлар. А. Қаюмов бизни партташкilot ва кафедра протоколлари билан таништирди ва менга савол берди. Берилган саволга мен батафсил жавоб қайтардим. У жиддий, жуда усталик билан Конституция қонунидан ва Лениннинг миллий кадрлар масаласида айтган сўзларидан мисоллар келтириб, уларнинг даъвосини инкор этиб, бизни ҳимоя қилди. С. Қосимов диплом ишини аъло баҳо билан ҳимоя қилди.

Ҳамид Раҳимов ажойиб бағрикенг инсон эди. У жонбозлик билан ишлар, ўз касбини севган педагог-профессорларга илмий унвонлар бериш билан руҳлантириши, ўз ишига масъулиятсизларча қараган педагогларнинг ҳам кўнглига йўл топиб, уларнинг ҳам иш ва ижрочилик фаолиятларини руёбга чиқаришга ҳаракат қиларди. Раҳбарлик услубининг хусусияти шундай эдики, кимдир унга ёмонлик қилса, ёки ўринсиз айбласа, ёки танқид қилса, у ўша одамдан ўч олмас, ўзидан кўрсин, деб қўярди. Аксинча, қўлидан келганича педагог ва талабаларга иложи борича мурувват кўрсатарди, бошига бирор мушкул иш тушса, дардига дармон бўлишни ўзининг бурчи ва ҳаёт мазмуни деб биларди. У оғир вазиятга тушиб қолганда ҳам, ўзига ёки дўстларига, педагогларга маломат тошлари отилганда ҳам ўзининг муносиб мувозанатидан чиқиб кетмасди. Бундай шароитларда у ҳар бир муаммони мантиқ кучи билан, босиқлик билан асосларди, ечимини топар, ҳақиқатни руёбга чиқаришга эришар эди. Агар бирор нарсадан хурсанд бўлса, «море удовольствия» иборасини кўпроқ ишлатарди.

1962 йили Ҳамид Раҳимов «Римский Корсаков» номидаги Ленинград Давлат консерваториясининг ректори, пианист Павел Серебряковни Тошкент Давлат консерваториясида концерт беришга ва икки консерватория ўртасида ижодий алоқа, шартнома тузишга таклиф қилди. Ўша йили у июннинг бошида консерватория битирувчиларининг Давлат имтиҳон комиссиясига раҳбар сифатида Тошкентга келди. Консерватория залида «Фортепиано кечаси» концертини берди, эртасига эса «Баҳор» концерт залида симфоник оркестр жўрлигида (дирижёр А. Ф. Козловский) концерт берди. Давлат имтиҳони тугагач, Ҳамид Раҳимов Бухоро ва Самарқандни саёҳат қилдириб, дўст бўлиб, «ты»га ўтишди. Ҳамиджон Қундузхон билан хонадонларида унинг шарофатига зиёфат беришди. Зиёфат жараёнида Павел Серебряков ўзи бошчилигида 1941 йили Ленинград консерваторияси Тошкентга келган даврини эслаб, ўзбек халқи ва республика раҳбарларига оташин миннатдорлигини билдирди. Ҳамиджонга эса, «Ты мой настоящий друг. Я восхищаюсь твоим оптимизмом, как ты заразительно с пафосом “море удо-

вольствие” слово произносишь, с удивительным, необычным тембром голоса! Я польщен тобою, твой смех можно узнать издалека», деди. Зиёфат эртасига уни кузатиб қўйдик.

1964 йили кузда Ленинград композиторлар союзи болалар мусикасига бағишланган пленум ўтказди. Мен, Ҳамид Раҳимов, Фаттоҳ Назаров анжуманга бордик. Бизни П. Серебряков кутиб олди, меҳмонхонага жойлаштирди, пленум ишларидан бўш вақтимизда Ленинград, Петергофда саёҳат жараёнида шаҳарлар тарихи, маданий ёдгорликлар билан таништириб хушнуд эди.

«Дўстингни сафарда сина» деган мақол бор. Мен Ҳамид Раҳимов билан йиллар давомида жуда кўп сафарларда бирга бўлдим. Иттифок республикаларида, Москва, Ленинград, Россиянинг бошқа областларида ва чет элларда ўтказилган турли мусикий анжуманларда бирга қатнашдик. Илк бор 1965 йили Арманистон, Озарбайжон ва Грузия республикаларида ўтказилган «Закавказская Музыкальная весна» номли фестивалда композиторлар М. Левиев, Ҳ. Раҳимов ва мен фаол қатнашдик, 15 кун давом этган фестивал бизларда унутилмас таассурот қолдирди. 1967 йил Чехословакияда ўтган «Пражская музыкальная весна»га мен, Ҳ. Раҳимов ва Россиянинг Нижний-Новгород давлат консерваторияси ректори Г. С. Домбаев бирга бордик. Фестивал кунлари ҳаётимнинг бир лавҳасини эсладим, 1945 йили фашистлардан Брно шаҳрини озод қилишда жуда қаттиқ жангда ва Прагани озод қилишда мен зенит-пулемётим билан қатнашган эдим. Брно шаҳри эса фестивал дастурида йўқ эди. Мен Чехословакия композиторлар уюшмаси раҳбаридан Брно шаҳрига бориб келишни илтимос қилдим. Улар ташкилий ишларни тезда ҳал қилиб, Ҳ. Раҳимов билан мени (Г. Домбаев бормади) жўнатишди. Бизни жуда яхши кутиб олишди. Дўстимга ва бизни кутиб олган композиторларга жангда қатнашган жойларни ва жанг лавҳаларидан ҳикоя қилиб бердим. Шаҳар тепалигида бир неча бор пулемётимни ўрнатган жойларда жуда қатта ресторан ва турли маиший муассасалар қурилган экан. Ресторан директори бизнинг шарофатимизга зиёфат берди. Зиёфатда кўп киши қатнашди.

Учинчи куни соат 6:00 да поездда Прага томон кетаётганимизда вагоннинг бир неча купеларида биздан бошқа ҳеч ким йўқ. Ёмғир майда, юракни сикадиган ҳолатда ёғмоқда эди. Нонушта қилиб бўлгач, Ҳамид Раҳимов халқимизнинг мумтоз ашулаларидан, композиторлар ва ўзи яратган кўшиқ яллалардан, овозининг борича ижро эта бошлади, мен унга жўр бўлдим. Вагон кузатувчиси ва бошқа купедаги одамлар қизикиш билан тингладилар. Тез орада бизга кўшилиб кетишди. Улар ҳам чех ва рус кўшиқларини айтишди. Шоду хуррамлик билан Прагага етиб келганимизни сезмай қолдик. Келганимизнинг эртасига Украина партизанлари билан фашистларга қарши жангларда қатнашган, ногирон, Қримда танишган чех дўстим уйига бизни таклиф қилди. Уруш йиллари содир бўлган кўп воқеаларни эсладик. Дўстим Жак аккордионда турли чех ва рус чолғу-рақс мусиқа ва кўшиқларидан ижро эта бошлади. Мусиқа овозини эшитган кўшнилари киришди, жой етишмай, ҳовлига чиқдик. Катта-кичик кўшнилари топганларини олиб чиқиб, бир зумда дастурхонни тўлдириб, биз билан танишиб, базм кечасига айланиб кетди. Чех ва рус кўшиқлари жаранглади, рақслар давом этди. Барчанинг илтимосига кўра, дўстим билан ўзбек кўшиқларидан айтиб бердик. Ҳеч қутилмаган бу базм кечаси ва хурсандчилик онларини дўстим билан узок йиллар эслаб юрдик.

Тошкентда 1966 йили содир бўлган зилзила туфайли композиторларнинг ўғил-қизларидан бир гуруҳини Россияга оромгоҳга юбортирдик. Ўша йили Иттифок композиторлар уюшмасининг Москва область Руза районида жойлашган ижодий уйига сентябрнинг иккинчи яримида Матниёз Юсупов, Султон Ҳайитбоев, Сулаймон Юдаковлар ижод қилгани кетишган эди. Октябрь бошида П.И. Чайковский номидаги Москва Давлат консерваторияси 100 йиллик юбилейини нишонлади. Республикамиз раҳбарияти мазкур юбилейга Ўзбекистон номидан табриқлаш учун мен билан Ҳамид Раҳимовни юборди. Москвага етиб борган кунимиз Сулаймон Юдаков Рузадан келиб, бизга кўшилди. Учаламиз минбарга чиқдик, мен консерваторияда таҳсил кўрган барча санъаткор ва ўзбек

халқи номидан юбилей билан табриқладим-да, кейин совғани топширдик. Эртасига куннинг иккинчи ярмида, Сулаймон Юдаковнинг таклифи билан, дўконлардан керакли харажатлар қилишга «Белорус вокзали»га борсак, майдонда ўзбек дехқонлари қатта-қатта, кузги қовунларни ғарам қилиб, сотишяпти. Ҳамид Раҳимов билан Сулаймон Юдаков (доимий равишда) бир-бирлари билан жуда ҳам қаттиқ ҳазиллашар эдилар. Бу ерда ҳам иккаласи дехқонлар билан суҳбат қилиб, аскияни қизитишди. Иккита қатта қовуннинг пулини Сулаймон тўлади. Дехқонлардан бири: «Радио орқали Мирзачўлда минг гектар, деб қуйлайсиз, Сулаймон ака! Омон бўлинг, кўпроқ қуйлаб туринг. Бизни хурсанд қилдингиз, акаси», деди-да, битта қатта қовунни кўшиб бериб, хайрлашди. Харид қилиб, Рузага таксида етиб келдик. Ҳамид Раҳимов бошлиқ Матниёз ва Султонбойлар ошхонада ош пиширишга тушиб кетишди. Мен Сулаймон билан миллиард ўйнадик. Ош тайёр бўлди. Ўша ерда яшаётган барча композитор ва мусиқашуносларни ошхонанинг залига таклиф қилинди. Бир пасда ошнинг чанги чиқиб кетди. Қовунларни олиб чиқилганда ҳамма хайрон бўлиб, чанақ билан қарши олди. Сулаймон қовуннинг биттасини кўтариб олиб: «Буни дехқонлар мени таниб, совға қилишди!» дея, мактанди. Матниёз торда, Султонбой доирада, яна битта композитор баянда даврани роса қиздиришди, ашула ва рақс аюжига чиққанда соат тунги уч эди. Қатнашганларнинг ҳар бири хайрлашини олди: «Дорогие узбекские друзья, Вы на этом неожиданном вечере нам устроили “Восточную сказку”, мы восхищены, мы никогда не забудем этот удивительный вечер. Спасибо Вам всем!» деб қолишди. Бизнинг ҳам хурсандчилигимизнинг чеки йўқ эди.

Турли сафарларда бирга юриб, дўстим Ҳамид Раҳимовнинг хакикий улфат, дилкашлигига, миллий адабиёт, шеърят, мусикий мерос, замонавий маданий жараёнлар билимдонлигига икром бўлдим.

Республика раҳбарияти композитор Ҳамид Раҳимовни ижодий ва раҳбарлик фаолиятида эришган ютуқлари, замонавий мусикий санъатни ривожлантириш жараёнига, ҳамда

юқори малакали кадрлар тайёрлашда қилган улкан хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан мукофотлади. Ўша йили Иттифоқ олий аттестация комиссияси Ҳамид Раҳимовга доцент илмий унвони (МДЦ № 036071) берди. 1967 йили декабрда Бутуниттифоқ скрипкачилар конкурсида жюри сифатида қатнашди.

Ҳамид Раҳимов билан ҳаётнинг турли яхши-ёмон лаҳзаларини бошимиздан кечирдик. 1970–1971 ўқув йили консерваторияда «Шарқ анъанавий мусиқа кафедраси» ташкил қилинди. Кафедра мудири лавозимига санъатшунослик доктори, мусикашунос Ф.М. Кароматов тайинланди. Ташкил қилинган кафедрага консерваториянинг айрим профессор-педагоглари тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатдилар ва Ҳамид Раҳимов билан мени яна миллатчиликда айблаб, юқори идораларга мактублар юбордилар.

Бунинг ўзи бир тарих.

Маълумки, XX асрнинг 20–30 йилларидан бошлаб Ўзбекистонда бирин-кетин ёзилган барча мусиқа ўқув дарсларида Европа чолғу созлари қатори ўзбек чолғу асбобларида ўқувчиларга таълим бериш нота ёзувига ўтказиладиган бўлди. Шу сабабли мусиқа ўқув юртини ва консерваторияни битирган созандалар анъанавий ижрочилик услубидан четланиб қолдилар. Яъни, асрлар давомида шаклланган бой мусиқий меросга мансуб мумтоз ашула, катта ашула, кўшиқлар, яллалар, мақомларни ижро эта оладиган оғзаки профессионал (устоз-шоғирдчилик) ҳофизлик, хонандалик ва созандалик анъанаси четланиб келаётгани республика жамоатчилигини ташвишга солиб қўйган эди.

Бу жиддий муаммо тўғрисида 1970 йили Ўзбекистон халқ артисти, академик, Ўзбекистон теле-радио компанияси таркибидаги «Мақомчилар ансамбли» асосчиси, устоз Юнус Ражабий Бўстонлик тумани Хумсон оромгоҳида мен ва Ҳамиджон биргаликда дам олиб юрган кунларимизнинг бирида ўзларини ташвишга солиб келаётган фикрларини шундай изҳор этдилар: «Ҳамиджон, Аҳмаджон, сизлар раҳбарсизлар. Бу фоний дунёга ҳеч ким устун бўлмаган. Вақти соати билан биз ҳам ёруғ

дунёдан кўз юмагимиз. Мени анъанавий миллий мусиқа санъатимизнинг келгуси тақдири ташвишга солиб келмоқда. Яъни, мақом ва ҳофизлик санъатимиз ижрочилик анъаналарини давом эттирадиган мутахассислар кун сайин камайиб бормоқда. Бу муаммонинг олди олинмаса, келгуси асрларда халқимиз мумтоз мусиқий санъатимиздан маҳрум бўлиши ҳеч гап эмас. Мумкинми бу ташвишимни Ўзбекистон раҳбарларига етказиб, консерваторияда ва ўрта бўғин мусиқа ўқув даргоҳларида истеъдодли ёшларни оғзаки миллий ижрочилик йўналишида ҳофизлик, хонандалик ва созандалик ижрочилиги ўқитилса (ўргатилса) бўладими, деб сўрасам», дея бизга савол назари билан қарадилар. «Устоз, сиз тинчланинг, бу масалани республика раҳбарларига ўзимиз етказамиз», деб ваъда бердик.

Ўша йили мазкур масалани Ўзбекистон композиторлар уюшмасининг мусикашунослик ва танқидчилик комиссияси ҳамда уюшманинг ҳайъати кун тартибига қўйдик. Мунозара бошланди. Аълолардан айрим мусикашунос ва композиторлар эътироз билдиришди. Кўпчилик қўллаб-қувватлади ва қарор қабул қилинди.

Қарорга асосланиб, Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидовга мурожаатнома билан шахсан учрадим. Устоз Юнус Ражабийнинг ташвишларини баён қилдим. Халқимизнинг асл фарзанди, улуг инсон мурожаатнома билан танишиб, инobatга олиб, Марказқўмнинг маданият бўлимига топшириқ берилди. Миллий масала ҳам ҳал бўлди. 1970–1971 ўқув йили, шундай қилиб, «Шарқ анъанавий мусиқа кафедраси» ташкил қилинди. Кафедрада ишлашга Юнус Ражабий, Ризқи Ражабий, Ҳалима Носирова, Фахриддин Содиков каби устозларни ва араб, форс тилларида дарс берадиган ўқитувчилар таклиф қилинди. Минг афсуски, кафедра эндигина иш бошлаганда баъзилар қаршилик кўрсатиб, Иттифоқ Маданият вазири номига мактуб юборишибди. Мактубда «Консерваторияда “Ўзбек халқ мусикаси” факультети фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, “Шарқ анъанавий мусиқа кафедраси” ҳам очилди ва унда нотасиз, оғзаки услубда ёшларни ўқитилмоқда. Социалистик жамиятда анъанавий услубда ўқитишнинг ҳожати йўқ. Бор-

ди-ю, ёшлар шу йўналишда ўқишни битирсалар, давлат имтихони қандай ўтади, уларга қанака диплом берилади?» деб, даъво қилиб, Ҳамид Раҳимовни, мени айблашганди.

В. Кухарский телефон қилиб, уларга етиб борган мактуб тўғрисида менга саволлар берди. Мен унга тушунтирдим. У мактубни «Муסיқа ўқув муассасалари Бош бошқармаси»нинг раҳбари М. Ильинага юборибди. М. Ильина тиштирноғи билан қаршилик кўрсатди ва реестрга киритмади. Мен унинг ҳузурда бўлдим. Натижа бермади. Кураш давом этди. 1971 йили Ҳамид Раҳимовни ректорлик лавозимидан ноҳақ бўшатишди. Ректор лавозимига композитор-дирижёр Мухтор Ашрафий тайинланди. Унинг келиши билан мазкур кафедранинг ёпиш масаласи яна кўтарилди. 1972 йил январда яна Шароф Рашидов ҳузурларида бўлдим. Бўлиб ўтган воқеани батафсил айтиб бердим. Менинг олдимда КПСС Марказий Комитетининг идеология сектори бошлиғи М. Суловга телефон қилиб, тушунтирдилар. Менга «биз келишиб олдик, кафедра ёпилмайди», деб, жуда ҳам хурсанд қилдилар.

1972 йил март ойида М. Ашрафий консерваториянинг Илмий кенгаши кун тартибига мазкур кафедранинг ёпиш масаласини қўйган экан. Ўзбекистон Компартиясининг «Маданият бўлими»ни телефонда огоҳлантирдим. Илмий кенгашда роса тортишувлар авжга чиқди. Мен 1971 йили консерваториянинг Илмий кенгаш аъзолигидан чиқарилган эдим. Ўзбекистон маданият вазири менга жамоа аъзоси сифатида консерваториянинг Илмий кенгашида қатнашишимни айтди. М. Ашрафий менга сўз берди. Иттифок ва Ўзбекистон раҳбарларининг бу масалада келишилганлиги тўғрисида маълумот бердим. Шундан сўнг барча даъвогарлар тинчишди.

Лекин Москвада М. Ильина 1974 йилга қадар қаршилик кўрсатди. Ўша йили кафедра мудирлигига сайланган муסיқашунос О.Р. Матёкубов Москвага бориб, жуда қийинчиликлар билан М. Ильинага учрашиб, ўқув режаси ва дастурларни Иттифок Министрлар советининг диплом бериш № реестрига киритиш масалаларини тасдиқлатиб қайтди. Шундан сўнггина келгусида мазкур кафедра иккига бўлинди: «Халқ

анъанавий ижрочилик кафедраси» ва «Шарқ муסיқашунослик кафедраси» деб аталди. Бу икки кафедра энди ҳар йили иккидорли муסיқашунос, хонанда ва созандалар тайёрлаб етказишга хизмат қилаётир.

Ўқидиликда «Шарқ муסיқашунослик кафедраси» педагог ва профессорлари турли мавзуларда ўзбек, тожик ва бошқа шарқ халқларининг муסיқий мероси тарихи, назарияси, уларга боғлиқ қадимий манбаларни ўрганиб, илмий ишлар ёзмақдалар. Шу билан бирга шарқ халқлари муסיқий фольклори «Илмий тадқиқот маркази»да ҳам фаолият кўрсатмақдалар.

Композитор Ҳамид Раҳимов 1972–1977 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг «Муסיқа кафедраси» мудирини лавозимида ишлади. Республиканинг ўрта мактаблари муסיқа ўқитувчиларини тайёрлаб беришда ҳам фаолият кўрсатди.

Дарҳақиқат, Ҳамид Раҳимовнинг босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўлига назар ташлаб, бир нарсанга иқроор бўлдим; у бутун умрини молк-мулк, бойлик оттиришга эмас, Республикамизда замонавий профессионал муסיқа санъатининг барча тармоқларини ривожлантиришга бахшида этди. Ана шу машаққатли йўлда унинг матонати тобланди ва юксак ижодий ютуқларга эришди.



Сахнага чиқишдан олдин



Композитор Р. М. Глиэр билан ижодий учрашув



Устоз Борис Надеждин билан

НАФОСАТ КУЙЧИСИ

Дунёдаги барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам кўшиқчилик санъатининг шайдоси. Унинг кундалик ҳаётида қадим-қадимдан нафис оҳангдор дилбар кўшиқлар энг яқин ҳамроҳ ва ҳамнафас бўлиб келган. Асрлар давомида Аллоҳ инъом этган истеъдод соҳиблари: бастакор, созанда, хонанда, ҳофизлар яратган ва ижро этган кўшиқлар, ялла, лапар ва айникса, мумтоз ашула ҳамда мақомлар авлодлардан-авлодларга ўтиб, ҳозир ҳам дилларга ором-илҳом, кўнгилларга жўшқинлик бахш этмоқда. Ҳаёт ва инсон борки, кўшиқчилик санъати ҳам барҳаёт. Жозибали дилбар кўшиқ, ашула инсоннинг маданий ҳаётида азал-азалдан олам-олам рухий-маънавий озуқа бериб келгани ҳаммага аён. Аммо шуни эслатиб ўтиш жоизки, мусикий санъатнинг турли шакл ва жанрлари орасида кўшиқ ҳам жихатдан кичик бўлса ҳам, уни яратиш жуда мушкул.

Ўзбек кўшиқчилик санъати анъаналари XX асрда ҳам мукамал равишда машҳур бастакор, созанда, ҳофиз, хонандаларнинг ижод ва ижрочилик фаолиятларида давом этди. XX асрнинг 20–30 йилларидан бошлаб, бирин-кетин бастакор, созанда, ҳофиз, хонандалар етишиб чиқди. Айникса, улар орасида Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий, Ориф Тошматов (тахаллуси Ориф гармон), Тиллажон Тошматов, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Толибжон Содиков, Иномжон Икромов, Маматазиз Ниёзов, Мухторжон Муртазов, Наби Хасанов, Фахриддин Содиков, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Ғанижон Тошматов, Пўлатжон Раҳимов каби забардаст бастакорларнинг ҳар бири ўзига хос услубий йўлини топиб, миллий кўшиқчилик санъати анъаналари доирасини кенгайтирдилар ва янги-янги оҳанглар топиб, лирик ашула ва кўшиқлар, оммавий кўшиқ-ялалар, чолғу мусикалари билан шуҳрат қозондилар. Мазкур бастакорлар

ёрқин ижодий фаолиятлари билан XX аср ўзбек мусикаси тарихи саҳифаларида чуқур из қолдирдилар.

XX асрнинг 40–50 йилларида бирин-кетин консерваторияни битирган биринчи авлод ўзбек композиторларидан Мутаваккил Бурхонов, Толибжон Содиков, Карим Абдуллаев, Шариф Рамазонов, Мардон Насимов, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Гофур Қодиров, Иброҳим Ҳамраев ва иккинчи авлод Доппи Зокиров, Хайри Изамов, Икром Акбаров, Дадаали Соатқулов, Фаттоҳ Назаров, Собир Бобоев, Абдурахим Мухамедовлар миллий кўшиқчилик анъаналарини инкор қилмай, унга суянган ҳолда, ўзбек халқ ва бастакорларининг кўшиқчилик чашмаларидан баҳраманд бўлиб, замонавий кўповозли ижодий йўналишида халққа манзур бўлган кўшиқ, ашула, ялла, лапар, романс, жўрсиз хор ва оммавий хор кўшиқларини яратдилар.

Дарҳақиқат, юқорида номлари зикр қилинган бастакорлар бир овозли (унисон) услубий йўналишда оригинал куй ва кўшиқлар яратсалар, профессионал композиторлар эса, кўповозли услубий йўналишда куй ва кўшиқларини фортепьяно, симфоник ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрлари жўрлигида яратинади. Зарурият бўлганда бастакорларнинг ва халқ куй-кўшиқларини уйғунлаштириб, фортепьяно ва оркестрларга мослаб берадилар.

Хуллас, XX асрнинг 40–50 йилларидан бошлаб, Ўзбекистонда замонавий мусикий санъатни ривожлантириш жараёнида янги ижодий йўналиш анъанаси XXI асрда ҳам давом этмоқда.

Ҳамид Раҳимов ҳам ана шу профессионал композиторларнинг иккинчи авлодига мансуб. У XX асрнинг 40–50 йилларидаги Тошкентнинг кундалик қайноқ мусикий ҳаёти таъсирида, халқ орасида яшади, ўқиди, илм олди, шахс сифатида шаклланди. Ўз замонасининг ижтимоий-маданий ва мафкуравий вазиятини идрок этиб, ижод қилди. Халқимизнинг қувонч ва дардларига шерик бўлиб, ҳаётни, гўзал табиатни Ватанга бўлган муҳаббатни жозибали, жўшқин лирик кўшиқларда акс эттирди. Ҳали консерваторияда таҳсил олаётган талабалик давридан бошлаб, кўповозли услубий йўналишда фортепьяно, скрипка, виолончель, най, рубоб, кларнет каби чолғу созлари-

да мусикалар яратишга, кўшиқлар басталашга ҳаракат қилди. У замондош шоирларнинг турли мавзуларда ёзилган шеър (сўз)ларидан танлаб, кўшиқ, ашула, яллалар басталаб, устози Б. Б. Надеждин ва курсдошларига ўз ижросида ҳавола қилди. Уларнинг фикрларини тинглаб, инобатга олиб, тўхтамай ижод қилди. Талабалик даврида яратган «Бахт йўлида сайраман»¹, «Ёшлигимиз» (П. Мўмин сўзлари), «Қалб кўшиғи» (М. Ғани шеъри), «Эй, севикли ўғлим»² (Ҳабибий шеъри) кўшиқлари ва «Сўранг» (Шухрат шеъри) романси концертларда ва радио эфирида янградилар. Бу ижодий ютуқ талаба-композиторга илҳом ва мадад берди.

Ҳамид Раҳимов «Эй, севикли ўғлим» илк ашуласидаёқ халқимизга «нафосат куйчиси» ибораси билан танилди. Мазкур лирик ашулада отанинг ўғлига бўлган муҳаббати акс этган. У ўғлининг ўқиб, илм олиб, ҳақиқий инсоний фазилатларни қалбига жо этиб, меҳнатда ва оилада ўрнак бўлишини орзу қилади. Меҳнатда чиникқан ота ўғлига ҳамма замонларда ҳам ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, илм-хунарга интилиш, оилага, дўстга садоқат, кексаларга ҳурмат, кичикка иззат, ватанпарварлик, ватан ва халқ душманларига, зolim ва маккорларга, ўғри ва рижкорларга нисбатан нафрат инсонни инсон қилишини уқтиради.

Ана шу мавзуда муҳаммас шаклида ёзилган шеърнинг қофияларидаги оҳангдошлик композиторга ўзига хос мусикий тебранишлар топишга, нафис лирик ашулани яратишга имкон берган. Яъни, мусиқийлик шеърнинг паст-баланд тебранишлари билан узвий боғланиб, ривожланиш жараёнида турли динамик садолар билан авж нуқтасига кўтарилиб, аста-секин финалга етади.

Andantino con moto

Эй се-ви-ки-лим ўғ-лим но-му ни - шо- ним Бахт кел ту-рур ил-му ху - нар

Тўри сўзи-ник ту-за ва-ж-донг сўзи-ниг қал

Мазкур ашулани басталашдан аввал у ўзбек халқ кўшиқчилиги анъаналарига суянган ҳолда қўлга олган шеърий сўзларнинг мазмунини, шакл, қофия, радиф, ритмик композицион тузилишларини ўрганиб, уларга оҳангдор садолар топиб, янгича интонациялар билан бойитиб, миллий руҳ беришга интилди. Яъни, ашула ана шу принципда басталанган.

Композитор Ҳамид Раҳимов ҳам собиқ советлар даврида, коммунистик партия мафкурасининг тазйиқи ва таъсири остида яшади, ижод қилди. Унинг кўшиқчилик ижодиётида партия ва дохийларни мадҳ этган, жами тўртта кўшиқларининг орасида «Мангу борсан, партиямиз» (П. Мўмин сўзи) хонанда солист, хор ва симфоник оркестр учун ёзилган кўшиги турли расмий концертларда ижро этилиб турди. Мазкур кўшиқ бадиий савияси ва замонавий руҳи билан тингловчиларни бефарқ қолдирмас эди.

Композитор кўшиқчилик ижодиётининг ҳамма даврида ўзбек шоирларининг турли мавзуларда ёзган шеърлари ғоявий мазмунини синчиклаб ўрганди. Танлаб олган шеър (сўз)лар асосида бир талай миллий оҳангдор, юкори савияли, таъсирчан кўшиқ, ашула, романслар яратди. Уларнинг орасида Ватан ва меҳр-муҳаббат мавзусида басталанган кўшиқлар устивор туради. Композитор бутун умри давомида нафосатли лирик кўшиқлар яратишга ҳаракат қилди. Масалан, замондош шоирлардан Туроб Тўла шеърига басталанган «Сени севаман»³ кўшигида инсон қалбида жўш урган муҳаббат миллий оҳангдор лирик мусикий садоларда, фортепиано жўрлигида акс этган. Мазкур кўшиқни ўзбек ва рус тилларида хонандалар ижро этишган. Уша йиллари шоир Тамкин шеърларига басталанган «Баҳор куйи» ва айниқса, «Баҳор келади» кўшиқларида ҳам Ватанимизнинг гўзал табиати лирик мусикий садоларда

мохирона ифодаланган. Ашула шаклида ёзилган мазкур кенг диапазонли, миллий лирик асар тингловчини эл-юртимизнинг гўзал табиат манзаларига, олис-олисларга чорлайди. Бу фортепиано жўрлигида (ми-минор) басталанган лирик ашула хилма-хил гармоник воситалар билан бойитилганлиги туфайли, таъсирчан жаранг аста-секин авж нуктаси томон ривожланиб, мафтункор мусикий образ намоён бўлади. Шунинг учун бўлса керак, ашула тингловчининг рухий оламида яхши таассурот қолдиради. Яъни, инсон табиат манзараларини жонли ва ҳаётлий тарзда қалбига жо қилади.

Moderato

То-гу да-ре о-шиб да-ре ке-ла-ди ден-гиз-га ин-ти-лар тух-та-май дар-ё
чу-ли-да гул бог-лар бар-по ки-ла-ди дар-ё-лар мав-жи-дан та-р-лар сав-до

Композиторнинг Ватанимиз гўзал табиатини мусикий садоларда акс эттирган кўшикларидан яна бири «Сой кўшиғи» (Рисолат Асилбоева шеъри) лирик умумлашма орқали сой бўйида ҳаёлга чўмган инсоннинг табиатга, инсонга, ота-онага муҳаббати, ҳижрон ҳам лирик, ҳам драматик ҳолат овоз (вокал) ва фортепианонинг мусикий садоларида бадий тараннум этилган. Ана шундай лирик кўшиқлар орасида шоир Пўлат Мўминнинг «Сени ўйлар — мени ўйлар» ва шоира Рисолат Асилбоеванинг шеърларига ёзилган: «Ошиқ бўлсанг», «Қайтдингми?», «Муҳаббат кўшиғи» миллий, гўзал оҳангдорлиги билан тингловчию томошабин қалбига беихтиёр жо бўлади. Яъни, уларда меҳнатсевар ёшлар, севги-муҳаббат сурури, инсондаги ҳиссиёт хилма-хил характерли, таъсирчан мусикий садоларда ифодаланган.

Композитор Ҳамид Раҳимов ҳамкорликда шоир Зоҳиджон Обидов билан ҳам турли мавзуларда кўшиқлар яратишган. Улардан севги-муҳаббат мавзусидаги «Кўнгил кўзгуси» ҳамда «Жамолинг» лирик ашулалари фортепиано ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри жўрлигида, хонанда-солистларнинг

ижроларида жуда машҳур бўлган. Бир неча авлод хонандалари хануз ижро қилиб келмоқдалар.

Масалан, «Кўнгил кўзгуси» — ре-минорда басталанган мазкур лирик ашуланинг асосий мазмуни маъшуқага бўлган беқийс ишқ-муҳаббат. Ошиқ ўз маъшуқаси висолига етолмай ҳаёлга чўмса ҳам, унга вафосини баён қилишдан тўхтамайди. Ашулада чинакам ошиқ инсоннинг пок муҳаббати билан маъшуқасига чуқур ҳурмати, дил изтиробии ётади. Ана шу лирик қаҳрамоннинг ҳижрон туйғусини композитор мусикий садоларда аниқ ифодалай олган. Ашула «Moderato» темпо ҳаракатда фортепиано жўрлигида бошланиб, чўзма миллий оҳангни уч товушли кварта-квинта, тикка ва ёйма аккордлар тўлқинли садолар билан бойитган. Яъни, лирик куй гармоник воситаларга пайванд бўлиб, ривожланиш жараёнида чўзма оҳанглар билан ўрта ва катта авж нукталарида фортепиано фактурасининг гармоник воситаларида товланади, ашула таъсирчанлиги кўчайиб, аста-секин тугайди.

Moderato

Мени сеп-хун-тиб хар тух-та-ё-шип ха-ё-линг ха-ё-лооп ха-ё-лооп на-сиб эт-гай

Шу мавзудаги «Ёшлигимиз», «Хаёлим сенда» (Туроб Тўла сўзлари), «Севги ҳақида», «Ишқингда ёниб»⁴ (Ў. Рашид шеъри), «Меҳрим сенга ёр» (халқ сўзи) лирик кўшиқлари ҳам хонандаларнинг концерт репертуарларидан мустақил ўрин олган. Мазкур барча кўшиқларда маъшуқага бўлган оташин сўнмас муҳаббат, хилма-хил характерли лирик куйларда акс этган.

Шоира С. Зуннунованинг «Келарму?» шеърига ёзилган романс ва шоира Сарвиноз шеърида севги-муҳаббат ҳис-туйғусида фақат жудолик, ташналик мотиви эмас, ижтимоий ғоя

ҳам кўринади, «...бахти иқболига омад, Сарвиноз» деб тугалланади. Шоира ўзининг шахсий фикр ғоясини ниҳоятда бадий гўзал талқин этади. Инсоннинг умумбашарий кадр-қийматини эҳтиёт қилишга чорлайди.

Композитор ана шу шеър ғоявий мазмунини, ритмикаси ва кофияларини синчиклаб ўрганиб, мусикий садоларда акс эттирган. Ҳам лирик, ҳам драматик оҳанг фортепиано жўрлигида янграйди. Ре-минор да басталанган ашула «Allegretto» темпо характерда фортепиано жўрлигида 12 тактли муқаддима билан бошланади, ўзбек халқ ашулаларига хос типик хусусият тўла-тўқис ўз ифодасини топган. Хонанда-солист партияси миллий оҳангдор интонациялар билан суғорилган. Яъни, лирик-драматик жараёнда фортепиано фактурасида қўлланган уч-тўрт товушли гармоник воситалар мелодия билан ўзвий боғланиб ривожланади. Ашулада умумлаштирилган мусикий образ тингловчининг бутун диққат-эътиборини оҳангдор вокал партиясига қаратади. Фортепиано партияси эса куйни нозик садоларда қувватлаб боради.

Allegretto

Таш-на-лик наз - лим - да ро - хат Сар- ви- ноз таш-на-лик ўз - га са-о - дат Сар- ви- ноз, таш-на-лик хор-диқ ха-ло- ват Сар- ви- ноз а - а - сен-га бил - мам мен - га о - дат Сар-ви - ноз

Композитор Ҳамид Раҳимов замондоши шоир Пўлат Мўмин шеърига басталаган «Оташ дилли Паҳлавон» номли лирик кўшиқда пахтакор қиз далада ва теримда жасорат кўрса-

таётган паҳлавон йигитга пичинг орқали, ошиқ бўлиб қолганини ишора қилиб куйлайди.

Бундан ташқари, композитор шоир Сайёр билан ҳамкорликда 60–70 йилларда ижтимоий мавзуда ҳам бир нечта оммабоп кўшиқлар яратди. Улардан бири «Толимаржон» Қарши чўлида денгиз барпо этган азамат қурувчиларга бағишланган. Яъни, шонли тарихий қурилиш воқеаси, меҳнат аҳли, иқтисодий, ижтимоий-маданий ўзгаришлар мусикий садоларда тараннум қилинади. Мазкур кўшиқ хонанда-солист ва икки овозли хотин-қизлар хорида, айтишув услубида басталанган. Кўшиқ банд шаклида, нақорат билан шундай сўзларда ифодаланади:

*Қарши чўлда кўзгу каби яркирайди бир денгиз,
Денгиз оби ҳаёт эрур шифоатда у тенгсиз!
Ишчи унинг ижодкори, ишчи уни яратди,
Қарши чўлиниг вужудига обиҳаёт таратди!*

Нақорат: *Шовуллайди Толимаржон, Толе бор жой!*

Композитор 1967 йили шоир Сайёр шеърига «Кўёшистон»⁵ номли кўшиқни ҳам яратди. Мазкур куплет шаклида (ре-минор)да басталанган кўшиқда жонажон бетакрор Ўзбекистоннинг гўзал табиатини, халқимизнинг эл-юртимизга бўлган меҳр-муҳаббати кўтаринки руҳда тараннум қилинган. Кўшиқ «Andantino espresivo» темпо ҳаракатда беш тактли муқаддима билан бошланади. Кўшиқнинг ҳар икки мисраси куплетда такрорланиб, шундай сўзлардан иборат нақоратга ўтади:

*Ашуласи тилимда,
Ашуласи дилимда,
Ашуласи элимда,
Кўнгиш овлаб дилни безайди.*

Мазкур нақорат, ҳар куплет билан ўзвий боғланиб, миллий руҳда суғорилган, ширали-лирик оҳангларда фортепиано жўрлигида кўтаринки руҳда янграйди. Кўшиқнинг сўзи ва

Кўёшистон
Ҳамид РАҲИМОВ мўзикаси
САПЕР шеърли

Кўёши тула бошимда энди
Ушбуни кўраётганман энди
Мана ушбу бағрида энди
Мана мана тула энди.

Ашулаи кўёшида,
Ашулаи кўёшида,
Ашулаи кўёшида,
Кўёши энди дилим беғайди.

Ушбуи дўшман юзиди кўёшида,
Ушбуи дўшман юзиди кўёшида,
Кўёши энди дилим беғайди,
Ушбуи дўшман юзиди кўёшида.

Хар бир гарман кўёшида,
Шуни кўраётганман энди,
Кўёши тула энди,
Кўёши тула энди.

Ушбуи дўшман юзиди кўёшида,
Ушбуи дўшман юзиди кўёшида,
Кўёши энди дилим беғайди,
Ушбуи дўшман юзиди кўёшида.

Ушбуи дўшман юзиди кўёшида,
Ушбуи дўшман юзиди кўёшида,
Кўёши энди дилим беғайди,
Ушбуи дўшман юзиди кўёшида.

оҳангдор куйи фортепиано жўрлигида гармоник воситалар билан интонацион тебранишларда жипслашиб ривожланишида пафос намоен бўлади ва тингловчини мафтун қилади.

Композитор Ҳамид Раҳимов ижодида Тошкент шаҳри мавзуси ҳам алоҳида ўрин тутади. У шоир Туроб Тўла билан ҳамкорликда Тошкентга бўлган меҳр-муҳаббатини «Тошкент ба-

ҳори» ва «Фестивал вальси» номли кўшиқларда акс эттирди. Бу кўшиқлар 1967 йили Тошкентда ўтказилган «Бутунитти-фок мусикий фестивал»га бағишлаб махсус ёзилган. Мазкур миллий оҳангдор оммабоп лирик кўшиқлар анжуман кунлари илк бор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хонанда-солист Баҳром Мавлонов томонидан ўзбек ва рус тилларида симфо-джаз оркестр жўрлигида ижро этилган.

Бу кўшиқга ором берувчи оригинал вальс-кўшиқлар кувнок характери билан тингловчиларни вальс гирдобига беихтиёр чорлаб, кайфиятларини чоғ қилиб, катта таассурот қолдиради. Умуман, бу миллий руҳда яратилган оригинал оҳанглар, фортепиано ёки оркестр фактуралари билан чамбарчас пайванд бўлиб янграши кишини нафосат оламига чорлайди.

Фестивал вальси

Tempo di valze

Мелодияси

Дусти - лар - ни - ки - лар Юр - ти - ми - о - бод Шод - лик - ту - ла

бу - гун - ли бу - гун - ли ха - ёт! Чал - ой - я - на со - зан -

на - бля - нид - жон Ёй - син - ку - ши - гинг - бун - да, бун - да - ка - нот

Куй - ланг - я - на Шух - ял - ла - га Жон Гул - син

я - на бу шон - ли, бу шон - ли за - мон.
Тул - син я - на бу шон - ли бу шон - ли за - мон!

Композитор Ҳамид Раҳимов 1969 йили шоир А. Бобожон (Р. Бобожон?) шеърига «Севимли ёрим» романсини яратди. Мазкур ре-минор да басталанган романс, ажойиб дилрабо лирик миллий оҳангдорлиги билан ўзбек халқининг мумтоз ашулаларига ҳамоҳанг бўлса ҳам, лекин улардан мелодик тузилишида, интонацион тебраниши, гармоник воситалар фортепиано фактурасида бойитилиши билан ажралиб туради. Умумлаштирилган лирик қаҳрамон севикли ёри, вафодорини гўзал боғларда, поёни йўқ диёрда сайил қилишга даъват этиб куйлайди. Яъни, севган ёри билан сайил қилишни орзулаган лирик қаҳрамон паришон хаёлини композитор моҳирона тарзда оҳангдор сўз, иборалар ва «О»-чўзма (кантилена) миллий наволар, динамик ургу цензуралари билан узлуксиз тебранишларда акс этган. Шу билан бирга тўлқинсимон оҳанглар фортепиано фактурасидаги терция-кварта гармоник аккордларнинг тебранишида жам бўлиб, лирик қаҳрамон руҳиятини тараннум қиладилар.

Севимли ёрим

Andantino

Кел сев - ги - лим кел сев - ги - лим

ва - фо - ли ё - рим Ку - чок о - чиб бог - ла - рим - га кел ай ба - хо -

рим гул - га тул - ди па - ё - ни йўқ азиз ди - ё - рим

Се - нинг ё - динг куй - лар до - им кў - лим - да - то - рим

Кель сев - ги - лим кель сев - ги - лим ва - фо - ли ё - рим

Муסיқа санъати турлари орасида «Хорал» (лотинча «sonus choralis» — хор куйлаш) жанр сифатида Ғарбий Европа христиан-католик черковларида худога илтижо қилинадиган диний кўповозли кўшиқ сифатида Х асрда шаклланган. Мазкур мураккаб жанрда Европа ва Россия композиторлари ҳам бир қатор асарлар яратишган. Ўзбек композиторлари орасида биринчи бўлиб 1959 йили Икром Акбаров яратган «Хорал» ва Мардон Насимов яратган «Хорал» машҳур эди. Уларни турли хор жамоалари ижро этишган.

1974 йили Ҳамид Раҳимов ҳам «Хорал» яратди. Мазкур «Хорал» солист ва икки-уч хотин-қизлар хор жамоаси ва фортепиано учун ёзилган. Фортепиано солисти жўрлигида мил-

лий чўзма (кантелина) оҳангдор куй билан бошланиб, икки овозли хор ривожланиш жараёнида, ўрта қисм эса уч овозда авж томон силжиб, авж нуқтасига кўтарилиб, икки овоз билан ниҳоясига етади. Уни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти мусиқа факультетининг хор жамоаси илк бор ижро этган.

Композитор Ҳамид Раҳимов вафотидан икки йил олдин 1975 йили «Вокализ» (сўзсиз куй) ҳам яратди. Бу унинг ижодидаги сўнгги намуна бўлиб қолди. Мазкур уч қисмли — бошланиши ми-минорда, ўрта 2-чи қисми фа-диез минорда басталанган хилма-хил миллий оҳангдор мелодия (куй)лар ривожланиш жараёнида фортепианонинг фактурасида гоҳ уч товушли, гоҳ септаккордлар билан пайванд янграйди. Мелодиялар «Andante» темпо ҳаракатда, турли динамик аломатлар билан зарб бериб, чўзма (кантелина) ширали оҳанглар ривожланиш жараёнида авж нуқта томон кўтарилиб, аста-секин ниҳоясига етади. Яъни, куйларга жўр бўлувчи фортепиано фактурасининг гармоник аккорд воситалари куй билан чамбарчас боғланган ҳолда нафосатли мусиқий образ тингловчи қалбини хушнуд қилади.

№1

Andante

№2

Andante

№3

Andantino espressivo

Дарҳақиқат, XX асрнинг 50–70 йилларида композитор Ҳамид Раҳимов замондош шоирлар билан ҳамкорликда баракали ижод қилиб, юқорида тилга олинган нафосатли дилрабо кўшиқ ва романсларни яратди. У Ўзбекистоннинг замонавий профессионал кўшиқчилик санъати ривожига етарлича ҳисса қўшди. Айниқса, унинг севги-муҳаббатни тараннум қилган лирик, миллий оҳангдор кўшиқлари тингловчиларга ҳамон маънавий озуқа бериб келмоқда. Инсон доимо гўзалликка, ҳамжихатликка, адабий, мусиқий бойликларни ривожлантиришга интилиб яшаган. XX асрда ижод қилган ўзбекистонлик ёзувчи, шоир, бастакор, композитор, ҳофиз, хонанда ва созандаларнинг ҳар бири замонавий миллий адабиёт ва мусиқий санъатни ривожлантириш жараёнида фаол бўлдилар. Ўзбек халқининг асл ардокли фарзанди композитор Ҳамид Раҳимов ҳам ўзига хос услубий йўналишда, замондош шоирларнинг шеърларига басталанган кўшиқ, ашула, хор, вокализ асарлари билан XX аср ўзбек мусиқа тарихида чуқур из қолдирди.

СИМФОНИК ВА ВОКАЛ — СИМФОНИК МУСИҚА ИЖОДИЁТИ

Симфоник мусиқа — жанр сифатида XVI асрда Италияда пайдо бўлди. Келгуси асрларда Европа давлатларида профессионал композиторларнинг ижодларида «Увертюра», «Симфоник сюита», «Симфоник поэма», «Чолғу концерт» каби жанрлар шакланди. Айниқса, симфоник мусиқанинг барча жанрлари (турлари) Вена шаҳрида кенг ривожланди ва «Вена мумтоз мусиқа мактаби» дунёга келди. XVIII–XIX асрларда ижод қилган Корелли, Вивальди, Гайдн, Моцарт, Бетховен, Шуберт, Шуман, Паганини, Мендельсон, Сметана, Дворжак, Лист, Шопен, Григ каби мумтоз композиторларнинг ижодларида симфоник мусиқа кенг ривожланди.

Россияда эса симфоник мусиқа XVIII–XIX асрларда Глинка, Бородин, Мусоргский, Римский-Корсаков, Танеев, Чайковский, Рахманинов каби композиторларнинг ижодларида кенг ривожланди. Юқорида тилга олинган Европа ва Россия композиторлари яратган симфоник мусиқанинг барча жанрлари, айниқса, симфония ва фортепиано, скрипка ва бошқа чолғу созлар учун ёзилган чолғу концертлар бутун дунёдаги симфоник оркестрларнинг асосий репертуарлари бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонга эса симфоник мусиқа дастлаб XIX асрнинг охирида, яъни, 1884 йили русийзабон санъаткорлар Тошкентда «Лири» номли мусиқий жамиятни ташкил қилиши билан кириб келди. Жамият таркибида хор жамоаси, дамли (духовой) оркестр, мусиқа мактаби бўлиб, уни 1896 йили дирижёр В. Михалек (миллати чех) ташкил қилди. Мазкур оркестрнинг концерт дастурларидан, асосан, юқорида номлари тилга олинган композиторларнинг асарлари ўрин олганди.

1918 йили Тошкентда рус санъаткорлари опера ширкати ташкил қилишди. Театрнинг симфоник оркестри опера ва

балет спектаклларида ташқари, мустақил равишда, юқорида зикр қилинган композиторларнинг асарларидан дастур тузиб, концертлар бериб туришарди.

XX асрнинг 20-йилларида композитор-этнограф В. А. Успенский маҳаллий халқ кўшиқларидан «Акрамхон» (афғонча), «Зулайҳо», «Зар кокил», «Ғайра-ғайра», «Сарбозча», «Азизим», «Лайзон гул» (ўзбекча) ва тўртта қозоқча кўшиқ ҳамда чолғу куйларини гармониялаштириб, симфоник сюиталар яратди. Мазкур театрнинг симфоник оркестри В. А. Успенский дирижёрлигида ана шу сюиталарни илк бор ижро этган эди.

XX асрнинг 20–40 йилларида ўзбек заминига қисқа вақтга келган композиторлар ўзбек халқ мусиқа фольклори асосида хилма-хил симфоник асарлар яратдилар. Тошкентда ҳаётларининг сўнгигача яшаб қолган В. А. Успенский, А. Ф. Козловский, Б. Б. Надеждин, Г. А. Мушель каби композиторлар 1936 йили ташкил этилган Тошкент Давлат консерваториясида маҳаллий композиторларни тайёрлашда фаол ҳаракат қилдилар ва республикада симфоник мусиқага асос солдилар.

Ўзбекистонда симфоник мусиқани тарғиб қилиш учун Ўзбекистон радио эшиттириш Комитетининг бадиий раҳбари, мусиқашунос Ян Борисович Пеккернинг ташаббуси билан 1937 йили дирижёр С. П. Цвейфель (Горчаков) раҳбарлигида симфоник оркестр тузилди. 1938 йили эса Ўзбекистон Давлат филармонияси қошида дирижёр С. Бергольц раҳбарлигида симфоник оркестр ташкил қилинди. Мазкур иккита симфоник оркестр ёрдамида йиллар мобайнида Европа, Россия мумтоз композиторларининг симфоник мусиқий асарлари тарғиб қилиб келинди.

40–50 йилларда Москва, Ленинград ва айниқса, Тошкент консерваторияларида таҳсил кўрган биринчи авлоднинг истеъдодли композиторлари К. Абдуллаев, М. Ашрафий, М. Бурхонов, Т. Содиков, Ш. Рамазонов, Ғ. Қодиров, И. Ҳамраев, С. Бобоев, Б. Гиенко, В. Князев, М. Левиев, С. Юдаковлар ижод жараёнида симфоник асарлар яратишга муяссар бўлдилар. Мазкур авлод сафига Тошкент консерваториясини битирган иккинчи авлод — Икром Акбаров, Дони Зокиров,

Фаттоҳ Назаров, Абдурахим Муҳамедов, Александр Берлин, Совет Варелас, Феликс Янов-Яновскийлар қўшилиб, ўзига хос услубий йўналиш ҳамда турли жанрларда симфоник мусикий асарлар қаторини кенгайтирдилар.


Ўзбекистон профессионал композиторларининг иккинчи авлодига мансуб ёш композитор Ҳамид Раҳимов ҳам талабалик даврида, 1953 йили ёзган уч қисмли иккинчи симфоник сюитасини 1955 йили қайта ишлади ва асар ўша йили Ўзбекистон Композиторлар уюшмасининг 10–16 декабрда ўтказилган курултой (съезд) концерт дастурида илк бор ижро этилди.

КАНТАТА

Вокал-симфоник мусиқанинг кўп қисмли муракаб жанрларидан бири Кантатадир. XVI–XVIII асрларда Европа давлатларида мукамал равишда, кўп қисмли жанр сифатида композиторлар ижодида шаклланган. Шоирларнинг дунёвий ва диний мазмунларда ёзган шеърларига хилма-хил характерли кантаталар яратилган. Бу ижодий анъана кейинги асрларда жаҳон ва Иттифоқ композиторларининг ижодида давом эттирилди. Турли мазмунларда жуда кўплаб кантаталар дунёга келди. Бу анъанадан Ўзбекистон композиторлари ҳам баҳраманд бўлиб, бирталай кантаталар ёздилар.

Композитор Ҳамид Раҳимов ҳам 1957 йили шоир Туроб Тўла билан ҳамкорликда «Баҳор» номли тўрт қисмли кантата яратди. Кантатанинг барча қисмлари номланмаган. Шоир қалбидан отилиб чиққан мисралар умумлаштирилган ҳолда, баҳорни интиқлик билан кутиб олган меҳнаткаш халқнинг гўзал табиат манзаларига, дала ишларига, ҳаётга бўлган муҳаббати мусикий садоларда акс этади ва баҳорни шон-шарафлар билан қутлайди.

Биринчи қисм — «Andante» (соль-минор) оркестрнинг торли созлар жамоаси ижросидаги миллий чўзма оҳангдор фонда, арфа садоси билан кларнетнинг жўрлигида флейтада биринчи ва иккинчи «solo» ифодаланади.



Флейтадаги «solo» оркестрнинг турли чолғу созларига бирин-кетин алмашиб, тўлақонли Allegro темпо ҳаракатда тўрт овозли хор билан бирлашади. Ўзбек халқ кўшиқларига ҳамоханг хор, аввал, сопрано ва альт овозлар партиясида «Гуллади, кулди ҳар тараф баҳор»ни (икки маротаба) такрорлайди, кейин ҳамма овозлар биргаликда «Атрига жўр бўлади куй басталаб, ширин-ширин қувноқ куйларимизда шонли диёр — бу Ватан» деб қўшилади. Сопрано, альт овозлар партияси тенор ва бас партиялар билан алмашиб, «Баҳор, Баҳор»ни такрорлайди ва баҳорни тараннум қилиб, якка солистка пайванд бўлади. Хор партияси оркестрга қўшилиб, ёғочли ва торли созларда хилма-хил уч товушли ёйма аккордлар динамик ўзгаришлар билан биргаликда ёркин, миллий оҳанглар хонанда ижросида янграйди.

Кантатанинг иккинчи қисми — «Andante» (ре-мажор) баҳорни мадҳ этаётган хор она алласи билан пайванд уланади. Оркестрнинг торли созлар гуруҳи ижросидаги тебранишли ҳаракат фониди сопрано овозли хонанда алла айтиб, боласини тебратади.

Andante

p Е-ру-кун- да ба- хор бус-тон-да ба - хор Ба-хор на-шпа-
си- да кун- ларок- шом Ле-кин о- нанг ўг- лим о- нанг па-ри- шон
ух-ла-о- вун чо- гим ал-ла бо- лам ал- ла

Бу иккинчи марта бир октава юқорида такрорланади.

Кантатанинг учинчи қисми — «Andante» ля-минорда ёзилган. «Solo»да кекса дехқон меҳнат жараёнини дехқонлар турмушига оид ўтган замонни эслаб, хаёлга берилади. Мазкур кўшиқни оркестрнинг торли созлар гуруҳи бир маромда қувватлаб туради, сўз охирида (Agidato) оркестр «tutti» янграйди ва «moestoso» билан яқунловчи оммавий хор кўшиққа бирлашади.

p Шун-дай куй-лар э- дим мен хам бир за- мон шун-дай куй-нок э- дим мен хам
ох уг- лан эс-ки-лин боғ ла ди ме- нинг кун ёмон
бе-ва- фо. бе-ибо ёр деб тикиб жон
а-даш дим-мен а- даш дим мен дўст- лар кў- лим дан ушла
эй за - мон

Ҳар бир қисмда оркестрнинг мавжуд товланувчи мусиқий садолари: лад, ҳаракат, гармония, динамик ўзгаришлар асар таъсирини кучайтирган.

1960 йили Ҳамид Раҳимов Эркин Воҳидов билан биргаликда вокал-симфоник жанрда катта ҳажмли «Ўзбекистон» номли кўшиқни яратди. Мазкур кўшиқ Ватанга муҳаббатни ифодалайди. Кўшиқ кўтаринки руҳда бўлиб, уни хонанда-солист куйлайди. «Moestoso» (соль-мажор)да басталанган. Симфоник оркестрнинг барча созларида 12 тактли муқаддима билан бошланади ва «Moestoso espresivo» ҳаракатида хонанда ижросида ривожланади.

Ор-ту - дек оп-пок Ва - тан бу кув-ка-бис - тон дир бу юрт
кўк-си - га юл-дуз ё- гил- ган нур-ли-ос- мон дир бу юрт. Мен у
чун бахт бу ку - ванч бу иш-ку ар- мон дир бу юрт. бор-ли-гим ҳал-
бим хаё- тим тан а-ро жон- дур бу юрт жон
тан а-ро жон - дир бу юрт



Х. Рахимов, Т. Соломонова, Ф. Кодиров ва А. Берлин



Композиторлар Х. Изамов, Х. Рахимов, Ф. Қодиров ва Ф. Назаров



Байрам тадбирларида

Шоир жонажон ватани Ўзбекистонга муҳаббатини изҳор этган мазмундор шеърнинг вазн ва қофияларига мос миллий оҳангдор, жозибали кўшиқ яралган. Кўшиқ мазмундорлиги, мусиқага уйғунлиги ва бадий савияси билан ажралиб туради. Симфоник оркестр фактурасидаги гармоник воситалар, торли созлар билан ёғочли созлар гуруҳи ҳамда зарбли созлардаги усулларнинг ранг-баранг интонацион тебранишлари, чолғу созларнинг ўрин алмашиш ва бирлашишлари туфайли, кўшиқ ривожланиш жараёнида, даромад, ўрта, катта авж нукталари чўзиқ нафис оҳангда ва кўтаринки «tutti» садоларида янграйди.

СИМФОНИК РАҚСЛАР

1955 йили композитор Ҳамид Раҳимов бешта хилма-хил характерли жажжи (миниатюра) ҳажмида концертли симфоник рақс мусикасини яратди. Мазкур асарнинг ҳар бир чиқиши бир-биридан шакли, куй (мелодия)лари, оркестрнинг фактураларидаги усул (ритм)лари, гармоник воситалари билан ажралиб туради. Композитор оркестрни чолғулаштиришда миллий руҳдан усталик билан фойдаланган.

Оригинал куй (мелодия) гоҳ якка чолғу созларда, гоҳ созлар гуруҳида, гоҳ бирлаштирилиб, турли характерли садоларни уйғулаштириб, ажойиб, гўзал рақс-мусикаларини яратишга сазовор бўлди.

Биринчи рақс «Allegro giusto» (ля-бимоль мажор)да шўх, ўйноқи усул (ритм)лар, синкопали ритмлар билан суғорилган оригинал мавзу тингловчини шоду хуррамлик ва байрам руҳига чорлайди. Аввал, флейта ва гобойда, кейин гобой, кларнет, фагот созларида янграб, ривожланади.


Allegro giusto

The image shows a musical score for the first dance, 'Allegro giusto'. It is written in 2/4 time and features a melody in the second and third staves. The melody starts with a quarter note, followed by eighth notes, and then a series of sixteenth notes. The dynamic marking 'mf' is present in the third staff. The score is written in a key signature of one flat (B-flat major or D-flat minor).




Композитор созларнинг тембр хусусиятларига ва интонацион тебранишларига аҳамият бериб, ривожланиш жараёнида оркестрнинг зарбли созлари: доира, ноғора, тарелка, литавра усул (ритм)лари билан уйғунлаштиради. Натижада мусиканинг жўшқинлиги ўзбек халқ байрамларига ҳамоҳанг бўлган.

Иккинчи ракс «Andante espressivo» (до-минор)да яратилган. Мусиканинг умумий характери биринчи мусикага қарама-қарши (контраст) равишда янграйди. У рондо шаклида басталанган. Асосий мавзу (тема) — рефрен ўзбек халқ лирик куйларига ҳамоҳанг бўлиб, инглиз сози рожок ва гобойда чалинадиган чўзиқ куй, оркестрнинг торли ва арфа созларида янграйдиган синкопали — усул (ритм)ли маънос мелодия фонида намоён бўлади. Мусика ривожланиш жараёнида табиий до-минор, до-рий, золий ладларда рефрен хилма-хил товланиб, оркестрнинг умумий садоларида ривожланади ва авж нуктасига кўтарилиб, аста-секин гобойда шаклланиб, ниҳоясига етади.



Учинчи ракс «Allegretto grosiozo» (фа-мажор)да рондо шаклида басталанган. Унинг ҳажми биринчи ва иккинчи чиқишларга нисбатан кенгрок. Оркестрнинг торли созлар гуруҳи ва фагот созининг жуда узун чўзиқ оҳанглари фонида, кларнет созида асосий мавзу (тема), рефрен намоён бўлади. Усул (ритм) ва куй интонациялари оркестрнинг торли созлари ва ётқичи созларида ҳам намоён бўлиб, рефрен қайтаришлар билан оркестр садоларида тўлақонли ривожланиш жараёнида авжга кўтарилиб, яна бошланғич ҳолатда тугайди. Хуллас, мажкур тез ҳаракатда янграйдиган ракс-мусика турли динамик аломатлари гоҳ шўх, гоҳ сокинлик билан тингловчини ўзинга ром этади.



Тўртинчи ракс «Moderato» (ре-минор)да басталанган. Бош-каларига нисбатан бироз қисқароқ. Бу оддий икки қисмли рефренли ракс мусиқанинг биринчи қисми вазмин-сокин, мафтункор лирик мелодия скрипкада намоён бўлади. Оркестрнинг торли ва волторна, кларнет, фагот чолғу созлари, гармоник воситалар билан куй (мелодия) бошланиб, тугайди. Биринчи ва иккинчи рефрен усул (ритм) интонацияларида ўхшашликлар мавжуд. Композитор бу ракс-мусиқанинг оркестр фактурасини чолғулаштиришда ре-минорга: эолий, дорий, фригий ладларга ёндошади. Оркестрнинг регистрлари бир-бирига қиёсан ривожланишида маънос лирик куй (мелодия) садосида устувор туради.



Бешинчи ракс «Allegro» (ре-минор)да, уч қисмли, рондо элементли шаклда басталанган. Циклни ёқунловчи бу қисм оркестрнинг зарбли созлари: тимпаний, литавра, барабанларнинг тез ҳаракатли усулларида ўта жадал намоён бўлади. Мазкур мавзу (тема) оркестрнинг барча қисмларида ўзгармай ўтади. Иккинчи мавзу (тема) эса тасодифий (эпизод) равишда аввал скрипкалар, альтлар ва фагот созларида ифодаланиб, биринчи мавзу (тема) билан ладларнинг (a-moll) ўзгарувчанликлари туфайли, бироз фарқ қилади. Яъни, иккинчи мавзу (тема)да айрим ритм-интонациялар ўзгаради. У флейта-пикколо, флейта ва фаготда янграйди. Бешинчи ракс-мусиқа тингловчини байрамона, тантанали раксга чорлайди.

Мазкур «Ракс-концерт мусиқа» илк бор 1955 йил 13 декабрда Ўзбекистон Композиторлар уюшмасининг II съездида ижро этилган. Фаттоҳ Назаров дирижёрлик қилган.



Умуман, ўшш даврда ёш композитор Ҳамид Раҳимов яратган бешта, қилма-қил характерли ракс-мусиқа ўзбек композиторлари миллий руҳда яратган симфоник мусиқий асарларнинг тўнғичи сифатида концерт репертуарларидан мустақил ўрин олди. Ушш грампластинкага «Мелодия» фирмаси ёзди.

МУСИҚИЙ САҲНА АСАРЛАР

Ўзбекистонда 20–30 йилларда вужудга келган барча мусикали драма ва комедия театрлари тасарруфида ўзбек халқ чолғу созларидан ансамбл ташкил қилинган. Ансамблнинг мусиқа раҳбари саҳнага қўйиладиган спектаклда иштирок этувчи ижобий ва салбий образлар, оммавий саҳналарни мусикалар билан бойитишда, асосан, ўзбек халқининг бой мусиқий меросидан унумли фойдаланиб, асарга мусикалар танлаб беришган. 30–40 йилларда эса яратиладиган саҳна асарига мусиқа басталаш учун атоқли бастакорлар таклиф қилинди. Улар ҳам бир овозли услубий йўналишда, ўзбек халқ мусикаси асосида танлаб ва ўзлари басталанган оригинал мусикалар билан спектакллари безаб турдилар.

Ана шу даврда мусиқа санъати арбоблари ва жамоалар ўртасида биргина ўзбек мусиқий театрини шакллантиришда эмас, умуман, Ўзбекистонда замонавий мусиқий санъатни ривожлантириш жараёнида анъанавий бир овозли услубий йўналишданми, ёки кўповозли услубий йўналишдан фойдаланиш керакми, деган жиддий савол туғилди. Муаммонинг ечимини топишда санъаткорлар орасида ғоявий ва амалий қарама-қаршилиқлар содир бўлиб турди. Бу соҳада таржибалар ўтказиш учун рус композиторлари жалб қилинди. Хусусан, биринчилардан бўлиб, Н.Н. Миронов, А.М. Четвертаковлар «Пўртана» ва «Ичкарида» спектаклларига ўзбек халқ куйлари асосида икки-уч овозли оммавий хор ва рақс-мусиқа чиқишлари, ўзбек халқ чолғу созлари ансамбли ёнига қўшимча иккита скрипка, иккита виолончель, труба, волторна, кларнет, фортепиано созларини киритиб, кичик симфоник оркестрга партитура ёзиб, театрга киритдилар. Оқибатда, ўзбек томошабинлари бу тажрибани ҳазм қила олмадилар.

Ўзбекистон раҳбарияти шу муаммони ҳал этиш ва 1937 йили май ойида Москвада ўтказиладиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасига тайёргарлик кўриш муносабати билан театрларда ижро этиб келинаётган «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара» спектакллариининг мусикаларини тўлиқ симфоник оркестрга мослашни ўзбек халқ мусиқа мероси билан дошвари В.А. Успенский ва Р.М. Глиэрга топшириқ қилиб берди. В.А. Успенский «Фарҳод ва Ширин», Р.М. Глиэр «Гулсара» спектаклларига кўповозли услубий йўналишда мусикаларни қайта ишлаб, симфоник оркестрга партитура ёздилар. Улар қайта ишлаган ўзбек халқ куй (мелодия)ларига миллий хусусиятларини йўқотмай, гармоник воситалар билан сайқал берилди. Томошабинлар эътироз билдирмай, яхши қабул қилди. Мазкур мусикали драмалар 1937 йил май ойида Москвада ўтказилган Ўзбек адабиёти ва санъати декадасида намойиш қилинди ва томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ана шу даврдан бошлаб, мусикали драма ва комедия театрларига кичик симфоник оркестр киритилди. Оркестр таркибига ўзбек халқ чолғу созларидан най, қўш най, рубоб, чанг, доира, ноғора қўшилди. Саҳнада қўйиладиган асарга атоқли бастакор куй басталаб берди, профессионал композитор эса куйини гармоник воситалар билан пайванд қилиб, оркестрга партитура ёзиб берди. Масалан, К. Яшиннинг «Нурхон» пьесасига машҳур бастакор Тўхтасин Жалилов куй басталаган бўлса, профессионал композитор Г. Собитов уни гармонийлаштириб, партитура ёзган. Улар «Алпомиш» спектаклига ҳам ҳамкорликда мусиқа ишлашган. «Равшан ва Зулхумор» спектаклида (К. Яшин пьесаси) эса Т. Жалилов Г. Мушель билан ҳамкорлик қилган.

Ўтган асрнинг 40–60 йилларидан бошлаб, театрлар учун кўповозли услубий йўналишда оригинал мусиқий асарлар яратилди. Ўзбек композиторлари орасида биринчилардан бўлиб композитор Манас Левиев 1949 йили мустақил равишда, драматург Уйғуннинг «Олтин кўл» пьесасига мусиқа яратди. Унинг симфоник оркестрда чолғулаштирилган миллий оҳангдор, жўшқин мусикалар билан суғорилган спектаклини

МУСИҚИЙ САҲНА АСАРЛАР

Ўзбекистонда 20–30 йилларда вужудга келган барча муסיқали драма ва комедия театрлари тасарруфида ўзбек халқ чолғу созларидан ансамбл ташкил қилинган. Ансамблнинг муסיқа раҳбари саҳнага қўйиладиган спектаклда иштирок этувчи ижобий ва салбий образлар, оммавий саҳналарни муסיқалар билан бойитишда, асосан, ўзбек халқининг бой муסיқий меросидан унумли фойдаланиб, асарга муסיқалар танлаб беришган. 30–40 йилларда эса яратиладиган саҳна асарига муסיқа басталаш учун атоқли бастакорлар таклиф қилинди. Улар ҳам бир овозли услубий йўналишда, ўзбек халқ муסיқаси асосида танлаб ва ўзлари басталанган оригинал муסיқалар билан спектакллари беэбаб турдилар.

Ана шу даврда муסיқа санъати арбоблари ва жамоалар ўртасида биргина ўзбек муסיқий театрини шакллантиришда эмас, умуман, Ўзбекистонда замонавий муסיқий санъатни ривожлантириш жараёнида анъанавий бир овозли услубий йўналишданми, ёки кўповозли услубий йўналишдан фойдаланиш керакми, деган жиддий савол туғилди. Муаммонинг ечимини топишда санъаткорлар орасида ғоявий ва амалий қарама-қаршилиқлар содир бўлиб турди. Бу соҳада таржибалар ўтказиш учун рус композиторлари жалб қилинди. Хусусан, биринчилардан бўлиб, Н.Н. Миронов, А.М. Четвертаковлар «Пўртана» ва «Ичкарида» спектаклларига ўзбек халқ куйлари асосида икки-уч овозли оммавий хор ва рақс-муסיқа чиқишлари, ўзбек халқ чолғу созлари ансамбли ёнига қўшимча иккита скрипка, иккита виолончель, труба, волторна, кларнет, фортепиано созларини киритиб, кичик симфоник оркестрга партитура ёзиб, театрга киритдилар. Оқибатда, ўзбек томошабинлари бу тажрибани ҳазм қила олмадилар.

Ўзбекистон раҳбарияти шу муаммони ҳал этиш ва 1937 йили май ойида Москвада ўтказиладиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасига тайёргарлик кўриш муносабати билан театрларда ижро этиб келинаётган «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара» спектакллариининг муסיқаларини тўлиқ симфоник оркестрга мослашни ўзбек халқ муסיқа мероси билан имдонлари В.А. Успенский ва Р.М. Глиэрга топшириқ қилиб берди. В.А. Успенский «Фарҳод ва Ширин», Р.М. Глиэр «Гулсара» спектаклларига кўповозли услубий йўналишда муסיқаларни қайта ишлаб, симфоник оркестрга партитура ёздилар. Улар қайта ишлаган ўзбек халқ куй (мелодия)ларига миллий хусусиятларини йўқотмай, гармоник воситалар билан сайқал берилди. Томошабинлар эътироз билдирмай, яхши қабул қилди. Мазкур муסיқали драмалар 1937 йил май ойида Москвада ўтказилган Ўзбек адабиёти ва санъати декадасида намоёиш қилинди ва томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ана шу даврдан бошлаб, муסיқали драма ва комедия театрларига кичик симфоник оркестр киритилди. Оркестр таркибига ўзбек халқ чолғу созларидан най, кўш най, рубоб, чанг, доира, ноғора қўшилди. Саҳнада қўйиладиган асарга атоқли бастакор куй басталаб берди, профессионал композитор эса куйни гармоник воситалар билан пайванд қилиб, оркестрга партитура ёзиб берди. Масалан, К. Яшиннинг «Нурхон» пьесасига машҳур бастакор Тўхтасин Жалилов куй басталаган бўлса, профессионал композитор Г. Собитов уни гармониялаштириб, партитура ёзган. Улар «Алпомиш» спектаклига ҳам ҳамкорликда муסיқа ишлашган. «Равшан ва Зулхумор» спектаклида (К. Яшин пьесаси) эса Т. Жалилов Г. Мушель билан ҳамкорлик қилган.

Ўтган асрнинг 40–60 йилларидан бошлаб, театрлар учун кўповозли услубий йўналишда оригинал муסיқий асарлар яратилди. Ўзбек композиторлари орасида биринчилардан бўлиб композитор Манас Левиев 1949 йили мустақил равишда, драматург Уйғуннинг «Олтин кўл» пьесасига муסיқа яратди. Унинг симфоник оркестрда чолғулаштирилган миллий оҳангдор, жўшқин муסיқалар билан суғорилган спектаклини

томошабинлар илик кутиб олдилар. Мазкур мусикали драма-комедиянинг мусикаси жамоатчилик учун янгилик бўлди ҳамда композиторлар учун мустақил равишда мусикали сахна асарлари яратишга кенг ижодий йўл очиб берди.

Ўша даврда ёш профессионал композитор Ҳамид Раҳимов ҳам, аввал 1955 йили атоқли бастакор Пулат Раҳимов билан ҳамкорликда «Сингиллар қиссаси» (Ш. Тамкин пьесаси), кейин 1956 йили «Зафар» номли мусикали драма (У. Исмоилов пьесаси)ларни яратди. «Зафар» мусикали драмаси сахнада узоқ умр кўрди ва тарих саҳифаларида чуқур из қолдирди.

«ЗАФАР» МУСИҚАЛИ ДРАМАСИ

Муқимий номидаги Республика Давлат мусикали театр жамоаси атоқли драматург Умаржон Исмоилов, бастакор Пулат Раҳимов ва композитор Ҳамид Раҳимовлар ҳамкорликда яратган «Зафар» мусикали драмасини 1956 йил 14 июнда томошабинлар эътиборига ҳавола қилди. Спектакль премьераси кўтаринки руҳда, гулдурос қарсақлар билан қарши олинди.⁶

Драманинг асосий мазмуни иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги тиклаш йилларида яшаётган меҳнаткашлар ҳаёти, миллатлар ўртасидаги дўстлик, ёшларнинг севги-муҳаббатига бағишланган. Ундаги персонажлар тўқима образлардир.

«Зафар» 3 парда, 5 кўринишдан иборат. 1, 2, 3-кўринишдаги воқеалар Ўзбекистонда ва 4, 5-кўринишдаги воқеалар Украина ҳудудларида кечади. Унинг мусикали композициясини бастакор Пулат Раҳимов ва композитор Ҳамид Раҳимовлар ўзбек ва украин халқ мусика фольклоридан фойдаланиб, оригинал ария ва оммавий хор кўшиқлари билан тўлдиришган. Қуйида биз драмадаги айрим кўринишларда ижро этиладиган ария ва кўшиқларнинг мусикий хусусиятларига тўхталамиз.

I кўриниш

Спекталнинг биринчи кўриниши оркестрнинг 14 тактли кириш мусикасидан сўнг, Ҳалима аянинг арияси билан бошланади. У қизи Лоланинг Тошкентдан келишини сабрсизлик билан кутиш жараёнида бошидан ўтган саргузаштларини эслайди. Унинг ҳар бир қадами, кўнгил фарёдлари, бир ҳолдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриши катта ҳажмли арияда

ифодаланган. Ария «Moderato» (ре-минор)да 8 тактли муқаддимадан сўнг бошланади.

Халима-аянинг арияси

Moderato

Бахт ку - ши

кел - ди бо-шим - га бош-ги- нам - да нав- баҳор ўт-ми-шим

ваз - мин э- ди бул-ган э-дим куп хор- зор

Бир за-мон - лар коп ка-ро кай-гу а-ро кез-ган э- сам

Ўзбек халқ кўшиқларига ҳамоҳанг мазкур ария сўзларга мос оркестрнинг тўлақонли равишда жўр бўлиши, оҳангнинг қайта-қайта такрорланиб силжиши, онанинг қайғу-жафо чекиши авж нуктада чўзиқ оҳангларда намоён бўлиб ривожланади.

Жанг-да кур - бон бул-ди ўт - лим бул-ди жи-гар по- ра - лар

кол-ди мен - да кай-гу хас- рат бир-ла уш - бу бо- ла - лар.

Ариянинг секин-ўртача суратда, минор ладда намоён бўлиши, оркестрнинг оғир аккордларда жўр бўлиб бориши — фарғандини кутаётган онанинг асабий ҳолатини яққол ифодалаган.


Тошкентдан келган Лолани аммаси Ҳалима ая ва дугоналар кичини кутиб олишади. Эртасига, ўзи ўсган ҳовлида, эрта тонгда Лола «Эй дийрим, боғи-бўстоним, ассалом» арияси билан табиатни, она юртини қутлайди. Аммаси бу юрак садоларини тинглаб, бениҳоят хурсанд бўлади. Дугоналари келиб, чўмилишни кетадилар.

Чўмилиш жараёнида қизлар ҳазил-хузул ва пичинг сўзлар билан Бахмал Зафарни севиб қолганини Лолага ишора қилиб кўшиқ айтишади. Қизлар чўмилиш пайтида Бахмал дугонаси Лола билан дуэтсимон, айтишув йўлида, кўшиқ айтишади. Кўшиқ айтиш жараёнида Бахмал замондош йигитларни таърифлашда Зафарнинг исмини кўп тилга олади. Қизлар чўмилишдан уйларига қайтиб, ишга отланадилар.

Лоланинг мусикий «портрети» спектаклда содир бўлган вазиятга қараб, ҳар-хил сахна кўринишларида, унинг ҳиссиёт-туйғуси ўзгариб боради. Масалан, Бахмал Зафарни севишини кизлардан билиб олганидан сўнг, у жуда дилбар ва дилкашлик билан кўзига ёш олган ҳолда «Ўйлаган эмас эдим, қайдан бошимга келди ишк» номли катта ҳажмли лирик ариясида Зафарга бўлган муҳаббат туйғусини изҳор этади. Ария «Andante espressivo» соп-минорда оркестрнинг 10 тактли муқаддимаси билан бошланади.

Лола арияси (Ишк)

Andantino espressivo





Лоланинг мазкур арияда мушкул ўй-хаёлларга берилиб, ҳаёт ва севги ҳақидаги руҳий иккиланиш азоби, психологик ҳолатининг ўзгариб туришига оркестрнинг торли, ёғочли ва арфа созлари арпеджио ва глissандо аккордлари ҳамоҳанг бўлади.

Лоланинг кўшиғини эшитиб қолган аммаси: «Ўргилай кизим, не бўлди сенга, нима кийнаяпти сени?» деб сўрайди. Лола: «Уяламан айтишга», деб жавоб беради. Уларнинг айтишув кўшик-дуэтида Лола ўз фикрини шундай изҳор этади: «Ҳижрон ўти куйдирмоқда танимни, не ажаб бошимда севги балоси, йўқ экан бу дарднинг асли давоси, Зафарга бўлган ишқимни изҳор этдим, аммажон. Энди ўз севгилимни Бахмалдан ҳимоя қиламан».

Зафарнинг мусикий «портрети» ҳам Лоланики каби агрофлича намоён бўлади. Масалан, биринчи кўринишда Зафар жозибали, жўшқин миллий оҳангдор «Марҳабо» номли ариясида Лоланинг олдида қалби тўлиб-тошган мард йигит тимсолида гавдаланади. Зафарнинг «Марҳабо» номли арияси уч қисмли шаклда «Moderato» до-минорда басталанган. Ария симфоник оркестрнинг тўлақонли гармоник аккордлари билан суғорилган, 8 тактли мукаддима билан бошланади. Мазкур арияда Зафар Лолага бўлган эҳтиросли муҳаббатини изҳор этади. Жўр бўладиган оркестр садосида севишган ёшларнинг гуё юрак уришлари ифодаланади.

Зафар арияси



Лола ўса уни шундай гўзал ария билан кутиб олгани учун Зафардан хурсанд бўлиб, миннатдорлигини изҳор этади. Учрашувдан хурсанд бўлган Зафар ҳазиломуз: «Мен сизни севамин, меҳримни кўйдим, сиз-чи?» деб, шўх лапар айтиб турган шайтани кизлар келиб қолиб, Лолани олиб кетишади. Зафар янқа қолиб, «Икки киз» номли лирик ариясида Лолани ёки Бахмални севишда руҳий иккиланиб, ҳиссиётга берилади. Мазкур лирик арияда у икки кизнинг ҳусну жамолини «ойдир бири, кундир бири» сўзлари билан таърифлаб, топқирлик, септирлик, чикконлик табиатини намоён қилади.

Зафарнинг «Икки киз» номли арияси «Andantino» фа-диез минорда ёзилган. Симфоник оркестрнинг вазмин аккордлар билан 6 тактли мукаддимада бошланадиган ария ривожланиш жараёнида қахрамон кечинмаларини хилма-хил гармоник, тикка, ёйма ва глissандо аккордларда гоҳ симли, ёғочли, гоҳ торли ва арфа созларида алмашишлари билан ифодаланади. Ария охирида колхоз аъзолари, Украинадан келган азиз меҳмонлар боғга кириб келинади ва унинг гўзал овозини мақтаб, табриклишади. Меҳмонлардан бири «нима тўғрисида куйладингиз?» деб сўрайди. Зафар «Муҳаббат тўғрисида», деб жавоб беради.

II кўриниш

Драманинг иккинчи кўриниши колхоз боғида ўтади. Колхоз аъзолари ва азиз меҳмонлар зиёфат устида жамулжам бўлишади. Дўстона мулоқотлар авжига чиқади. Колхознинг бадиий ҳашикорлар ашула ва ракс ансамбли концерт беради. Концертда

Ўзбек, украин, рус кўшиқ ва хилма-хил рақслари ижро этилади. Шевчук ва Йўлдошбоевлар ансамбль аъзоларини кизгин табриклашади. Шоду хуррамлик билан меҳмонларни кузатишади.

III кўриниш

Муסיкали драманинг учинчи кўриниши колхознинг бепоён пахтазор дала шийпонида ўтади. Зафар дўсти Усмон олдида «Ёр учради бу менга, бир ёр учради менга» сўзи билан бошлаган катта уч қисмли арияда ғамгусор, ҳаёли ҳиссиёт билан тўлиб-тошган мухаббатини изҳор этади. Дўсти Усмон: «Дўстим, айт-чи, нима ҳол? Дардинг нима, айт менга, нима кўзлайсан?» деб руҳиятлари билан боғлиқ речитатив дуэтда иккаласи дардларини намоён қиладилар. Усмон ҳам дўстига Украинадан келган Наташани севиб қолганини дардли қўшиқда изҳор этади.

Далада пахта терими энди қизиб турган пайтда бўрон, ёмғир ёғиши хабари келади. Зафар, Усмон теримчилар билан бирга терилган пахтани сақлаб қолишга отланадилар. Бўрон ва ёмғир бошланади. Ҳамма шийпонга қочади. Бундан Бахмал фойдаланиб, Зафар билан учрашиб, унга бўлган мухаббатини яна эслатади. «Агарда кўнмасанг, сени ҳақиқий ота-она, Ватанинг йўқлигини ошкор қиламан», дейди. Зафар: «Менинг Ватаним Ўзбекистон, отам ва онам бор-ку», дея жавоб беради. Бахмал «Буни кейин билиб оласан» деб, кетади. Уларнинг мулоқотларидан хабардор бўлиб қолган Лола Бахмал билан учрашади. Бахмал «Мен Зафарни севаман! Ким қарши турса — кўргай у офат!» сўзи билан куйлайди. Унга Лола «Йўқ, Зафарни юракдан севмайсан, сен севгини нималигини билмайсан» дея жавоб қайтаради. Оркестр жўрлигидаги дуэтси-мон айтишувда уларнинг ўртасида узил-кесил рақобат пайдо бўлади. Ўргаларида содир бўлган зиддият, карама-қаршилик гоҳ маъюс, гоҳ жўшқин, ўзгариб турувчи речитатив-оҳанглар оркестрнинг дамли, торли, арфа созларининг юкори ва пастга томон тез ўтувчи узлуксиз бесарамжон аккордлар билан бўрон, яшин, момақалдирокларни тасвирлаш жараёнида ўтади.

Яшин, оркестр садоларида уларнинг руҳий зидиятлари акс этади. Ёмғир тинади, ҳамма ишга отланади. Бахмал яна Зафар билан учрашади. Айтишув-дуэтда Зафар жиддий равишда Бахмални севмаслигини изҳор қилиб кетади.

IV кўриниш

Муסיкали драманинг тўртинчи кўриниши Украинада ўтади. Ўзбекистондан колхоз раиси Йўлдошбоев, рафикаси Ҳалима ая, қизи Лола, ўғли Зафар ва бир гуруҳ колхоз аъзолари Украинага таъриф буюришади. Уларни дўсти Шевчук, рафикаси Анна Ивановна ва колхоз аъзолари кутиб оладилар. Меҳмонлар колхознинг маъмурий ва хўжалик ишлари билан биттафсил танишадилар. Колхоз аъзолари келган меҳмонлар билан зиёфат устида жамулжам бўлишади. Дўстона мулоқот ажиғга чиқади. Колхознинг «Бандура» номли бадийий ҳаваскорлар ашула ва рақс ансамбли катта концерт беради. Концертада хонанда-солистлар, тўрт овозли хор жамоаси украинчи ва русча кўшиқ-лапарлар, жўрли ва жўрсиз кўшиқлардан ижро этишади. Ўзбек хонанда ва раққосалари ҳам кўшиқ ва рақелардан намуналар кўрсатишади. Рақс ансамбли эса, якка-солист раққосалар, икки, уч, тўрт нафарли рақс гуруҳлари хилма-хил лирик ва шўх рақсларни ва охирида машҳур «Гопак» рақсини ижро этади. Барча иштирокчилар шоду хуррамлик билан омманий рақсга тушадилар ва тарқаладилар.

V чи кўриниш

Муסיкали драманинг бешинчи кўриниши Шевчукнинг хонадонинида ўтади. Шевчук дўсти Йўлдошбоевнинг оиласини уйига таклиф қиладди. Улар зиёфат жараёнида бошларидан ўтган уруш воқеаларини эслашади, суҳбат чўзилади. Анна Ивановна Ўзбекистонда Зафарни кўриб танишганда, даҳшатли уруш даврида йўқотиб қўйган «Алик ўғлим ҳам шу ёшда

бўлар эди, унинг юзи ҳам ўғлимга ўхшаб кетади» деб, хаёл суради. Сухбат давом этади. Зафар эса, хонадонни ва ҳовлини кузатаётиб, болалигида ўйнаган ашёларни ва кудук атрофини кўриб эслайди. Уни кузатган Анна Ивановна ундан сўрайди: «Буларни қандай биласан?» Зафар батафсил ҳар бирини таърифлаб беради. «Ўғлим! Мен сени уруш даврида йўқотиб кўйган онанг бўламан», дейди она ва бағрига босади.

Даҳшатли уруш даврида йўқотиб кўйган ўғлини топган Анна Ивановна арияси «Adagio» ля-минорда, оркестрнинг 9 тактли сокин-вазмин характерли муқаддимаси билан бошланади.

Анна Ивановна арияси

Adagio

Мен аж-рал-ган чо-гим - да ўт-лим ёш э-ди Қу-чоғ-гим да
у мен га бир йўл-дош э - ди Кай-гу хас-рат- га тўл-са ю-ра-гим
ох ю-ра-гим! Ну-ри-дий-дам ко-шим- да ко-шим- да, ну-ри-дий-дам
ко-шим- да бир сир-дош э - ди Не-ча йил-лар ўт-ди - лар кўп за-мон
фар-занд до-ғи ҳам-ма-дан кўп бўл-ди ё - мон

Анна Ивановнанинг вокал партиясида ҳам нафис, ҳам ғамли куй такрорланиб, қайғу, ҳасрат, илтижоли интонациялар оркестр садолари билан ҳамоҳанг ривожланади. Вокал партия тугагач, оркестрдаги барча созлар тўлақонли равишда, меццо-форте, форте, фортисимо каби динамик характерда давом этиб, пиано ва пианиссимо билан тугайди. Даҳшатли уруш касофати туфайли, севимли боласини йўқотган она образи миллионлаб оналарнинг қалбларига ҳамоҳанг бўлади. Зафарни бағрига босган Анна Ивановнанинг ҳолатини кўриб, Ҳалима ая «Фарзанд» номли ариясида «Фарзанд учун ўтга

ҳам тушар одам боласи, фарзанд доғи тушса гар, кетмас оху боласи, Кеча-кундуз бу алам юрагимнинг яраси. Ҳаётнинг чамаси экан, Ёронлар, фарзанд» дея куйлайди.

Ҳалима ая Зафарга «Мен ким бўламан сенга?» деган саволига, Зафар «Менинг икки онам ва икки отам бор» деб, уларнинг бағрига отилиб, ҳолатини оркестр «Allegro vivo» ҳаракатда фортиссимо тўлақонли октавали аккордлар билан сугорилган «Она» номли арияда изҳор этади.

Умуман, «Зафар» мусикали драмасида иштирок этувчи асосий қаҳрамонларнинг мусикий «портрет»ларидан ташқари, спектакль кўринишдан-кўринишга ривожланиши жараёнида ишқор этилган айрим ария, дуэт-айтишувлар қатори кизларнинг хор кўшиклари, украин қизи Наташанинг қўшиғи, оммавий сахналардаги жўрли ва жўрсиз хор қўшиклари, рақс мусикалари билан тўлиб-тошган. Булар ҳаммаси спектаклнинг мусикий драматургиясини бойитишда муҳим роль ўйнайди.

1974 йили Самарқанд Давлат опера ва балет театри жамоаси «Зафар»нинг опера нусхасини томошабинларга ҳавола қилди. Опера варианты ҳам яхши таассурот қолдирди.

«ИШҚИНГ БИЛАН» МУСИҚАЛИ ДРАМАСИ

1 959 йили композитор Ҳамид Раҳимов мустикал равишда, актёр-драматург Ҳамза Умаров билан ҳамкорликда «Ишқинг билан» номли мусиқали драма яратди. Ҳша йили Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри жамоаси уни сахнага қўйиб, томошабинларга ҳавола қилди.

Асар ёшлар ҳаётига бағишланган. Иштирок этувчилар умумлаштирилган образлар. Республикамиздаги мусиқали драма ва комедия театрларида колхоз ёшларига бағишланган сахна асарлари оз эмас. Аммо уларнинг кўпи тез орада сахнадан тушиб кетар эди.

Бунинг сабаби, асосан, спектаклнинг адабий мазмуни саёзлиги ва мусиқий драматургиясининг бўшлигидандир. Шу мавзуда яратилган спектаклларнинг орасида Манас Левиеннинг «Олтин кўл» мусиқали драма-комедияси ва «Ишқинг билан» мусиқали драмаси ва кейинги йилларда яратилган композиторлар С. Бобоевнинг «Икки билак узук» (1962 й. Ш. Саъдула пьесаси) ва А. Муҳамедовнинг «Жон қизлар» (1963 й. Шангитов ва Бойсеитов пьесаси) мусиқали комедияларининг мазмуни ва мусиқий драматургиялари бадий яхлитлиги билан яққол ажралиб турадилар ва сахнада узоқ умр кўрдилар.⁷

«Ишқинг билан» спектаклида ёшлар ҳаётида, меҳнат жараёнида, катталар билан мулоқотларда учраб турадиган ҳавжия, ҳазил-хузул аскиялар, турли латифалар кенг ўрин олган.

Композитор усталик билан сахнадаги ҳар бир жиддий ва ҳажвий вазиятга қараб, керакли мусиқий шакл-жанр ва воситалар топиб, спектаклнинг умумий мавқеини симфоник оркестрнинг мусиқий садоларида кўтарган.

I чи парда, I чи кўриниш

Баҳор фасли. Ёш азамат йигит ва қизлар тоғ этагидаги Шўртенани ўзлаштириб, боғ барпо қилиш жараёнида меҳнат қилдилар ва дам оладилар. Турли вақеалар содир бўлиб туради. Қўнлардан бирида Зебо тоғ этагидаги харсангтош устида ўтириб, ҳаёл суриб, табиатни, баҳор фаслини ардоқлаб кўйлайди.

Спектаклнинг бош қаҳрамони Зебонинг биринчи кўринишдаги арияси «Andante» соль-минорда симфоник оркестрнинг гула чуқик аккордлар садосида 10 тактли муқаддима билан бошланади. Зебо ариясига хор акс бериб туради.

«Зебо арияси» хор акс садоси билан



Композитор Г. Мушель ва Ҳ. Раҳимов



Ҳамид Раҳимов Консерваториянинг табалар симфоник оркестрига дирижёрлик қилмоқда

Бош қахрамон Зебонинг мусикий образи Шукурникига караганда кўпқиррали. У одобли, ақлли, нозик табиатли, меҳнатсевар ва матонатли қиз. Унинг дунёкараши кенг ҳамда узокни кўзлашга қодир. Зебонинг образини композитор хилма-хил характерли арияларда, дуэт, трио ва оммавий хор сахналарда яққол акс эттирган. Масалан, Зебо зикр қилинган лирик ариясида гўзал табиатни, ҳаётни, Шукурга бўлган муҳаббатини ифодаласа, Шукур билан учрашишганда, уларнинг ўртасидаги «келишмовчилик — зиддият» дуэтда намоён бўлади.

Шукур ва Зебо дуэти

Moderato

Сев-ган ё-рим э-кан бе-ва-фо
от-ди мен-га най-ранг то-ши-ни эн-ди мен-га хам-рок-дир жа-фо
Ёр ўз-га-ча қок-ди қо-ши - ни Бас е-тар ўр-та- манг ме
ни қал-бим то-за то-за-дир иш - ким бўх-тон и-ла қий-на-манг ўз - ни
фик-рим сиз - да сиз - да ха - ё - лим.

Шукур «Бутун орзу умидларим юзига сиз лойлар отдингиз» деб, Зебони айблади. Зебо эса: «Бевафо деб соф бу номимни, бағримга сиз ўтлар ёқдингиз» деб, қайғуланади. Улар хайрлашадилар.

Зебонинг сиқилган руҳий ҳолатини кўриб, Шукурнинг дўсти Ботир, дугоналари Асал, Шакар (речитативда) унга

далда берадилар. Юраги сиқилган Зебо қайғули ҳолатда «Муҳаббат гулзор эмас» номли арияда «севги-муҳаббатга жиддий муносабатда бўлишни истар эдим», дейди. У ҳам маънос, ҳам драматик овоз партияси хилма-хил гармоник воситалар билан ҳамоҳанг равишда, куплетларнинг қайта такрорланиши билан, ёйма ва тикка аккордлар билан суғорилган арияда руҳий ҳиссиёти оркестр ёрдамида яққол тасвирланади.

Зебонинг арияси (2)

Andante espressivo

Му-ха - бат гул-зор - э - мас
сай-ри бог-эт-сан-гу кет- санг ё - ки ул - ба- зор э - мас
мол си- мон ол-сан-гу сот- санг ер-бил-са мар-до-па- вор қал-бинг-да до-им ба - хор

Орадан вақт ўтиб, Зебо синфдошлари билан кишлоқда меҳнат қилишаётганда Тошкентга кетган Шукур не-не руҳий азоблар чекиб, Зебога бўлган муҳаббати устун келиб, институтдаги ўқишини ташлаб, ўз қишлоғига қайтади ва синфдошлари билан бирга ишлай бошлайди. У ҳақиқий меҳнат орқали Зебонинг кўнглини олишни «Кўнгил бўлди хароб» номли арияда муҳаббати чексизлигини изҳор этади. Улар ярашишганликларини кунгилочар, шўх ҳаракатли дуэтда шундай сўзлар билан изҳор этишади: Зебо: «жўшқин ҳаёт, мисли булок, қайнар доим дилларда. Асил инсон мисли чақмоқ, машғал бўлар қўлларда». Шукур: «Кел севгим, порлаб доим, қўлларимда машғал бўл. Бошла мени вафодорим, умр бўйи ҳамдам бўл».

Хуллас, икки ёш севишганларнинг шахсий ташвишлари ижтимоий драмага айланиб кетади.

Мазкур мусиқали драмада бош қахрамонлардан ташкари бошқа иштирок этувчиларнинг ҳаётга, меҳнатга, севги-мухаббатга бўлган муносабатлари ва хатти-ҳаракатлари Ботирнинг иккита ариясида, учта дуэтда, битта терцера, Собир-Шакар дуэтларида, Зебо-Асал дуэтларида, Чеварнинг ариоза-сида, Кимёхоннинг қўшиғида, Чеварнинг «Алла» қўшиғида намоён бўлади. Спектаклда, айниқса, нафақадаги, лекин ишга ва сўзга чаққон (Абжир чол) Соҳиб ота образини асарнинг негизи деса, муболаға бўлмайди. Чунки, бу ҳазилкаш, кўпни кўрган, чехраси очик, хушчакчак ота атрофида ёшлар якка ҳолда ёки йиғилиб, юрак дардларини, ўкиш ва ишда содир бўлган муаммолари ечимини топишда мурожаат қилиб, яхши маслаҳатлар оладилар. Соҳиб ота (биринчи кўринишда) қўлида милтиқ ушлаб, колхоз омборини кўриқлаб ўтиради. Ёшлар ҳазил тарзида «милтиғингиз отадими?» деб сўрашади. Уларга милтиқ тўғрисида турли-туман латифалар айтиб, охирида милтиқни чўғлаб, оғзида «банг, банг» деб отади.

Соҳиб ота қўшиғи

Moderato

Кай-си кун ел - кам-га мин-дин банг! банг!

The musical score is in 2/4 time, marked Moderato. It consists of a vocal line and a piano accompaniment. The vocal line starts with a melodic phrase, followed by a series of notes, and ends with a double bar line and repeat signs. The piano accompaniment provides a steady rhythmic accompaniment with chords.

Ёшлар милтиқ тўғрисида латифалар эшитиб, Соҳиб отага меҳр қўйишади. У доимий ҳамроҳлари, маслаҳатдошлари бўлиб қолади.

Хуллас, спектаклда оддий қўшиқ, мураккаб ария, ариозо, дуэт, терцет каби овозли (вокал) партиялар мавжуд. Улар асар ривожланиши жараёнида турли вазиятда намоён бўлиб, янграйди. Спектаклнинг биринчи кўринишидаги Зебонинг ариясига акс садо бўлиб янграйдиган оммавий хор, 4-чи кўринишдаги, сахна орқасида йигит ва қизлар меҳнат жараёнида

ижро қилишаётган «Гўзал ўлкам — гўзаликда ягона» номли оммавий хор қўшиқ янграш жараёнида сахнада Соҳиб ота, самовар олдида хорга жўр бўлиб хиргойи қилади.

Йигит-қизлар хор қўшиғи

Allegro

Гу-зал ўл-кам гу-зал-лик-да я-го-на йи-гит-ла-ри хам қиз-ла-ри мар-до-на

The musical score is in 2/4 time, marked Allegro. It features a vocal line with lyrics and a piano accompaniment. The vocal line is melodic and rhythmic, with the lyrics written below it. The piano accompaniment consists of chords and a steady bass line.

Мазкур хор қўшиқда Шўртепани ўзлаштираётган азамат ёшларнинг гайратли меҳнат муҳити ифодаланади.

Мусиқали драма ниҳоясида симфоник оркестр садосида шўх рақс мусиқаси янграйди. Шўртепани ўзлаштириб, боғ барпо қилган довжурак азамат ёшлар, рақсга тушадилар. Мусиқа тўхтовсиз, мактаб битирувчиларнинг базм кечасида янраган «Вальс»га уланиб кетади. Ҳамма «Вальс» мусиқа садоларида рақсга тушади. Вальс хор қўшиққа уланиб кетади.

«Вальс»

Allegro

The musical score is in 2/4 time, marked Allegro. It consists of a piano accompaniment with chords and a steady bass line. There is no vocal line in this section.

Тўрт овозли, куплет шаклида нақоратли «Ажаб даврон экан, дўстлар» номли хор қўшиқни ҳамма кўтаринки руҳда ижро этишлари билан спектакл тўғайди. Мазкур асарга якуний сўз айтишдан аввал, мусиқали театр нимага жавоб бериши кераклиги тўғрисида композитор-мусиқашунос А. Н. Серовнинг баён қилган фикрига мурожаат этамиз. У ёзади: «... Агар асар томошабин ва тингловчини ҳар бир сахнада пьеса

сифатида ҳам, мусиқали асар сифатида ҳам қизиқтира олса, мусиқали драмаами, ёки комедиями, ҳам драматик адабий мазмун, ҳам мусиқавий таассурот биргаликда бир бутун бўлиб кетса, мусиқали сахна асари инсон қалбида сезиларли завқ уйғотади, чуқур из қолдиради». ⁸

Ана шу нуқтаи-назар билан қараганимизда, композитор Ҳамид Раҳимов драматург Ҳамза Умаров билан ҳамкорликда яратишган «Ишқинг билан» мусиқали драмасининг адабий мазмунида диалог ва монологлар жуда чўзилиб кетган. Лекин композитор усталик билан уларни хилма-хил қўшиқ, ария, ариозо, овозли ансамбл, хор-қўшиқ ва ракс-мусиқалар билан спектаклнинг умумий бадиий савиясини мукамал равишда кўтара олган. Яъни, мазкур сахна асар, мусиқали драма талаби хусусиятларига жавоб бера олади. Спектаклнинг мусиқий драматургиясида айрим нуқсонлар учраса ҳам, лекин мусиқанинг ривожланиш жараёнида симфоник оркестр муҳим роль ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, композитор Ҳамид Раҳимов мазкур мусиқали драмани яратишда ўзбек халқ мусиқий меросидан фойдаланмай, мустақил равишда, миллий руҳ билан суғорилган, жозибали оҳангдор оригинал мусиқалар басталаб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

«ОҚ НИЛУФАР» МУСИҚАЛИ ДРАМАСИ

Хинд классик драматурги Шудракнинг халқ эпоси асосида ёзган «Оқ нилуфар» асари жуда машхур. Уни ёзувчи В. Винников ва Ю. Основлар рус тилига таржима қилишган. Раззоқ Ҳамраев сахнага қўйган.

Композитор Ҳамид Раҳимов бастакор Пўлат Раҳимов билан ҳамкорликда «Оқ нилуфар» спектаклига мусиқа басталашди. 1959 йили Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри жамоаси шу номли мусиқали драмани томошабинларга ҳавола қилди. Спектакль 4 парда, 7 кўринишдан иборат. ⁹

Ҳамид Раҳимов ва Пўлат Раҳимов спектаклга мусиқа басталашда асар мазмунидаги воқеа, муҳит, иштирок этувчи асосий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, руҳий кечинма, ҳиссиётлари, рақсларини мусиқада акс эттиришда ҳинд халқ мусиқа фолькларидан ҳамда усулларидан унумли фойдаланиб, ўзбекча оригинал мусиқалар яратганлар. Симфоник оркестрнинг партитураси ҳинд халқ ракс, мусиқа ва қўшиқларидан тортиб, ўзбекча усулда ёзилган ария, дуэт, оммавий хор ва кичик-кичик мусиқий лавҳалар билан бойитилган. Уджайн шаҳри майдонида халқ гавжум. Ҳиндча ракс мусиқа симфоник оркестр садосида гўзал Васантасена хилма-хил характерли гоҳ шўх, гоҳ лирик, гоҳ оташин жўшқин, гоҳ маънос-ғамгин ва яна тез ҳаракатли рақслари билан томошабинларни мафтун қилади. Халқ ташаккур изҳор этади. Оркестрда қисқа кириш мусиқа садолари янграганидан сўнг мазкур ракс бошланади. Икки севишганларнинг руҳий кечинма, ҳиссиётлари хилма-хил характерли ария ва дуэтларида намоён бўлади. Спектаклда, асосан, уларнинг ички дунёлари, севги-муҳаббатлари, азоб-уқубатлари ва адолат тантанасини хурсандчилик билан қарши олишлари, яна халқ билан бирга бўлишлари мусиқий садоларда акс этган.

«РАИС УЙЛАНАРМИШ» МУСИҚАЛИ КОМЕДИЯСИ

1 960 йили композитор Ҳамид Раҳимов драматург Босит Халилов билан ҳамкорликда «Раис уйланармиш» номли мусиқали комедияни яратишди. Ҳа йили Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри жамоаси томошабинларга ҳавола қилди.¹⁰

«Раис уйланармиш» мусиқий комедияси 6 кўринишдан иборат. Композитор Ҳамид Раҳимов комедияга мустақил равишда яратган мусиқасида адабий мазмундаги колхозчиларнинг ҳаётларида содир бўлган муаммолар, зиддиятлар, келишмовчиликлар, муҳаббат ифода этилган.

Спектаклда диалог ва монологлар мавжудлигини инобатга олиб, композитор усталик билан ҳар бир асосий ижобий ва салбий образларни хилма-хил характерли кўшиқ, ашула, ария, овозли ансамблларда яхлит ифодалаган. Ўзбек халқ мусиқаси хусусиятларига ҳамоҳанг бўлиб, усул-интонациялар билан суғорилган ва турли гармоник воситалар билан бойитилган мусиқий садолар оркестр жўрлигида янграйди ва спектаклнинг умумий мавқеини кўтаради.

I кўриниш

Колхоз идорасининг ёнидаги хонада раис Сафар Полвон, бухгалтер Лукмонов, омборчи Ҳайдар маишат устида бироз кайф қиладилар. Ҳайдар дутор чалиб хиргойи қилади. Раис бошини солиб кўшиқни тинглайди.

Ҳайдар кўшиғи

Allegro Moderato

Кум-дон ку-си

коч-тур-дим ин-ги йўқдир (ай) ўй-наб тур - гап киз-лар-нинг су-я-ги йўқ-дир

ен-ди-ри-ди ку-ла-ри жо-нон киз-лар-нинг йи-гит-лар-нинг бет-лаш-га-ё

и-л-ра-и йўқ-дир (ё-рай) Ю-ра-ги йўқ-дир

Мана шу тез ҳаракатли, ми-минорда басталанган оддий кўшиқда Ҳайдар раисга хушомад қилиб, тутруғи йўқ майда сўзлар билан кизларнинг қоматларини енгил, ўйноқи оҳанглар билан таърифлашда оркестр жўр бўлиши оҳангнинг таъсирини кучайтиради. Ҳулкий бузук раис Сафарбойга унинг хиргойисини жуда ёқади. Унинг хиргойисидан Сафарбой эриб кетиб, шалпайиб, илгари ҳамтовоқлари билан ўтган базм ўтиришларни эслаб, ўзбек халқ кўшиғи «Омон ёр»га ҳамоҳанг ўхшатиб, енгил ўйноқи усулда шундай сўзларда хиргойини қилиб, куйлайди:

*Боғ бўлса, бустон бўлса, омон ёр,
Ёр бўлса жонон бўлса, омон ёр.
Айш қиламиз, шират қиламиз, омон ёр,
Майни қуй, роҳат қиламиз, омон ёр.*

Раис Сафарбой хиргойи қилиб турганда, эшик тақиллайди. Ҳайдар чиқади. Шаҳардан лектор келибди.

Сафарбой: «Шу камиди! Кайфни бузди-я! Мени йўқ дегин». Ҳайдар: «Лекторни жўнатдим».

Бухгалтер Лукмонов: «Хўжаин, шундай куйлашимизга ҳалакит берди-а», деб хушомад қилади ва илгарлари ўтказилган базм ўтиришларини эслатади».

Шу пайт, илғор бригадир Раимжон киради:
«Чакирган экансиз».

Сафарбой (кесатиб): «Хўш, Раимжон, дарагингиз йўқ!» (Уларнинг ўртасида диалог бўлади.)

Раимжон: «Танқид қилиндинг деб, бригадирликдан ҳайдадингиз-ку, яна қанақа жавобгарликка торттирасиз, хўжайин? Мен қўрқоқлардан эмасман!» деб чиқиб кетади.

Раис олдига эр-хотин колхозчи Саримсоқ ва Саломатхон киришади: «Зарурият бўлиб қолди, меҳнат ҳақимизга пул беринг деб, келдик».

Уларни ҳақини бермай жўнатади.

Райкомдан телефонда: «Биз юборган лекторни қабул қилмабсиз ва шартнома тузмабсиз?»

Шартномани тузилмаганини Гулнорага тўнкайди.

Район газетасидан мухбир Қосимжон Шовқиев киради. Сафарбой танишади ва тилёғламалик билан, «Яқинда “Олтин тухум” номли фелъетонингизни ўқиган эдим. Ёмон боблапсиз-ей, бай-бай. Шунақа гапларни қандай топасиз-а?» дейди.

Мухбир: «Яқинда келган эдим, сизни топа олмай, колхоз ишлари билан танишиб кетган эдим. Энди сиз билан суҳбатлашгани келдим». (Улар ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтади.) Мухбир «Раҳмат, манга ҳамма гап равшан бўлди» деб, хайрлашади.

У кетгандан сўнг раис Сафарбой «Кетмон чопдим бурилиб, бурилиб-о, чопонимга ўралиб, ўралиб-о. Бу мухбирнинг олдида-ё, тоза қолдим уялиб-о» деб куйлайди.

«Гулнорани Ҳайдарга олиб бераман» деб, раис ваъда қилган экан. Бу иш амалга ошмагандан, ачиниб Ҳайдар кўйлайди.

Раис Гулнорани чакиртиради. Уларнинг ўртасида диалог бўлиб ўтади. Гулнора унга газетани беради. «Ўқинг, бу фелъетонни.

Агар колхозда тартиб бўлмаса, сизлар маишатдан бўшамасанглар, колхоз аъзолари ўз ҳақини ололмаса, ким жавобгар! Ана энди мени ҳам ишдан ҳайдасангиз бўлади», деб, чиқиб кетади.

Хушсе, спектаклнинг биринчи кўринишида содир бўлган қирама-қарши зидиятли воқеалар туфайли, асар драматургияси бошланади.

II кўриниш

Спектаклнинг иккинчи кўриниши колхоз идорасида ва унинг атрофида ўтади. Колхоз раиси Сафарбой Полвон лавозимидан бўшатилди. Унинг ўрнига агроном Иброҳим Қодиров сайланди. Колхоз бухгалтери Лукмонов янги раисга лаганбардорлик қилиб, кабинетини безатиш жараёнида куйлайди

Лукмонов кўшиғи

Moderato

Ра-и-си-миз о-лиф-та-лар уз-ла-ри ма-йин ши-рин айт-са до-им сўз-ла-ри

о-та-ра-ис у-зи сав-танг бир-ка-ранг ке-ли-ша-ди и-до-ра-га уз-ла-ри

Мазкур кўшиқ «Moderato» ўрта ҳаракатда, ре-минорда 4 тактли кириш мусика симфоник оркестр садосида бошланади. Дили ва тили бошқа тилёғламачи Лукмоновнинг мусикий образи чолғу созлар билан ҳамоҳанг бўлиб, гоҳ ҳазилнамо кулгилли, гоҳ лирик тарзда янграйди.

Шу пайт идорага янги раисда иши бор Гулнора киради. Кўшиқни тинглайди.

Гулнора: «Сиз ҳам кўшиқ айтишни билар экансиз. Лекин кўшиқда янги раисни ҳам мақтайсиз, ҳам ерга урасиз», деб турганда, бу кўшиқни эшитган Кумрихон: «Янги раисимизни мушча ерга урасиз?»

Лукмонов: «Э, сиз ҳам гапга аралашмай ишингизни қилинг!»

Кумрихон: «Ҳа, нимага аралашмас эканман».

Идорага ёш колхозчи Норбўта киради, деразаларни артаётган севгилиси Қумрини кўрмай, янгича жиҳозланган кабинетда: «Ана жой-ю, мана жой», деб, хурсанд кайфиятда «Қани ёрим келсачи» кўшиғини айтади.

«Норбўта билан Қумри» дуэти

Moderato

Ка-ни ё-рим кел-сан-чи кош-ти-нам да тур-са-
чи, о-либ кунг-лим - ни шу дам дард-га да-во бўл - са - чи.
О-либ кунг-лим - ни шу дам дард-га да-во бўл - чи, бах-мал-дир
ту-нин-гиз га-ла-ти дир су - зин-гиз. Пар-во-зин-гиз ба-ланд-ку
ни - лар ис - тар кунг - лин - гиз.

Ёш Норбўта кўнгли ром бўлиб, Қумрига муҳаббатини очик кўшиқда ошкора қилаётганида, унга Қумри кўшилиб, куйлашлари дуэтга айланиб кетади. Уларнинг куйлашлари бир-бирига мос тушиб, оркестр садолари билан ҳамоҳанг, такрорланиш туфайли намоён бўлади. Улар ўрталарида шундай диалог кечади:

Қумри: «Лукмонов менинг жаҳлимни келтириб, нукул Сафарбой Полвони мактайди».

Норбўта: «Ҳар ким ўзига ёққан кишисини мактайди-да».

Қумри: «Сиз кимни мактар эдингиз, янги раисними, ёки эски раисними?».

Норбўта: «Менми, ростини айтсам, сизни мактар эдим».

Қумри: «Вой, бу нима дегангиз?»

Норбўта: «Хато қилган бўлсам, тавба қилдим, Қумрихон».

Шу пайт Қумрини Лукмонов ишни давом этишга чақиради.

«Қумрихонга қандай қилиб гап бошлаб, унга бўлган муҳаббатини қандай айтишни билмайман» деб, Норбўта куйлайди. Унинг бутун диққат-эътибори, Қумрига бўлган туйғуси уч қисмли шаклда басталанган оддий, лекин кенг юкори диапазонли кўшиқ, оркестрнинг фактурасида турли гармоник аккорд воситалар билан бойитилиб, мусикий садоларда акс этади.

Норбўтани кўшиғи

Moderato

...сам-ри га кун-тин-ни ноз-ки-ла-ди Бу-иш-во-ни
...ман бу-лар ис-чун-дир би-мам на хо-дир
...либ-ди-сам ...

Норбўта кўшиқни ижро қилиб турганда Лукмонов омборчи Ҳайдар билан келиб қолишиб, тинглашади. Лукмонов «Буларга нш бўлмаса-ю, кўшиқ айтишса, тавба», деб Ҳайдар билан эски ва янги раисларнинг юриш-туришларини узундан-утун диалогда таърифлашади. Норбўта уларнинг гапини рад қилса, уни идорадан чиқариб юборишади. Лукмонов билан Ҳайдар турунларини давом этадилар.

Ҳайдар: «Мен шундай яхши ишлаётган раисимиз Сафарбойни ишдан олиб ташлашларидан хапаман. Раис акам Гулнорани менга олиб бераман деб ваъда қилган эдилар. Энди нима бўлади?»

Луқмонов: «Хапа бўлманг, Сафарбой акам, агар Раимжон билан ошик-маъшук бўлган Гулнорахонни Ҳайдарга олиб бермасам, отимни бошқа қўяман, деган эдилар. Ахир, Раимжон билан Гулнора Сафарбойни оёғидан тортиб, газетага урдириб, раисликдан туширишди. Шу гапни Сафарбой раислик даврида Гулнорани онаси Рузвон хола билан гаплашиб, иш пишириб қўйди. Рузвон хола “Қизнинг ихтиёри сизда”», деди.

Шу пайт идорага Сафарбой келади. У кабинетини кўриб, Луқмоновга «Қойил, идорани бошлаб ясатилсиз! Сиз ҳам жуда уста айёрсиз-да! Янги раис қайдалар?» дейди.

Луқмонов: «Ҳали далада, Гулнорахоннинг олдида бораман деб кетган эдилар».

Сафарбой: «Гулять қилиб юришибди денг».

Луқмонов: «Ҳа, шунақа».

Уларнинг Гулнора ҳақидаги гапларини эшитиб қолган Раимжон ранжиб чиқиб кетади. Луқмонов дарбозага қараб: «Ана, раис келаяпти, ҳамманглар ташқарига чиқиб туринглар», дейди.

Ташқарига чиққан Раимжон (хавотирланиб) «Нахотки бу гаплар рост бўлса. Нохотки Гулнорахон қалбимни титратган муҳаббатимни сезмаса, бу ёқда янги раисимиз у билан гулять қилиб юрган эмиш, у ёқда эса Сафарбой Полвон Гулнорахонни Ҳайдарга олиб бериш учун онаси билан келишиб қўйган эмиш. Сира тусунмайман. Қалбим эзилиб кетди. Нима қилай» деб, куйлайди.

Раимжоннинг ашуласи

Moderato

Кур - ма-сам бул-гай о-кан Ер-нинг

Кур - ди-му бул-дим

Маъжур «Moderato» ўрта ҳаракатли, ре-минорда басталанган монолог ашулада Раимжоннинг оғир ўй-хаёллари, иккиланишлари, руҳий ҳиссиёти — мана шуларнинг ҳаммаси овоз ва оркестр партияларида мукамал равишда, мусиқа садоларида акс этган. У севган ёрини деб, ўз ҳаловатини йўқотиб, нима қилишини билмай «мен не этгай, дилларимда абгорман» деб, руҳий кечинмасини оркестр партиясида тўлақонли (сўзсиз) ифодалайди.

Гулнора идорага киради. «Раис йўқ-ку, кутсам келиб қолармикан» деб, идорадан чиққанда, тўсатдан Раимжонни кўриб ўнгайси танади. Улар ўрталарида узок жимлик ҳукм суради, нисбатан бир-бирига ер остидан қарайдилар.

Раимжон (ҳаяжонланиб): «Гулнорахон, мен сиздан бир гап сўрамоқчиман. Лекин, ростини айтинг, алдаманг, юрагимни қийнамай тўғри жавоб беринг».

Гулнора: «Нима гап ўзи, сизга бир нима бўлдим?»

Раимжон: «Бир нима бўлган-бўлмаганини сиздан сўрамоқчиман, тўйларинг қачон?»

Гулнора: «Қанақа тўй? Ҳазиллашаяпсизми?»

Раимжон: «Гилёғламалик қилманг. Сафарбой Полвон совчилик қилибди, ойингиз сизни Ҳайдарга бермоқчи бўпти-ку».

Гулнора: «Нима-нима, гапирманг, мен ҳали сизга ўхшаб ўз ихтиёрини йўқотиб қўйганим йўқ. Сиз маст бўлиб қопсиз, аҳволингизни қаранг».

Раимжон: «Аҳволимга нима қипти. Мен билан гаплашгани номус қиласизми? Хўп-хўп, кўзингизга кўринмасам, шу қишлоқдан бутунлай йўқолсам яхши бўладими?»

Гулнора: «У сизнинг ишингиз».

Улар ўзбек халқ айтишув услубидаги ҳамоҳангликда шу сўзлар билан куйлашади:

Раимжон:

*Ёр агар ор этса сендан,
Сен унга бош эзмагин.
Ҳажрида куйиб мудом,
Йулида кўзёш тўкмагин.*

*Майли жисминг куйса-куйсин,
Майли ишқинг дардида
Бевафодан юз ўгир,
Аммо қариндош бўлмагин.*

Унга жавобан Гулнора куйлайди:

*Э, азиз ёр, кўнгимли сен бунча вайрон этмагин,
Охири эзиб менинг дилимни хунхон этмагин.
Майли жисмим куйса-куйсин,
Майли ишқинг дардида,
Бевафо деб юз ўгирма,
Бунча ҳайрон этмагин.*

Наҳотки у шундай беҳуда гапларга ишонган бўлса.

Янги раис Иброҳим Қодиров кўчада Раимжонни кўриб қолиб, уни зўрлаб идорага бошлаб киради: «Мен сизни қидириб юрган эдим. Сиз илғор бригада бошлиқларидан экансиз. Раисни танқид қилиб қувғинга учрабсиз. Энди нимага ичиб, кўчаларда тентиб юрибсиз?»

Улар ўртасида узун диалог бўлади.

Раис: «Раимжон, сизни шаҳарга ўқишга юборамиз, яхши мутахассис бўлиб келиб, колхозимизда ишлайсиз».

Раимжон: «Мен ўқишга бормаيمان».

Раис: «Бу колхоз аъзоларига нима бўлган. Айримлари орасида бир-бирларига сансолорлик, иш жараёнига халакит бермоқда. Айниқса, Сафарбой Полвон бригадага бошлиқ, ишга

лоқайдлик қилиб, тўсқинлик қилади. Булар билан очик суҳбат ўтказиш лозим экан».

III кўриниш

Учинчи кўриниш яна колхоз идорасида ўтади. Раис бухгалтер Лукмоновдан сўрайди: «Кассада қанча пул бор?»

Лукмонов: «Кассада пул йўқ».

Раис: «Нима учун? Ахир, колхоз ҳосилдан даромад олиб турса, аъзолар ҳақ ололмасалар, қайга кетди пуллар?»

Лукмонов: «Ўзингиз биласиз-ку, шунинг учун Сафарбой Полвонни ишдан бўшатишди-да».

Раис колхоз аъзолари билан бирин-кетин учрашиб, ҳар бирига масъулиятли иш топширади. Собик раис Сафарбой Полвон, бухгалтер Лукмонов ва омборчи Ҳайдарлар билан раис алоҳида жиддий гаплашади ва топшириқ беради. Шу пайт Гулнора киради, раисга шаҳардан келган корвертни ва райондан сўрашган ўзининг фотосуратини беради. Раис хотини Лазокатдан келган хатни ўқийди. Шу пайт раисни ҳовлига ёғилган аъзолар чақиришади.

У чиқиб кетгач, Лукмонов столдаги хатни ўқийди, фотосуратни кўриб, Сафарбой Полвон ва Ҳайдарга кўрсатади. Улар суратга қараб, «Ишваси зўр, туриши бўлакча, нозлари ҳам, кулиши бўлакча», деб (ёлғондан) «Раис ўйланармиш» иғвосини зимдан тарқатишади. Шу пайт Норбўта ва Саримсоқ кирадилар. Уларга Лукмонов (ўзгарган ҳолатда) яхши кутиб, Саримсоқ сўраган пулни беради. Саримсоқ: «Бухгалтер бир зумда ўзгариб, чакқон бўлиб қолипти-ку». Норбўта: «Рост, пайтавасига қурт тушиб қопти», деб лапарда шундай таърифлайди:

*Лукмоновнинг ўзлари,
Қалбақидир сўзлари.
Дакки егач раисдан,
Йилтиради кўзлари.*

IV кўриниш

Тўртинчи кўриниш дала шийпонида ўтади. Гулноранинг онаси Рувзон хола ошпазлик қилади. У иш билан банд. Радио-да муסיқалар янграмоқда. Елкасига почта сумка осиб олган Саломатхон келади. Рувзон хола уни кўриб, ҳайрон бўлади: «Келинг, тасаддук», деб кутиб олади. Саломатхон: «Далада ишлашга кучим йўқ десам, раис почталион қилиб қўйди. Мана, кизингизга хат, бу газеталар столга, бу қатлама Саримсок эримга», деб кетади. Гулнора: «Ойи, тушда шу ерда мажлис бўлади, жой тайёрлаш керак». У (хатни ўқиб): «Мен бу хат Раимжондан деб ўйлаган эдим, нима бўлди-ю, у ўзгариб қолди, хат ёзмай қўйди», деб, қўшиқда изҳор этади.

Гулноранинг кўшиғи

Andante

Е - ра сен бир бор бо - қиб кўп-лим-
ни о - бод ай - ла- гин хажр ў-ти - га ўт ё-қиб вас-линг
ни пай - вандай - ла- гин

Рувзон хола кизининг кўшиқдаги дардини эшитиб, ҳайрон бўлиб, далда беради. Жаннатхон совчиликка Рувзон холанинг олдига келади.

Жаннатхон: «Уйингизга борсам, дала шийпонида ошпазлик қилмоқдалар, дейишди шу ерга келавердим. Бир

маҳал ўртоқ эдик, энди куда бўлсакмикан деб, совчиликка келдик», дейди.

Рувзон хола: «Жуда бемаҳал келибсиз. Ҳозир бош кашлашга ҳам вақт йўқ. Сабр қилинг, куз келсин, тўй қочмас», деб у билан хайрлашади ва «шу кам эди менга» деб, хиргойи қилиб, ишларини давом этади.

Колхозчи киз Қумрихон: «Ўзани ичи жуда димки, ишлаганимда нафасларим қайтиб кетди, чарчадим, мана олдингизга келдим», дейди.

Рувзон хола: «Барака топ, илоё яхши куёв берсин».

Қумрихон: «Вой, хола, у нима деганингиз?»

Рувзон хола: «Ҳа, энди тасаддук, бу гаплар тилингда бўлмаса ҳам, дилингда бордир. Сен дам олавер, мен қозонга қарай», деб, кетади.

Қумрихон якка қолиб, «Норбўта кўз олдимдан кетмайди» деб куйлайди.

Қумрихоннинг кўшиғи

Allegro moderato

Бор-а-ро эс са ш-мад
гул-лар-да яп-рок уй - на- тур ёр-ке-либ биз-
га ша-ман кўз бир-ла бар - моқ уй на- тур
бил-ма-дим бу-лар не-чун суз сир и-мо

Юкорида зикр қилинган Гулнора ва Қумрихоннинг кўшиқларига басталанган куйлар сўзлар мазмуни билан боғлиқ. Улар ўз ёрларини ёд этишлари мусикада ҳам лирик, ҳам вужудларида жўш уриб келаётган хислар тўғрисида куйлашади. Икки дугонанинг рухий хиссиётлари, табиат товушлари овоз ва симфоник оркестр партияларида маънодор акс этган. Бу икки кўшиқ асар мусикий драматургиясининг мукамал чиқишига ёрдам беради.

Қумрихон кўшиқни ижро қилаётганда Баҳодир кириб тинглайди ва табриклайди:

«Гулнорахон, мен тракторчи Баҳодирман. Машина-трактор станциясидан ёрдамга юборишди. Сиз ўзингиз тракторни яхши биласиз-ку, кўндалангига юрадиган трактор йўқ деб талаб қилган экансиз (Қумрихон кулади). Ҳа, нимага куласиз?»

Қумрихон: «Сиз адашибсиз, мен Гулнора эмасман, Гулнора далада трактор ҳайдаяпти».

Баҳодир: «Кечирасиз, адашибман».

Уларнинг гаплашиб турганларини кўриб қолган Норбўта: «Қумрихон, бу ўралашиб юрган ким?» деб сўрайди.

Қумрихон: «Бу жуда ғалати йигит экан, у кўндалангига юрармиш. Товба, яна ишлар кўндаланг бўлиб қолганга ўхшайди», деб хавотирланиб шундай сўзлар билан куйлайди:

*Ёримни кулиб турган
Хумор-хумор кўзи бор.
Бу йигитда билмайман,
Қандай сирли сўзи бор.
Ёрим кулиб чаккага
Гули райҳон тақади.
Сўзламасдан дардини
Бағримга ўт ёқади.*

Рузвон хола унинг кўшиғини эшитиб: «Камрок кўшиқ айт, тезроқ ҳаракат қил севсанг. Дастанхонни тузашга менга ёрдам бер», дейди. Тушки овқатга омборчи Ҳайдар нохуш бўлиб келади.

Норбўта: «Ҳайдаржон, руҳингиз тушиб, хапа бўлиб келдингиз, нима бўлди?»

Ҳайдар: (Кўшиқда дардини баён қилиб) «Уф-фф, ишонган боғим, суянган тоғим Сафарбой Полвон раис эди. Гулнорахонни сенга олиб бераман деб мани лақиллатди. Қани энди Гулнорахон хўп деса-ю, хипча белидан қисиб олсам».

Норбўта (кулиб): «Гулнорахонга айтиб берайми?»

Ҳайдар: «Бор, ишингни қил!»

Норбўта монолоғи: «Ростини айтсам, мен муҳаббат деб эшитар эдим-у, лекин унинг нима эканлигини билмас эдим. Энди билсам, муҳаббат юрак ўйноқилиқдан иборат экан. Улай агар, олдидан арслон чиққанда ҳам, юрагим заррача сесканмас эди. Лекин ҳозир Қумрихонни кўрсам, безгак бўлиб қоламан, тилим ҳам гапга ковушмайди-я, ёпирай. Бир-бирини севишганларнинг ҳаммаси шунақа бўлармикин. Йигитнинг юраги така-пука деганлари шу экан-да. Уф-фф, нима қилишимни ҳам билмайман. Айтганча, ҳалиги йигит ким? Қумрихон тагин у билан тил бириктириб қўйган бўлса-я!» деб хавотирланиб куйлайди.


Норбўта кўшиғи

Moderato

бо-либ кел-ди ай-мо-ки Их-лос бер-сам ё-рим-га ю-рак

бул-ди уй-но-ки уй-но-ки бул-са бул-сам

Мен-ҳеч ким-га айт-май-ман



Азербайжонда 1965 йил



Азербайжонда 1965 йил

Мазкур «Moderato» ўрта ҳаракатли, фа-мажорда басталанган кўшиқ тўрт тактли кириш мусика билан бошланади. Норбўтанинг ўй-хаёллари, рашкда иккиланиши, ваҳимасини кучайтириб бориши овози флейтада такрорлаши оркестр партиясида тўлақонли равишда ривожланиш жараёнида қаҳрамоннинг «мусикали потрети» яққол ифодаланган.

Гулнора кўринмасдан киради, кўшиқни тинглайди: «Ҳа, Норбўта ака, ашулангиз зўр ва ғалати-ку, нима бўлди сизга?»

Шу пайт уларга кўринмаган Қумрихон, Сафарбой Полвон ва Ҳайдар киришади, уларнинг сўзларини тинглашади.

Норбўта: «Ғалати бўлганда қандай, гоҳо хаёлим ҳам қочиб кетади, одам ҳам қизик бўларкан. Сиз ҳам ҳеч шунақа бўлганмисиз?»

Гулнора: «Нима, бир бало бўлдими?»

Норбўта: «Бўлмаса гапирармидим, мен сиз билан маслахатлашмоқчиман».

Гулнора: «Нима тўғрисида?»

Норбўта: «Мана шу нима тўғрисида эканлигини айтиш кийин-да».

Гулнора: «Бу қизиқ-ку».

Норбўта: «Ҳалиги, мен денг, шу кунлари жуда ғалати бўлиб қолдим. Кечалари хаёл суриб кетаман, юлдузларга тикиламан денг. Шу денг, мен сизга айтсам денг».

Шу пайт Рузвон хола овқатга занг уради. Норбўта ёрдамга кетади.

Ҳайдар: «Қумрихон, бу ошиқ-мошиқларнинг гапларини эшитдингизми, уларнинг авжи жуда баланд-ку».

Қумрихон «Менга нима» деб, кетади.

Сафарбой Полвон: «Бу Гулнорахон ҳамманинг кўнглини баравар олмоқчи шекилли, товба».

Лукмонов келади: «Колхоз аъзоларига аванс бераман».

Сафарбой Полвон: «Дехқон жўжани кузда санайди, тушундингизми!»

Шу пайт даладан йигит ва қизлар кўшиқ айтиб, тушлик овқатга келадилар. Уларнинг кўшиғи ўзбек халқ айтишув услубидаги кўшиқларга ҳамоҳанг янграйди.

Дала шийпонида барча аъзолар овқатланиб бўлгач, колхозчи Саримсоқ овқатни ва иш зарбдорларини мактайди, Норбўта иккаласи ялла айтиб, рақсга тушиб кетадилар. Уларга бошқалар ҳам кўшилади. Шу пайт раис Қодиров келади, уни қарши оладилар ва мажлиснинг очилишини кутадилар.

Қодиров: «Мажлис бўлмайди».

Саримсоқ: «Нима учун?»

Гулнора: «Колхоз правлениясида Сафарбой Полвон, кизи, келини ва Ҳайдарга ўхшаган дангасалар танқид остига олиндилар. Улар байрокни ўзимиз оламиз деб, ваъда бердилар».

Норбўта Қумрини кўрмай қолиб, уни излаб, ариқ бўйида ўтирибди.

Рузвон хола: «И-я, эси борми бу кизнинг, нимага аразлаб бу ерда ўтирасан», деб олиб келиб овқатлантиради.

Норбўта: «Нимага бунақа қилдингиз, Қумрихон?»

Шу пайт Гулнора киради.

Қумрихон: «Сиз бунақа меҳрибонлигингизни Гулнорахонга қилинг».

Гулнора: «Бу қанақа гап бўлди, товба».

Шу пайт Қодиров киради. Сафарбой Полвон буларни кўриб қолиб, дарахт орқасига яшириниб, кулоқ солади.

Қодиров: «Тўйни қачон ўтказамиз?»

Гулнора (киноя билан): «Ҳозир ўзимизнинг тўйимиз чиқиб турибди-ку, яна қанақа тўй?»


Қодиров: «Ҳа, майли, ихтиёрингиз».

Гулнора хаёл суриб, «Тўй... таёргарлик, Раимжон қачон келади?» деб куйлайди.

Гулноранинг кўшиғи

Иш-ха-ли - га до - им ё-ро-на - си ях - ши. Ишқйў-ли - да шат - до

де-во-на - си ях - ши. Тун-лар-ни э-тиб бе-дор хаж-ри-да му-дом.



Мазкур кўшиқ 8 тактли кириш муқаддима оркестр садолари билан бошланади. Овоз лирик кўшиқ оҳангини саклаб, оркестрнинг хилма-хил чолғулари билан ҳамоҳанг бўлиб ривожланади. Бошқача килиб айтганда, бу кўшиқда гўзал ва мафтункор Гулноранинг кўнгли ҳам азобли, ҳам ром бўлиб, энди Раимжонга бўлган ишқий муҳаббатини очикчасига ошкор қилмокчи бўлади, лекин унинг руҳий ҳолати тўскинлик килади. Унинг руҳий ҳиссиётини оркестр садолари акс эттиради.

Гулноранинг кўшиғини (бекинган ҳолатда) Сафарбой Полвон тинглаб, «Бу нима, ишқ-муҳаббат, тўй? Бу қандай тўй бўлади? Раис Қодировнинг шаҳарда хотини бор-ку. Шошма! Энди пайкадим, раис ўйланаркан-да!» дейди.

V кўришиш

Колхоз идорасининг олдидан кўча ва майдон ўтади. Колхознинг шаҳардаги махсус сут сотадиган магазинига олиб бориш учун Норбўта бидонларга сут куйиш жараёнида (ҳазил тарикасида) «Кислий-пресний молоко» деб, оддий оҳангдор речитативда сут махсулотини таърифлаб куйлайди.

Кўчадан ўтаётган бир гуруҳ қизлар унинг хиргойисини эшитиб, унга таклид килиб кўшиқ айтишади. Уларга жавобан Норбўта «Ҳа, баракалла қизлар, кизалоклар, Қумрихон, Тўтихон, Майнахон, Шакархон, Ширинхон, Анорхонлар, келиб қолинг», деб ҳазиллашиб, кичқиради.

Қизлардан бири: «Норбўта ака, бунча кичқирасиз?»

Норбўта: «Э, синглим, мен сизлар учун кичқираман».

Иккинчи қиз: «Э, нимага биз учун кичқирасиз?»

Норбўта: «Илгарилари ҳаммаларинг суту қатиқ кўтариб, шаҳар кўчаларида кичқира-кичқира юрар эдинглар. Энди мен бир ўзим дўконимизга кичқирмай олиб бораман».

Қизлар кетади.

Норбўта: «Қумрихон, сизга гапим бор эди, ахир мени қачонгача қийнайсиз, ёки ниятингиз бошқача?»

Қумрихон: «Ўзингизнинг ниятингиз бошқача, энди бунақа гапларингизни Гулнорахонга айтинг».

Норбўта: «Э, нимага ахир?»

Қумрихон: «Мени билмади дейсизми, Гулнорахонга дала шийпонида айтган гапларингиз эсингиздан чиқдимми?»

Норбўта: «Бу қип-қизил тухмат, бўҳтон».

Қумрихон: «Бўлмаса мен кўздан ва кулоқдан қолибман-да», деб кўшиқ айтишади:

*Минган отингиз қашқа,
Тегар тўғри тошга.
Алдамоқ ниятингиз,
Ният бошқа, тил бошқа.*

Унга жавобан Норбўта:

*Минган отимдир жийрон,
Қилмангиз дилни вайрон.
Дилим билан тилим бир,
Бўлмангиз бунга ҳайрон.*

Қумрихон «Энди югуриб-югуриб қуруқ қолдингизми, ажаб бўпти», деб кетади.

Норбўта: «Э, у нима деганингиз, Қумрихон, Қумрихон», деб орқасидан чопади. «Тўхтамай кетди-я, мен унинг дардида кечалари юлдуз санаб юрибман-у, у бўлса менга қаёқдаги гапларни айтади».

Унинг сўзини тракторчи Баҳодир эшитиб қолиб, «Ҳа, Норбўтажон, тинчликми?» деб сўрайди. (Уларни ўртасида диалог бўлиб ўтади)

Баҳодир: «Хапа бўлманг. Хотинимга уйланмасдан аввал, бизнинг ҳам ўртамызда келишмовчилик бўлиб турарди. Энди бир ўғил ва бир қизимиз бор, худога шукур».

Норбўта: «Сиз шунақа ташвишдан қутилган экансиз-да».

Норбўта Саримсоқ билан учрашиб қолади: «Саримсоқ ака, кишлоқда нима миш-миш гаплар юрибди?»

Саримсоқ: «Менинг унақа миш-мишлар билан ишим йўк ва ишонмайман, билдингми», дейди.

Шу пайт Сафарбой Полвон кўриниб қолади. У «Эшитдингизларми, кишлоқда дув-дув гап», деб шундай сўзлайди: «Тўй бўлармиш, тўй бўлармиш, тўйга бир йилки бия ва кўй сўйилармиш».

Саримсоқ: «Кимнинг тўйи, ким сўярмиш?»

Норбўта: «Дабдабали ким килармиш тўй?».

Сафарбой Полвон: «Ким бўларди, тўйнинг эгаси раис куёв, Гулнорахон бекаси».

Саримсоқ: «Бўлмаган гап, ҳаммаси миш-миш гап».

Раис Қодиров улар билан учрашиб қолади.

Сафарбой Полвон: «Э, ҳорманг раис, шаҳардан бизга қанча одам келадиган бўлди?»

Қодиров: «Бизга одам келмайди. Бекорга харажатни кўпайтириб нима қиламиз, ундан кўра пахтани машинада тердирамиз».

Баҳодир: «Сиз шунақа дейсиз-у, Сафарбой акам машинага ажратилган ерни кўл билан тердираяптилар».

Қодиров: «Нима-нима?»

Улар ўртасида жиддий гап бўлиб ўтади.

Сафарбой Полвон: «Ҳа, Ҳайдар, сувга тушган мушукдай шумшайиб қопсан?» (Уларни ўртасида диалог бўлиб ўтади). «Уни-бунни кўй, сени тўйга таклиф қилишдимми?»

Ҳайдар: «Қанақа тўй?»

Сафарбой Полвон: «Гулноранинг тўйи бўлармиш-ку».

Ҳайдар: «Ростданми, у кимга тегармиш?»

Сафарбой Полвон: «Ўпкайни бос. Раис уйланармиш. Кўзийни оч, сен бекорга мендан хапа бўлиб юрибсан».

Шу пайт Гулнора келиб: «Ҳайдар ака, раисни кўрмадингизми?»

Ҳайдар: «Мен сизнинг раисингизни қоровулиманми?»

Гулнора: «Бу нима деганингиз?»

Ҳайдар: «Э, нима-нимаси қолдим, ҳамма иш битипти-ку, ишқилиб раис билан қўша қаринглар», деб кетади.

Гулнора: «Аблаҳ, чаён», деб ҳаяжонланиб йиғлаб кетади.

VII кўриниш

Гулноранинг ҳовлиси. Онаси Рузвон хола ёлғиз, уй иши билан банд. Ҳовлига почтальон Саломатхон киради: «Э, Рузвонбону, кани кўл кўйинг, шаҳардан қизингизга хат келди (ҳазил тариқасида)

*Бир-бирига хат ёзишмоқ ёшлар иши,
Соғиниларнинг буларга ўтмас тиши.
Хат ёзишиб топилса, билинг, айнанай,
Дурсандчиликда ўтар уларнинг ёзи-қиши.*

Кишлоқда миш-мишларни эшитингизми?»

Рузвон хола: «Йўқ-а, нима бўпти?»

Саломатхон: «Кўйинг, эшитмай кўя қолинг», деб чиқиб кетади.

Ҳовлига мухбир Қосимжон киради.

Рузвон хола: «Болам, сиз ким бўласиз?»

Қосимжон: «Мен мухбирман, редакциядан келдим. Гулнорахон билан учрашим керак эди».

Рузвон хола: «Шунақами, қизим ҳозир чиқиб кетган эди-я. Бирпас сабр қилинг, келиб қолар. Бу ёққа ўлтиринг».

Илагани кетади.


Рузвон хола «Нимага қизимни олдига газетадан одам келди» деб хавотирланиб, «Раисга бориб айтай-чи, нима гап», дея кетади.

Ҳовлига мияос ҳолда Гулнора кириб, ачиниб куйлайди.

Гулноранинг «Келма, ёр» кўшиғи

Moderato

Кел-ма-ш, кел-ма-ш, мех-ри-бон, рим-ка-ни



Мазкур «Moderato» ўртача ҳаракатли, ля-минорда басталанган лирик характерли кўшиқда Гулнора севгилиси Раимжонни эслаб, руҳий изтиробда маъюс куйлайди. Куй гармоник аккордлар билан тиниқ ва равшан бойитилиб, ривожланиш жараёнида оркестрнинг турли чолғу садоларида нозик, мусаффо образ намоён бўлади. Оркестр бир қадар мунгли тус берса ҳам, лекин бу ғамгин кўшиқ саҳнадаги порлоқ осойишталикни бузмайди.

Гулнора маъюс кўшиқда руҳий ҳолатини изҳор қилгандан сўнг, монологларда давом этиб шундай дейди: «Ундан ҳанузгача дарак йўқ, наҳотки келмаса. Бу эшитаётган гапларга қандай чидаш мумкин. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан. Нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Наҳотки шу миш-миш гапларга ҳамма ишонса». Супага ўтирганда, конвертни кўриб қолиб, ўқийди. Раимжондан келган хатни ўқиб, «ёрим келар экан» деб суюнади, сакрайди, хатни қайта-қайта ўқийди ва куйлайди.

Рузвон хола: «Қизим, хат кимдан экан?»

Гулнора: «Ҳеч кимдан», деб тез чиқиб кетади.

Рузвон хола: «Бу бола мени шунақа қилиб куйдиради-да, юрагидаги дардини тарс ёрилиб айтмайди. Идорага борсам, раис ҳам йўқ. Энди нима қилса бўлади».

Шу пайт совчи Руқияхон киради. Улар «Ассалому алайкум — Алайкум салом» деб танишади.

Руқияхон: «Укам қизингизни жуда ҳам мақтайди ва Гулнорахонни яхши кўриб қолибди. У тез совчиликка боринг деб кўймади, шунга келган эдим».

Шу пайт эшикдан совчи Жаннатхон киради:

*Милтигини кўтариб овчи келди ёр-ёр,
Туғунини кўтариб совчи келди ёр-ёр,
Қайроғочдан хари ясаб уй қурамыз ёр-ёр,
Қизингизни мени ўғлимга тўй қиламыз ёр-ёр.*

Рузвон хола уни кутиб олади. Дарстурхон устида икки совчилар, бириси укасини, бириси ўғлини мақташиб, бир-бирига сўз бермай, таланиб, авжига чикқанда, тўсатдан мухбир киради ва улар тўхтаб қоладилар.

Қосимжон: «Хола, Гулнорахон келдими? Жуда зарур ишим бор эди».

Рузвон хола: «Сиз озгина дам олиб туринг, қизим келиб келар, мен ўчоққа қарай», деб ошхонага кириб кетади.

Руқияхон: «Иним, Гулнорахонда нима ишингиз бор эди?»

Қосимжон: «Менга Гулнорахоннинг сурати керак, ўзлари билан гаплашмоқчиман».

Жаннатхон: «Товба, бу йигитга қизни сурати нима учун керак бўлиб қолибди?»

Совчилар диалогларида хаёлий гапларни тўқийдилар.

Гулнора келади ва улар билан сўрашиб, Қосимжон билан гаплашганини уйга кириб кетадилар.

Руқияхон ва Жаннатхон: «Яхшиям билиб қолдик. Ишлар буюкда экан-ку».

Рузвон хола овқат олиб чиқади.

Совчилар: «Биз энди кетайлик».

Ғофига қилиб турмоқчи бўладилар.

Рузвон хола: «Тайёр овқатни ташлаб-а, мен халиги йигит кутиб қолмасини деб, сизлар билан гаплаша олмадим ҳам. У йигит газетидан келган мухбир экан».

Совчилар бу сўзни эшитгач, қоладилар. Шу пайт раис Қодиров киради ва саломлашади.

Қодиров: «Мени йўқлаган экансиз, нима гап?»

Рузвон хола (кўз ёшида): «Илоё мен ўлай, кишлокда дув-дув гап».

Қодиров: «Хабарим бор, шунинг учун шаҳарга одам юбордим».

Уйдан Гулнора Қосимжон билан чиқади, раисга «газетадан келган мухбир» деб таништиради.

Қодиров: «Қолхоз ҳақида мақола ёзмоқчимисиз, энди мавтунни ўзгартириб, Гулнорахон ва мен тўғримда миш-миш тарқатганларини ёзинг».

Шу пайт Саримсоқ ва тракторчи Баходир кайф килиб юрган Хайдарни елкасидан ушлаб, ҳовлига олиб кирадилар: «Мана энди халиги гапларингни раис ва ҳаммининг олдида айтиб бер».

Хайдар: «Айтаман».

Сафарбой Полвон: «Хайдар, аҳмоқ бўлма, гапингни бас қил».

Саримсоқ: «Сафар ака, жим туринг, бу маст эмас, жўрттага ўзини жинниликка солиб, ифвогарлик қилиб юрибди».

Қодиров: «Нима гап ўзи?»

Саримсоқ: «Сиз эмиш, Гулнораҳонга уйланармишсиз».

Қодиров: «Хабарим бор. Мана, хотинимдан хат олдим, унга кимдир идорада йўқолган Гулнораҳоннинг суратини юборибди. Бу киз эрингизни ошиғи, деб хат ёзишибди. Йўқолган суратни райондан сўрашган эди. Мен Гулнораҳон билан Раимжонни яраштириб, тўй ҳаракатида юрсам, буни баъзи кишилар бошқача тушунибди».

Хайдар: «Куёв Раимжонми?»

Баходир: «Хатни ким ёзган экан?»

Саримсоқ: «Хайдардан бошқа ким ёзарди».

Хайдар (қичқириб): «Ёлғон, мен ёзган эмасман, бу суратни менга Сафарбой Полвон берган ва хат ёздирган, у мени лақилатган экан».

Ўрнидан даст туриб, пичоқни кўтариб Сафарбой Полвонга отланади. Уни ушлаб қолишади. Совчилар қўрқиб, супадан йиқилиб тушадилар.

Мухбир Қосимжон: «Мен “Бахт” номли очерк ёзмоқчи эдим. Энди “Бахт ва соялар” деган фельетон ёзишга тўғри келади».

Саримсоқ: «Ёзинг, ука, ёзинг, тўғри қиласиз».

Сафарбой Полвон қочиб кетади. Норбўта дўсти Раимжон билан ҳовлига кирадилар. Раимжон Гулнора билан самимий кўришиб, дуэтда муҳаббатларини изҳор қилишади.

Гулнора ва Раимжон дуэти.

Allegro moderato

Бер-ган ку-линг эй, жо-нон ё-нинг - га кел - дим хиж-рон-да ку- йиб

жо-ним пар-во - на кел- дим. сад-қа бу-лай бу- йинг га ку-зинг би-лан
ю-зин - га иш-қинг-да мен ур - та-ниб гир-ё - на кел дим
Гулнора
йу-линг-га чик- дим мен сув-лар се- пай деп ке-лур ё-рим мар-до- на
гул-лар ту-тай деб узок йул- лар ме-ни сен дан а-йир-мас
ка-лам кош- лар ме-ни йул- дан ка-йир- мас

Мазкур «Allegro moderato» тез ва ўрта ҳаракатли соль-минорда басталанган дуэт, тез ва ўрта ҳаракатли айтишувлар, кенг ва паст интервал йўллари, катта ва кичик диапозонларнинг такрорланишлари оркестр садолари билан ҳамоҳанг боғланишида жуда дилбар, гўзал, латофатли ва айриликка учраган икки севишганнинг руҳий ҳиссиётлари очилади. Шундай қилиб, дуэтда Сафарбой Полвон уюштирган зиддиятларга қарамасдан, икки ёшнинг бир-бирига бўлган севги-муҳаббати устун келиб, муроду мақсадларига эришадилар. Булар ҳаммаси оркестр ёрдамида жуда ёрқин тасвирланган.

Раимжон билан Гулнораҳоннинг учрашув ҳаракатларига ўхшатиб, Норбўта ва Қумрихонни ҳовлидаги одамлар кўриб, «и-е, и-е, Норбўта Қумрихон билан яқинлашяпти, ана энди Қумрихонни қўлини ушлаб олди», деб ҳамма кулади.

Раис Қодиров ва колхоз аъзолари, ёр-ёр айтиб келишади:

*Дарёга тош отувдим, ботди-кетди ёр-ёр,
Куёв келиб қизимизни олди-кетди ёр-ёр.*

Гулнора билан Қумрихон уялиб, бир томонга қочмоқчи бўлишади. Уларнинг қаршисидан уч-тўрт киши чиқиб, ёр-ёр айтишади:

*Уялма, қиз, уялма, тўй сеники ёр-ёр,
Остонаси тиллодан уй сеники ёр-ёр.*

Улар бошқа томонга кочишади. У томондан ҳам уларнинг каршисига ёр-ёр айтиб чиқишади:

*Кувётўра келибди, кийдир нўстин, ёр-ёр,
Эшигингда туради гуё устин, ёр-ёр.
Бекорга сен эшик очма, ёр-ёр,
Эринг келди олдинга энди қочма, ёр-ёр.*

Ҳамма уларни ўраб олиб, Қодиров ва колхоз аъзолари совға-салом билан табриклашади. Шу билан спектакль тугайди.

Хулоса қилиб айтганда, композитор Ҳамид Раҳимов «Раис уйланармиш» комедиясига яратган барча овозли, чолғу-ракс, фон ва ҳар хил кўринишдаги, кўповозли услубий йўналишдаги 32 номердан иборат мусикалар жамланган. Бу муסיкий композиция спектакль ғоявий мазмунини ва бадиий салоҳиятини намоён қилади. Яъни, спектаклда иштирок этувчи ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг руҳияти, дунёқараши муסיкий образлар орқали кўпқиррали қилиб тасвирланган. Спектаклда жиддий ахлоқий масалалар билан бирга енгил кулгили (комедия) лавҳа (эпизод)лар ҳам мавжуд. Композитор ролларни бажарувчи актриса ва актёрларнинг овоз диапозонларига мос оҳангларни гармоник воситалар билан оркестр садоларида, миллий интонацион руҳда яққол сездирган. Шунинг учун бўлса керак, «Раис ўйланармиш»¹¹ муסיқали комедияси республикамиздаги Муסיқали драма ва комедия театрларида узоқ умр кўрди. Республикамизда «муסיқали комедия» жанри ривожланиши жараёнида мазкур спектакль ўзига хос ўринга эга.

«СЎНГГИ ФОЖИА» МУСИҚАЛИ ДРАМАСИ

1 973 йили композитор Ҳамид Раҳимов драматург Малика Мирзаева билан ҳамкорликда «Сўнги фожиа» номли муסיқали драма яратишди. Фарғона вилоят Давлат муסיқали драма ва комедия театри жамоаси ўша йили уни саҳнага қўйди.

Воқеа XX асрнинг 70 йилларида кечади. Мазкур замонавий мавзуда ёзилган саҳна асарида инсонлар, қариндош-уруғлар ўртасида содир бўлиб турадиган зиддиятлар, ахлоқий масалалар очилади. Барча образлар умумлашма.

«Сўнги фожиа» 3 парда ва 7 кўринишдан иборат.¹²

Воқеаларда иштирок этувчи қаҳрамонлар ўртасидаги диалог ва монологларни инобатга олиб, композитор усталик билан ижобий ва салбий қаҳрамонларга «муסיкий портрет» ва умумий саҳна воқеаларига бешта хилма-хил характерли фон муסיқалар яратган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, Ҳамид Раҳимов муסיқаларни Фарғона театри кичик симфоник оркестри имкониятига мослаган. Спектакль қисқа кириш муסיкаси билан бошланади.

Ҳовлида бўладиган опа-сингил Санамхон билан Малоҳатхон суҳбатларида Санамхоннинг «Ақлинг жойидами?» сўзига жавобан, Малоҳатхон кўшиқда дардини изҳор этади.

Малоҳатхоннинг кўшиғи

Moderato

Жас-мим а-ро ул-жон э-рур уз-га жон
ке-рак-мас Е-ди хам-ро - хим уз-га бир ху-км-рон ке-рак-мас тонг-дай му- соф

Мазкур «Moderato» ўрта ҳаракатли, ми-минорда басталанган кўшиқда кўнгилчан Малоҳатхон ўз дардини пастлама се-кундали интонация — хўрсинишли оҳанг оркестр партияси билан руҳий ҳиссиётини намоён қилади. Бу маънос оҳангдор кўшиқ томошабин-тингловчининг бутун диққат эътиборини бева аёлнинг руҳий изтиробига жалб қилади.

Ҳийлагар Санамхон кўшиқни тинглаб, юмшаб, кўзёши қилиб, Малоҳатхонни юпатади, аврайди, мақсадига етиб, эрининг кўлидан ушлаб, хиргойи қилади.

Санамхон кўшиғи

«Allegretto» тез ҳаракатли, соль-минорда басталанган, кенг интервал ва юқори диапазонли, лапарсимон бу кўшиқда шайтон йўлига кирган Санамхоннинг хулқий фелъ-атвори очилади. Оркестр фактурасидаги бир хил аккордлар, остинато ритми билан кўшилиб, ёвузлик тимсоли гавдаланади.

Санамхон (кулиб) кўшиғида шундай сўзлар билан (эрига): «Билиб олинг, ўзим тadbирли дилбар, кўнгилгинам ҳадсиз бойликни тилар. Маҳоратни ишга солсак, иккимиз йўлимизда шуҳрат кунлар, шон кунлар», дейди.

Эр-хотир биргаликда, айтишув усулда, шундай сўзлар билан куйлайди:

Расул Неъматович (такрорлаб туради): «Ҳах, йўлимизда шуҳрат кулар, шон кулар...»

Санамхон давом этади: «Тинчимайман давлат ошиб-тош-маса, доврўғимиз элдан-элга ошмаса. Ўзгинамиз даврон суриб, хон тахлит ўзгаларга токат йўк, ёндошмаса».

Эри такрорлайди.

Санамхон давом этади: «Сизга ундан, бизга бундан ҳаракат, шундан оқиб келар қуту баракат. Ор-номусни рўқач қилманг, жон эрим, тadbирларни ишга солинг топиб пайт».

Эри такрорлайди.

Спектаклнинг 2–3 кўринишларида воқеалар янада ривожланади. Хиёнаткор Санамхон Малоҳатхоннинг уйини сотгандан сўнг, уни ўз уйига кўчириб олиб келади. Айёр Санамхон қиёфасини композитор «Бахт менда, давлат менда» номли кўшиқдаги мусиқий садоларда яққол ифодалаган.

Санамхон кўшиғи

«Moderato» ўрта ҳаракатли, фа-минорда басталанган кўшиқ оркестрнинг дамли (духовой) чолғулари ваҳимали аккордлари билан мецце-форте, форте, фортиссимогача кўтарилади. Яъни, композитор асосий салбий қаҳрамон киефасини мусика орқали ифодалашда оркестр партиясига кўпроқ эътибор берганлиги сезилади. Шунинг учун, айтиш жоизки, Санамхоннинг биринчи ва бу иккинчи кўшиғида, оркестр партиялари мустақиллиги билан таъсир кучи ошган.

Спектаклда кунгли бўш, ишонувчан Малоҳатхон, маккор Санамхон ва унинг эридан ташқари, уларнинг вояга етган ўғил-қизлари, уларнинг дўст ва дугоналари ҳам иштирок этишади. Ўрталаридаги бир-бирларига бўлган муносабатлар фон мусикада ўтади. Асар мазмунидан келиб чиқиб, композитор, асосан, Лола билан Шавкатнинг ўрталарида содир бўлган севги-муҳаббат муносабатларига эътибор қаратган, уларга ҳам «мусикий портрет» яратган. Масалан, Лола дугонаси Дилбар билан ижро этаётган дуэтларида содир бўлган севги-муҳаббатга иккиланиш, руҳий хаёлий ҳиссиётларини изҳор қиладилар. Дилбар ўсмоқчилаб Лоладан сўрайди:

Лола ва Дилбар дуэтлари

Moderato

Дилбар
У бар-но йи-гит ким э- кан

ак-линг-ни о-либ-ди. гун-ча ё-шин - дашай-до-ни-лик куй-и-га со-либ- дир

Лола
Оч-чилду - го - на дилдаф-та-ринг бир-бор у-кий-лик. Йук,йук ке-та-манг ха-ё куй-мас

Мазкур «Moderato» ўрта ҳаракатли, до-минорда басталанган дуэтда Лола (дугонасига жавобан): «Мени кийнама, ул барно

йигит номи дилимда пинҳона қолибдир», деб жавоб беради. Узундан-узун диалог-дуэтда икки дугона «севги-муҳаббат» тўғрисида ўз фикрларини изҳор этадилар. Лоланинг мусикали характери биргина бу дуэтда эмас, бошқа якка кўшиқда, вокал-ансамбль оммавий хор номерида ҳам намоён бўлади.

Катта ҳовлида Лола ёлғиз, уй юмушлари билан банд бўлиб, куйлайди. Севги-муҳаббат дардига дуч келган Лоланинг руҳий кечинмаларини, унинг ёрини деб хаёлотга чўмганини композитор уч қисмли шаклда басталаган нозик лирик оҳангли кўшиқда, оркестрнинг торли чолғу созлар фонида, флейтани ҳамоҳанг қилиб ривожлантиргани маънони гавдалантирган. Лола кўшиқ айтиб турган пайтида ҳовлига келиб, бекиниб турган дугонаси Дилбар ҳам шу мазмун ва оҳанг услубида куйлайди.

Санамхоннинг эркатой, чиройли, қадди-қомати келишган ўғли Шавкат Лолани севиб қолган. Аввалига Лола унинг ҳақиқий ниятини сезмайди ва унинг сўзларига, ваъдаларига ишониб-ишонмайди. Лоланинг иккиланишини сезган, онасининг тарбиясини олган омилкор, чаккон Шавкатнинг «мусикали портрети» якка кўшиғида намоён бўлади. Унинг кўшиғи матнидан бу уйда истикомат қилувчи ота-она пулга берилганлиги сезилиб туради. Лолага айтаётган кўшиғида: «Жонгинам, шартингни айт, истасанг червон тикай, жонгинам», деб аврайди. Уларнинг севги-муҳаббат масаласига бўлган муносабатлари дуэтда намоён бўлади.

Композитор Лола ва Шавкатнинг ўзаро муносабатларини катта ҳажмли дуэтда, уларнинг хатти-ҳаракат ва руҳий кечинмаларини хилма-хил, паст-баланд интонацияли тебранишлар, оркестр фактурасини гармоник воситалар билан бойитиб, вокал партиясида навбатма-навбат куйлашлари туфайли оддий кўшиқ доирасида гавдалантириб беради.

Лола ва Шавкат дуэти

Лола

Куз-ла-рим-га и- шон май ман Сев-ги-дан лоф ур-ган- сен ми сан

Лола

и-шон гу-лим чин сев-чи-ман Суз-ла-рин-га и-шон-май-ман

Шавкат

дил-га ту-зоқ - ман кур-ган сен-ми-сан? Сен гу-зал-нинг тси - ги ман

Мазкур «Andantino» ўрта ҳаракатда, ми-минорда басталанган дуэтнинг ривожланиш жараёнида, содир бўлган воқеалар туфайли, уларнинг руҳиятларида ўзгариш юз беради. Айниқса, бу ҳол Шавкат, Лола ва қизларнинг хорида, атрофлича намоён бўлади.

Композитор «Allegro» тез ҳаракатли, ре-минорда басталанган дуэт-хорда Шавкат билан Лоланинг ўрталарида содир бўлган заддиятга Лоланинг дугоналари ўз муносабатларини хор садоларида шундай баён қиладилар.

Шавкатнинг «Тушми бу, ўнгми, не ҳол, айтолмайман, эс учди бошдан бемаҳал, ҳуш кетди қаёққа, билмадим» сўзидан сўнг хор бошланади.

Шавкат, Лола ва хор

Allegro

Қан-дайин - со - ору ди-ё - нат қай-да из - хо - ри-дил ши - рин ахд

Шу-ми-ди чин ваъ-да-лар-га бах-ши-да жон му-хаб- баг

Мазкур хор оркестр жўрлигида аккордлар билан унисон қилинган бўлиб, ҳар тактда бир хилдаги усул (ритм)даги товушларнинг такрорланиши туфайли қизлар хори Шавкатни таъна оҳанглари билан айблайдилар. Хор билан яқкаҳон ҳолда Лола куйлайди. Бу таъна-айбга Шавкат катта ҳажмдаги уч қисмли қўшиғида «Тўкмагил кўздан дурингни бахтиёр чоғимда сан, кўзга сурай хоки пойингни, ошиқ ардоғимда-

сан. Таъналар тошига бу жонни тикай», деб ўзини оклашга ҳаракат қилади.

Унга жавобан Лола ҳам катта ҳажмдаги уч қисмли қўшиқда қон бўлган кўнглини шундай сўзларда баён қилади:

«Йиғламай найлай дилимни қанча армон ўртаса, бахтли оқшом чоғида сўнгги пушаймон дил тўрида, қайрилиб синди қанотим».

Уларнинг бир-бирларига бўлган маломати «Лола ва Шавкат дуэти»да яқунланади ва парда олдида Лоланинг монолоғи бошланади.

Асар давомидаги салбий ва ижобий қаҳрамонлар ўртасида кечадиган зиддиятларда ёвузлик ва эзгулик кураши ифодаланади. Композитор ҳар иккала томонга муносабатини оркестрга ёзган мусиқаси орқали етказиб беришга интиланган. Бир сўз билан айтганда, мусиқалар асар ғоясини тўлдиради ва томошабинда илик тасаввур уйғотади.

Спектакль ниҳоясида инсоннинг жаҳолатга муносабати Лола монолоғи орқали берилади. Монолог симфоник оркестрга ёзилган махсус мусиқий фон садосида ижро қилинади. Шунинг билан спектакль тугайди.

Асарнинг воқеаларидан келиб чиқиб, композитор Ҳамид Раҳимов мусиқали драматургияда ҳар бир иштирок этувчи қаҳрамоннинг руҳий қиёфасига «мусиқий портрет» яратган. Спектакль тарбиявий аҳамиятга эга. Унда бойлик васвасасидаги турли одамларнинг жирканч қиёфалари очилади. Томошабинга бу воқеалардан сабоқ олиш ҳавола этилади.

«ТАНБУР НОЛАСИ» МУСИҚАЛИ ДРАМАСИ

1 974 йили композитор Ҳамид Раҳимов драматург Муҳсин Халил билан ҳамкорликда «Танбур ноласи» номли мусикий драмани яратишди. Уни Фарғона вилоят Давлат мусикий драма ва комедия театри сахнага қўйди. Асар санъаткорлар орасида бўлиб турадиган баъзи нохуш ахлоқий муаммолар ечимини топишга бағишланган.

Республикамизнинг маданий-маънавий ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришларда кўпдан-кўп санъаткорлар халқимизга астойдил хизмат қилмоқдалар. Шу билан бирга, истеъдодли ёш хонандалар орасида айрим текинхўр ва ахлоқи бузук далолларнинг қўлига тушиб қолганлари ҳам учраб туради. Ана шундай кимсаларни спектаклда танқид ва нафрат нишонига олиб, ҳаётдан ва санъатдан сабоқ бериб, тарбияга муҳим эътибор беришга қаратилган.

Спектаклда иштирок этувчи қаҳрамонлар:

Қори Жалол — кекса донғи чиққан ҳофиз; Қосимжон Комилов — ёш ҳофиз; Ойша хола — унинг ойиси; Дурдона — унинг хотини, ўқитувчи; Қўркмас — унинг кадрдон дўсти, драма театри артисти; Мирҳайдар — саёк созанда, даллол; Чиннигул — унинг хотини, хонанда, раққоса; Шерқўзи — ошпаз, Мирҳайдарнинг ошнаси ва қўшниси; Адолат — журналист, Қўркмаснинг кайлиғи.

Спектакль 2 парда, 4 кўриниш, муқаддима ва эпилогдан иборат. Воқеа яқин ўтмиш замонда бўлиб ўтади. Муқаддима (пролог)дан бошланади. Эрта тонг. Баҳор фасли. Қишлоқ ёнидан ўтадиган Кумушсой бўйидаги чойхонада кекса санъаткор Қори Жалол танбурда машқ қилмоқда. Касби тракторчи, санъатсевар, ширали ноёб овоз сохиби, ҳаваскор Қосимжон Комилов секин келиб, танбур садосини тинглайди ва куй оғушида хаёлга чўмади.

Қосимжон «Барака топинг, устоз», деб мактайди ва савол беради: «Устоз, нега ҳар тонг шу ерда машқ қиласиз-а? Ўзингиз чалиб, ўзингиз эшитасиз?»

Қори Жалол: «Сабаби бор, ўғлим Қосимжон. Пайти келганда айтиб бераман».

Қосимжон: «Жон устоз, ҳозир пайти келди, айтиб беринг».

Қори Жалол: «Эмасам тингланг. Қишлоғимизда қўшнимиз Саттор маҳсидўзнинг яккаю ягона қизи Зулайҳо билан севишиб қолган эдик. Тўйимизга яқин қолганда, босмачилар Зулайҳони ўғирлаб кетди. Мен излаб, пайт пойлаб, бир кампирдан хат киритдим. Саҳарда отга миниб қочдик. Улар билиб қолиб, қувлашди, орқамиздан отишди. Лекин бизга ета олмадилар. Ҳолдан кетган Зулайҳони отдан кўтариб туширсам, не кўз билан кўрайки, қўлларим қонга бўялган. Қароқчиларнинг ўқи унга теккан экан, бечора жон ҳолатда “Оҳ” дедида, кўзини очиб, надомат билан менга боқиб, “Биламан, мени жондан ортиқ севасиз, сизни бахтиёр қилолмадим. Илтимос, ҳар тонг, субҳидамда мени эслаб, руҳимни танбурингизда шод этинг, алвидо, севгилим Жалолхоним, алвидо”, деб кўз юмди. Шу-шу, ҳар тонг дардкашим танбур билан очилмай хазон бўлган Зулайҳони эсламан... Танбур чертиб куйлаб, ўзимни овутаман...»

Ана шу руҳий ҳолат мусикада акс этади. Симфоник оркестрнинг торли созлар партиясининг майин-вазмин (пиано) садолари жўрлигида танбурдан чиқаётган оҳанглар тонг манзараси билан ҳамоҳанг бўлиб, ашулага уланиб кетади.

Ҳофиз Қори Жалол ашуласи

Andante

А-ши дўст-лар Зу-лай хо-ли бу-либ де-во-на эс-лар-ман
У-нун тун-лар ё-тиб бе-дор бу-либ мас-то-на эс-лар-ман



А. Жаббаров, Б. Гиенко ва Ҳ. Раҳимов Вильнюс шаҳрида 1969 йил



В. Руколь, Ҳ. Раҳимов ва А. Жаббаров



А. Адилов, А. Азимов ва Ҳ. Раҳимов

Мазкур «Andante» ўрта ҳаракатли, ре-минорда басталанган катта ҳажмли, ўзбек халқ қўшиқларига ҳамоҳанг ашулада қайғу-жафо чеккан ҳофизнинг руҳий кечинмаси, ҳиссиёти оркестрнинг фактурасида оҳангдор танбур ноласи гармоник воситалар билан бойитилганлиги туфайли, намоён бўлган овоз ва оркестр партиялари бевосита боғланиб, ривожланиш жараёнида ҳосил бўлган мусиқий образга тингловчи беихтиёр ошуфта бўлади.

Ҳофизнинг ширали, мафтункор овозини тинглаб, Қосимжон: «Мени афв этинг, устоз, ярангизни янгилаб қўйдим. Садоқатда ҳам сиздан сабоқ олиш керак экан».

Ҳофиз Қори Жалол: «Қосимжон, бўтам, у замонлар ўтиб кетди. Энди ҳар ким севганини танлайди. Аммо, баъзи ёшлар севгининг кадрига етмайди... Сиз эсли-ҳушли йигитсиз, ноёб овоз соҳибисиз, тракторни ташланг, ўқинг, ҳофизлардан сабоқ олинг. Шу гапимни сира унутманг: севганда ҳам, санъатда ҳам ҳалол бўлинг. Ҳар қачон ўзингизни эмас, бировларни, халқимизни ўйлаб иш қилинг ва хизмат қилинг, бўтам».

Қосимжон: «Хўп бўлади, устоз».

Улар самимий хайрлашадилар. Қосимжон устоз билан хайрлашгандан сўнг, кекса ҳофизнинг санъатидан тўлқинланиб, улуғ шоир Фуркат ғазалига басталанган «Навбахор» ашуласини берилиб ижро этади. Унга билдирмай келган отарчи ва саёқ Мирҳайдар ашулани мириқиб тинглайди. Ашула тугагач, «Э, омон бўлинг, йигитча. Мана буни овоз деса бўлади. Мен телевизорда “Чашма” номли кўрсатувда кўриб, ашула айтишингизга маҳлиё бўлиб, сизни истаб келдим. Ҳа! Билиб қуйинг, бир икки йил ўтмай, сиз нақ Таваккал Қодиров, Фаҳриддин Умаровлардан қолишмайсиз», деб мақтайди.

«Энди сизни Тошкентга олиб кетаман, ўқишга ва театрда жойлаштираман. Мен театрда режиссёрман, мени маҳкам ушласангиз кам бўлмайсиз. Ҳа, тез орада кимсан Қосимжон Комилов бўлиб донг таратасиз. Мана ман деган кимсалар ҳам соянгизга таъзим қиладиган бўлишадилар».

Шу пайт Қосимжоннинг кадрдон дўсти Қўркмас келади. Улар саломлашадилар. Қосимжон дўстини «Тошкентдан келди, театр институтида студент» деб, Мирҳайдар билан таништиради.

Мирҳайдар: «Эй, эй, буни қаранг-а, қарийб коллегия эканмиз... Мен театр режиссёри Мирҳайдар Хўжакулов, ҳамма танийди».

Улар ўртасида диалог бўлиб ўтади.

Қўркмас: «Дўстим, сени институтга олиб кетаман деб келдим».

Қосимжон: «Қанийди... жон-жон дердим. Ўзимни ҳам бир орзуёним шу институтда ўқиш эди. Лекин онамни ва севгиним Дурдонани ташлаб кетолмайман, артист бўлишга таллантим йўқ».

Қўркмас Мирҳайдарга ишора қилиб: «Мана, дўстим шунақа, ўзини ўзи тан олгиси келмайди», деб Қосимжонга: «Қўлингдан жуда ҳам келади-да: овозинг бўлса бор, драматик қобилиятининг ҳам чакки эмас. Қани, бизга бир этюд қилиб кўрсатчи».

Қосимжон: «Этюд? У нимаси?»

Қўркмас: «Тасавур қил, мен сенга кўрсатаман. Мана бу жойда мажнунтол — сен севган киз. Бу ерда ёлғиз ўзингсан, висолга ташна бўлиб турганингда тўсатдан севган қизинг келиб қолади. Сен унга илк маротаба севгингни изҳор этасан, энди тушунарлими?»

Қосимжон: «Йўқ, Қани, олдин ўзинг қилиб кўрсатчи».

Қўркмас: «Бўпти. (Ҳолатга кириб, ярим ҳазил ўйин билан ошиқ образини кўрсатади). Ох, менинг юлдузим! Йўқ, йўқ! Юлдуз эмас, сен мен учун офтобсан! Қалбимда пайдо бўлган севги оташи сенинг тафтингдан эмасми? Туну кун сени ўйлайман, фақат сени, йўлингда интизорман, ишқингда беқарорман... Аммо сени кўрганимда, тилим лолу кўзим гирён бўлиб, юрагимдаги гапларимни айтолмай қоламан. (Шу пайт чиндан ҳам Дурдона келиб қолади ва у Қўркмаснинг бу ҳолатини кўриб, мажнунтол орқасига беркиниб туради). Мана энди фурсат келди. Юрагимда борини тўкиб соламан. Эшит, Дурдона!»

Бу сўзларни эшитган Дурдона ўзига: «Вой, ўлмасам...!»

Қўркмас этюдни давом этиб: «Мен сени севаман! Шундай севаманки, агар истасанг, гул бўлиб чаккангга қўнай оҳиста, ёки булоқ бўлиб сахарда юзингни ювай... Бир умр кафтимда кўтариб юрай... Қўлингни бер менга, парийим, Дурдонам!»

Шу пайт Дурдона дарахт орасидан чиқиб: «Мана қўлим, аммо юрагим...» деб қолади.

Қўркмас «Ё алҳазар!» деб, ҳайрон бўлади.

Мирҳайдар Қосимжоннинг қулоғига пичирлайди: «Аммо роса юрагидан урган экан-ку, болакайнинг».

Қосимжон: «Билмаган эканман... Энди тушунарли, Дурдона мени эмас, уни севар экан. Бахтли бўлинглар», деб чиқиб кетади.

Мирҳайдар: «Ана холос. Ўйиндан ўқ чиқди-ку».

Дурдона йиғламсираб: «Нима қилиб қўйдингиз? Ҳазил ҳам шунақа бўладими?»

Мирҳайдар: «Ҳазил эмас, мен сизни чиндан севаман...»

Дурдона йиғлаганича чиқиб кетади.

Қўркмас: «Вой, пишмаган хомкалла, нима қилиб қўйдим. Ҳа, мен бахтиқаро эканман. Демак, Дурдона Қосимжонни севаркан! Мен севганимга етолмай қолдим», деб «Васлига етдим десам, оҳ, айрилик тайёр экан. Гулни ёр этдим десам, гулнинг тикони бор экан» сўзлари билан куйлайди.

Хуллас, спектаклнинг катта ҳажмли муқаддимаси (пролог) да мусиқий драматургиянинг боғланиши фон мусиқа билан намоён бўлади.

Биринчи парда, биринчи кўриниш

Спектаклнинг биринчи кўриниши Мирҳайдарнинг ҳовлисида ўтади. Қосимжон ва Дурдона шу уйда истикомат қилишади. Қосимжон институтда таҳсил кўради, Дурдона эса мактабда бошланғич синфда ўқитувчи. Вақт ўтиб, режиссёр Мирҳайдар театрдан бўшатилади ва лапарчи хотини Чиннигул билан уйларига келишади. Улар ҳовлида бирга яшайдилар.

Мирҳайдар шаҳар боғидаги ҳаваскорлик бадий ашула ва рақс ансамблига ишга киради: «Бу ишим хўжакўрсинга,

холос, мана энди Қосимжонни бўйнидан боғлаб, қозикни маҳкам қоқаман. Ана ундан кейин яллама ёрим-да. Э, ўлма, Мирҳайдар».

Хурсандлигидан қўшиқ айтиб, рақсга тушиб кетади.

Мирҳайдарнинг «Ариқ бўйида жийда» қўшиғи

А-риқ-бу-йи-да жий-да жий-да-нинг-шо-хи май-да киз-лар-куп-ку-чи куй-да биз-нинг-жо-нон-ча кай-да хой-бо-ла- жон-хой-бо-ла оғ-зи-бур-ни-мой-бо-ла биз-нинг-жо-нон-ча кай-да

Маъкур «Allegretto» ўртача тез ҳаракатли, ми-минорда басталанган жозибали лапар қўшиқда Мирҳайдар ўзининг енгилтак қиёфасини намоён қилади. Яъни, майда гап билан ўзини ўзи дилини чоғ қилишида, овоз партиясини қайта-қайта такрорлашда жами оркестр қўшилиб жўр бўлиши оҳанг билан рақс ҳаракатида «Энди пуллар ёғилади» деб, завқланиб турган жойида хотини Чиннигул ўрта эшикдан кириб, эрининг ғалати ҳаракатларини кўриб, «Дадаси, тинчликми ўзи? Азонлаб булбулигуё бўлиб сайраб қолибсиз, нима бўлди?», дейди.

Мирҳайдар: «Эй, хотин, мен сайрамай ким сайрасин? Қосимжон билан Дурдонани кеткизмай, биз билан яшашга қўниктирдим, энди улар кўз олдимизда бўлгани яхши-да. Энди уни тўй-базмларда ишлатамиз». (Уларни ўртасида диалог бўлади).

Шу пайт Қосимжон билан Дурдона кириб келишади.

Мирҳайдар ва Чиннигул: «Хуш келибсизлар, қадамларингга ҳасанот. Келинпошша, ўз уйингиз, сира тортингман...»

Қосимжон: «Мана энди ўзингиз уй-ҳовлини тартибга солиб оласиз-а, жоним Дурдонахон, мунча очилиб кетмасангиз...»

Улар хурсандчилик билан айтишув услубида рақсбop дуэт куйлашади.

Кўчадан кириб келган Мирҳайдар ва Чиннигул: «Оҳ, оҳ, оҳ! Бир олманинг икки палласидай бир-бирларингга шундай ярашиб турибсизлар-ки, одамнинг суқи келади. Илойим бахтли бўлинглар, мана шу совғаларимизни қабул қилгайсизлар».

Қосимжон: «Бу нима, Мирҳайдар ака? Бу сополдан ясалган беўхшов сарик мушук-ку».

Мирҳайдар: «Бу чақа йиғар мов мушук. Бунга ҳар куни сўлкавойдан иккитасини ташлаб-ташлаб турсангиз, вой-вой, бир йилда қанча пул йиғилади».

Қосимжон: «Оббо сиз-ей... Шу ерда ҳам ҳисоб-китобни ишга солибсиз-да. Хўп, майли. Ҳурматингиз учун ташакур».

Бироз вақт ўтади. Мирҳайдар жуда усталик билан Қосимжонни аста-секин йўлдан уриб, тўй ва шахсий базмларга бориб туриш хизматиға ўргатади.

Кунлардан бирида уйға телефон бўлади.

Мирҳайдар: «Эшитаман, ким бу? Олимжонов? Нима, концертга чиқишлари керак дедингизми? Кечирасиз, Қосимжонни товлари йўқ, ётибдилар, концертга боролмайдилар, хайр!»

Қосимжон: «Нега бундай қилдингиз, Мирҳайдар ака? Ахир планлаштирилган концерт эди-ку, бормаи бўладими? Энди балога қолдим».

Мирҳайдар: «Бўлар иш бўлди, керак бўлса, бюллетен тўғрилаб бераман».

Мирҳайдар (кўчадан овоз эшитилади): «Ана энди раис Саттор акам келдилар», деб кутиб олгани чикса, ён кўшниси ҳамтовоқ Шерқўзи ошпаз. «Гар яшасанг йигитдай, сиқилмайсан чигитдай» деб, рақс билан куйлайди:

Нақорат —

*Кичкинажон кичкина,
Таригданам кичкина.*

Унга Мирҳайдар кўшилади:

*Том бошида беда бор,
Майдасини элаб ол.
Кичкиналар бизда бор,
Яхшисини сайлаб ол.*

Нақорат —

*Кичкинажон кичкина,
Таригданам кичкина.
Сой ичида қалампир,
Қизарганга ўхшайди.
Кичкинаға бир қаранг,
Уялганга ўхшайди.*

Нақорат —

*Кичкинажон кичкина,
Таригданам кичкина.*

Қосимжон кўшилади:

*Қулча юзли кичкинам,
Ширин сўзли кичкинам.
Боши тўла заркокил,
Шаҳло кўзли кичкинам.*

Нақорат —

*Кичкинажон кичкина,
Таригданам кичкина*

Кеча базмдан кеч келган Қосимжон танбур ноласида уйқуда. У оркестрнинг торли созлари маъюс лирик, рақсбop куй оқимларида туш кўради. Ажиб либос кийган қизлар

бирин-кетин кириб, у ётган сўри атрофида гўзал капалаклардай учиб, сузиб ўйнашади. Кейин кизлар ҳовли ўртасида давра ҳосил қиладилар. Бир маҳал уларнинг ўрталарида Дурдона пайдо бўлади. Ўйин давом этади. Қизлар икки томонга парвоз қилиб, чиқиб кетишади. Дурдона қолади, сўрини бир айланиб, Қосимжонга қарайди, хўрсиниб, энтиқиб чиқиб кетади.

Қосимжон: «Дурдона! Шошма! Мени ташлаб кетма!»

Уйғониб, ўрнидан туриб кетади: «Қани Дурдона?»

Қори Жалол машқни тўхтатиб, Қосимжонга ҳайрон тикилади: «Дурдона ойингиз Ойшабонунинг бағрига, сахарда кетди».

Қосимжон: «Узр, устоз. Тушимга кирибди...»

Қори Жалол: «Ҳа... Дурдона кизимни бекорга хафа қилибсиз, ўқишни ташлабсиз. Театрга панд бериб, гап эшитибсиз. Бу уй тоза одамга тўғри келмайди. Энди бир ўйлаб кўринг, бўтам».

Шу пайт кўчадан Мирҳайдар иссиқ нон, кефир ва арақ ширини кўтариб кириб келади ва дастурхон устида мулоқот бошланади.

Мирҳайдар Қосимжонга: «Жиндай бош оғриғи ҳам қиламизми-а, хўжайин?»

Қори Жалол: «Азбаройи шифо, эрталабдан ичишни нима ҳожати бор-а, ахир арақ бор жойда фаришта қочади. Фариштасиз санъаткор санъатқорми?»

Мирҳайдар: «Кўнглингизга келмасин-у, отажон, жудаям қоққиз-да. Шундоққина феодализмнинг ўзгинасиз. Фариштангиз нимаси? Ахир фариштасиз ҳам ошиғимиз олчи-ку. Арзимас нарсага тортишиб ўтирмайлик. Қани дастурхонга қарайлик».

Қосимжон: «Мир ака, бас қилинг! Уялмайсизми? Устоз менинг меҳмоним, агар яна хафа қилсангиз, мен ҳам кетаман, шуни яхши билиб қўйинг!»


Мирҳайдар узр сўрайди ва гапни бошқа ёққа буришади.

Мирҳайдар: «Эсингизда борми, концертда бир киз шундай эшилиб-эшилиб ўйнарган-ми, мен ҳам эриб кетдим».

Қосимжон: «Ҳа, гўзал экан, ҳақиқий раққоса экан».

Қори Жалол: «Куйни ҳам яхши тингларкан, ёқимли, майин ўйнарган. Ишқилиб, ёмонни қўлига тушмасин».

Мирҳайдар: «Исми Хончучук экан, у билан келишиб қўйдим, энди биз билан бир гулдаста бўлиб ишлайди», деб суюниб, майнавозчилик билан лапар айтиб, оркестрнинг тебраниш садоларига мос рақсга тушади.



Шу куй тебранишида давом этади:

Хончучук, оҳ, ўйнасин,

Оромжон ўйнасин.

Қосимжоннинг куйига

Ширин забон ўйнасин.

Қосимжон кулиб: «Мир ака, бундай термаларни қаердан топасиз?»

Мирҳайдар: «Ҳа энди шоирмижоз одамиз-да, ичимиздан куйилиб келаверади. Универсалмиз-да, доирани ҳам, термаларни ва рақсларни ҳам таранг қиламиз-да, хўжайин».

Иккисининг сўзларига Қори Жалол аралашади. Улар севги ва севиш туйғуси ҳақида мулоқотда бўлиб, диалоглари чўзилади.

Қори Жалол билан Қосимжоннинг ўрталарида она, танбур, севги-муҳаббат, ашуларда эса «авжи турк», «авжи зебо»лар тўғрисида суҳбат бўлиб ўтади.

Диалог охирида Қори Жалол: «Ҳа, ҳақиқий санъат шундай бўлади, одамнинг етмиш етти бўғинига таъсир қилади. Ҳалиги мен сизга ўргатган Мужрим Обиднинг “Бўлай” ғазалида ашулани бирга айтайлик-чи, нима бўларкин.»

Қори Жалол ва Қосимжонларнинг ашуласи

Andante espresivo

Мен а-чи-ри ко-ма-ти сар-ви хи-ро-мо-
минг бу-лай ё бо-шинг-дин ўр-гу-лай хар-ла-х-за кўр-бо-нинг бу-лай

Мазкур «Andante espresivo» ўртача ҳаракатли, фа-минорда басталанган ашула оркестр фактурасидаги гармоник ва танбур ноласини ифодаловчи воситалар, интонацион тузилишлар ўзбек ашула жанрига ҳамоҳанг, оркестр жўрлигида, миллий руҳдаги оҳанг устивор бўлиб, устоз-шогирд ижроларида янграйди. Улар ёқимли тембр овозлари билан ижрочилик маҳоратларини намоён қиладилар.

Ашулани ижро қилиб бўлиб, Қори Жалол: «Муродингизга етинг, Қосимжон ўғлим. Авжи-зеболарини роса олдингиз-а. Ҳа, мана бунини ашула деса бўлади. Ашулани тингланган инсон роҳат қилади», дейди.

Қосимжон: «Сиз устоз етаклаб бормаганингизда, танбур пардаларига ноҳун чертмаганингизда ашула ашула бўлармиди?»

Қори Жалол: «Ҳа, баракалла. Ҳамма гап танбурда. Умуман, сиздан умидим катта эди... Бу йўлга дучор бўлиб қолибсиз. Ҳозир сизни ўраб турган ўргимчак ипларини шарт-шарт кесиб ташланг, ўқишни ва театрдаги ишни давом эттинг».

Қосимжон: «Ҳа, янглишдим, боши берк кўчага кириб қолибман, устоз, яна бир-икки кун қолсангиз бўларди».

Қори Жалол: «Энди фариштаси йўқ уйга келмайман. Дурдона билан ярашганингизда ўз уйларингга бораман, насиб этса», деб хайрлашади.

Шу вақт дарвозадан бир дўппили аёл ва серсоқол эркак киши кириб келадилар. Уларни Чиннигул қарши олади.

Меҳмонлар: «Биз яллагани масаласида келдик».

Қори Жалол: «Ашулачи денг, биродар, ашулачи».

Эркак киши: «Ким билади дейсиз. Одамлар яллагани дейишади». Қори Жалол хайрлашиб, чиқиб кетади.

Мирҳайдар вайсаб кўчадан кириб келади: «Аблаҳ! Мен сенга ҳали кўрсатаман!»

Қосимжон: «Бунча ловуллаб ёнмасангиз. Нима бўлди?»

Мирҳайдар: «Нима бўларди. Ҳошим писмик Хончучукни йўлдан уриб, тўдасига кўшиб олибди. Шошмай турсин у ҳали, бир таъзирини бериб кўяман! Э, узр, жаҳл устида сизларни кўрмай қолибман. Хўш, хизмат биродар?»

Эркак киши аёлни кўрсатиб: «Бу жияним, синглим ўғлини уйлантирмоқда, келаси шанба тўй. Шунга иккита яллагани топиб беринг деб кўймади».

Мирҳайдар чўнтак дафттарини олиб варақлайди: «Йе, бунини қаранг, афсус, худди ўша қуни банд эканмизку».

Эркак киши: «Бир йўлини топинг. Энди яллагани қандай қидирамиз».

Қосимжон: «Бўпти, борамиз қишлоғингизга, уларни нима қиласиз қийнаб!»

Улар ҳисоб-китоб қилгани ташқарига чиқиб кетишади.

Қосимжон ўтирган жойида қолиб хаёлга чўмади ва ғамгин ҳолатда куйлайди:

*Гул баргидан хат қиламан
Тунлари бедор бўлиб,
Севган ёримни ёд қиламан,
Дурдонамни ёд олиб.*

Саҳна орқасидан Дурдонанинг кўйлаётган овози ишитилади.

*Айрилиқ дарди ёмон,
Оҳ, юзгинам бўлди сомон.
Талтинар юраккинам,
Ёрни эслаб ҳар замон.*

Қосимжон яна куйлайди. Саҳна орқасидан яна Дурдонанинг овози эшитилади.

Ташкарида Мирҳайдар тўйда бўладиган хизмат учун катта пул сўрайди. Улар келиша олмай ноумид бўлиб кетишади.

Қосимжон билиб қолиб: «Мир ака, бу нима қилганингиз? Қайтаринг уларни, ноумид бўлиб кетишмасин».

Иккинчи парда, 3-кўриниш

Спектаклнинг 3-кўриниши Қосимжоннинг уч хонали, шинамгина уйида ўтади. Ётоқ хонада Қосимжон уйқуда. Бошқа хонада Дурдона электр чирокни ёкиб, ўқувчиларнинг назорат ишларини текширмоқда. Эрта тонгда каттик шамол деразаниланг очиб юборади. Дурдона дафтарларни йиғиштириб, деразадан ҳавога қараб, «Салом, баҳор! Гулгуну саҳий баҳор! Қосимжонга меҳрим тушиб колган чоғ ҳам баҳор фасли эди. Ўшанда канча-канча ширин туйғулар, орзу-умидлар қалбимни ўртаганди. Оҳ, қани ўша оромбахш оромсиз кунларим, лаззатли бедор тунларим. Қосимжон ўзгарди, аччиқ гапирдим, бўлмади. Кеча тагин ғирт маст бўлиб келди, ухлаб ётибди. Нима қилсамикин? Уҳ, бошим қотди» деб куйлайди.

Дурдонанинг кўшиғи

Andante

Гул-ни-деб оч - сам бу кук гул я-ро қил-ди
ка- ранг ёр-ни деб бер - сам бу кунг - лим ёр ка-ро қил-ди ка- ранг

Мазкур «Andante» ўртача ҳаракатли, ми-минорда басталанган маъюс кўшиқда Дурдона эрининг номаъқул ишларидан ҳаловатини йўқотганига ачиниб куйлайди. Унинг севган

ёри учун руҳий қийналиши оҳангнинг секундалари тебранишлари билан оркестрнинг фактурасидаги аккордларнинг глиссандалари тебранишларида акс этган. Яъни, композитор тингловчининг диққат эътиборини Дурдонанинг руҳий қийналишига жалб қилган.

Қосимжоннинг онаси Ойша хола ўз хонасидан чиқиб, Дурдонанинг ҳолатини кузатади.

Ойша хола: «Қизим, нима бўлди, тинчликми?»

Дурдона: «Вой, ойижоним, сизмисиз?» Ҳўнграб йиғлаганича ҳовлига чиқиб кетади.

Ойша хола лол бўлиб қолиб: «Ҳа, бечора келинимга қийин бўлди, ороми бузилди. Бефаҳм ўғлим унга кун бермай кўйди, ўтирса ўпок, турса сўпок, деб қийнайди бечорани».

Қайнона ва келин ўртасида суҳбат бўлиб ўтади.

Дурдона: «Почталёон газеталарни олиб келди. Ўқисам денг, Қосимжон тўғрисида фельетон ёзилибди. “Санъатдаги чайковчилар” деб ёзилибди. Мана энди шарманда бўлдик, ойи».

Уйқудан уйғониб чиққан Қосимжон билан Дурдона ва Ойша хола ўрталарида узун диалог бўлиб ўтади.

Диалог охирида Қосимжон: «Нима ўзгарибди?»

Дурдона: «Устозингиз Қори Жалолга берган ваъдаларингиз қани? Наҳотки унутган бўлсангиз? Қосимжон ака, ўтинаман, ёлвориб сўрайман, шу Мирҳайдарга кўшилманг».

Қосимжон: «Бас! Мирҳайдарга нима қилибди? Олий маълумотли, ақлли одам. Қолаверса, ўша туфайли халққа танилдим».

Дурдона: «Наҳотки тушунмасангиз. Аксинча, Мирҳайдарга кўшилиб бошингиз айланди. Театрда муҳокама қилишди. Сиз тўғрингизда яна ҳар хил нохуш гаплар. Бунақада обрўдан ажралиб қоласиз ахир».

Қосимжон: Ҳо, менинг обрўимдан уяляпман денг. Обрўимга нима қилибди? Кимсан, Қосимжон Комилов бўлиб донг таратган бўлсам, эшигим олдида «Волга» узилмаса, юзлаб мухлису шайдоларим кафтига кўтариб юришга тайёр турса, менга яна қанақа обрў керак? Сизга маслаҳатим шуки, хоним, мен билан ишингиз бўлмасин. Хўпми?

Дурдона аламзада бўлиб уйга кириб кетади.

Ойша хола ҳовлига чиқиб: «Турдингми, болам?»

Улар ўртасида диалог бўлади.

Мирҳайдар: «Ассалому алейкум, кампир. Тану жонингиз соғ, димоғингиз чоғми? Қосимжон қани?»

Ойша хола нохуш қарши олиб, «Ўғлим ҳозир келади», дейди.

Қосимжон чиқади ва Мирҳайдар билан саломлашиб, уй хонасига кириб узоқ гаплашадилар. Гап якунида:

Мирҳайдар: «Мана бунга нима дейсиз, газетада бизларни фельетонда қоралабди?»

Қосимжон газетани ўқийди. «Чайқовчи ҳам ҳар хил бўлади. Бозордаги чайқовчи деҳқондан қовуннинг килосини ўн беш тийиндан олиб, йигирма беш тийиндан пуллайди. У — олибсотар. Аммо санъатдаги чайқовчи олибсотарлар бир чўқишдаёқ қочираркан. Чунки у ўзини сотади, ўз истеъдодини, овозини сотади. Ана шундай чайқовчилардан бир жуфтнинг саргузаштларини ҳикоя қиламиз. Марҳамат тингланг: Мирҳайдар вадаванг билан Қосимжон отар...»

Қосимжон газетани ғижимлаб ташлайди: «Бу қандай кўргулик?! Мен — чайқовчи! Бундан ортиқ ҳақорат борми дунёда? Қандай қилиб бундай маломатларга қолдим-а?! Бу кунимдан кўра ўлганим яхши эмас-ми?» У Мирҳайдарнинг ёқасидан бўғиб олиб: «Мени шу кўйга солган шайтон сен эмас-ми? Илондай аврадинг, ўқишимдан, ишимдан совутдинг. Оқибат — шармисор бўлдим. Сени бир ёқлик қилмасам яна кўп марҳаматлар кўрсатасан!»

Мирҳайдар: «Вой дод! Ёрдам беринглар».

Ойша хола билан Дурдона югуриб чиқиб, уларни зўрға ажратишади.

Мирҳайдар: «Пешонам шўр экан. Сени элу юртга танитиб, чўнтагингни пулга тўлдириб, топган обрўйим шу бўлдими ҳали? Ҳай, майли, яхшиси бир косада сузма билан кўк пиёз олиб келинг, кампир. Биз Қосимжон билан шу ерда эрмак қилиб сўзлашамиз».

Мирҳайдар, Қосимжон, Ойша хола, Дурдона ҳар бири «Кимга айтай дардимни» деб мусикий-вокал квартетда изҳор қилишади.

Квартет тугагандан сўнг, Қосимжон: «Ҳайронман, газетачилар бизни қаердан билишаркан? Ёки бирон киши материал бердимкин-а?»

Мирҳайдар: «Ҳа, баракалла. Бизни яхши билган кимдир маълумот берган. Мухбир буларни қаердан билсин».

Ёмғир бир маромда ёғмоқда ва улар хонага қочадилар.

Дурдона айвонда дазмол билан банд бўлиб, ғамгин ҳолатда шу сўзлар билан куйлайди:

*Кўнглим зимистон,
Ҳолим паришон,
Ҳар хил савдодан,
Ёнди тану жон.
Кетди ҳаловат,
Роҳат, фарогат,
Тушди бошимга,
Ташвиш, маломат.*

Ёнғир тинади, Қосимжон Мирҳайдар билан ҳовлига чиқиб, «ёзган ким бўлди экан?» деган хаёлда қолишади.

Тўртинчи кўриниш

Тўртинчи кўриниш яна Қосимжоннинг уй ҳовлисида ўтади. Қосимжон ҳамон қарама-қарши руҳий ҳиссиётлар билан изтироблар гирдобида. Мирҳайдар унга «заҳар» қуйиш билан банд.

Қосимжон: «Ким бўлди экан у менга чоҳ қазиган?»

Мирҳайдар: «Ҳалиям шуни ўйлаб ўтирибсизми, хўжайин? Кўп ўртанаверманг... Газетада мени таниш мухбирим бор. Уни аврайман, фельетондаги фактлар тасдиқланмади деб мақола ёздираман. Ана шундан сўнг, ишим вассалом. Яна ўзимиз хон, хўжайин.»

Қосимжон: «Иложи бўлармикин?»

Мирҳайдар: «Э, дунёда ўлимдан ташқари иложи бўлмаган иш йўқ. Пул бўлса чангалда шўрва».

Қосимжон: «Йўқ, ким менга чоҳ қазиганини билмагунимча кўнглим тинчмайди. Ичимни ит тирнаяпти. Ким экан?»

Мирҳайдар: «Ростини айтсам балога қоламан, сиз менга ишонмайсиз».

Қосимжон: «Айтинг, Мир ака, ким у ярамас».

Мирҳайдар: «Жонажон дўстингиз Қўркмас-да».

Қосимжон: «Қўркмас?! Йўқ, йўқ, ишонмайман. У бу ишни қилмайди, ёлғон! У мени кадрдон дўстим».

Мирҳайдар: «Айтмадимми, ишонмайсиз... (Сиз учун жонимни жабборга берсам ҳам, менга ишонмайсиз деб, роса аврайди.) Эсингизда борми, Қўркмас сизга этюд кўрсатганда, Дурдона чиқиб қўл бериб кўришдилар-ку. Улар бир-бирларига кўнгил кўйишган».

Қосимжон: «Бу гапларни эшитгунча қулоқларим қар бўлса бўлмасмиди. Дўстим дедим, уйимнинг тўридан жой бердим, менга муруввати шу бўлдимми?» деб, ғазабланган дардини арияда изҳор этади.

Қосимжоннинг арияси

Allegro moderato

Не-дин бу кўр - гу-лик хай- хот кун-гул-ни эт-ди-ку вай - рон
Ху-шим-ни ол - ди-ю куй а-кл-ни ай-ла-ди хай - рон не-чун ай-тинг не-га

Мазкур «Allegro moderato» тез ва ўртача ҳаракатли, фа-минорда басталанган арияда виждони ёнаётган Қосимжоннинг руҳий изтиробни, кечинмалари вокал ва оркестрнинг тўлақонли мусиқий садоларида яққол ифодаланган.

Қосимжон Мирҳайдарга дўқ қилиб: «Сен тухмат қилаяпсан! Тахмину шубҳаларинг билан қонимга заҳар қуйдинг, дилмни сиёҳ қилдинг. Тухмат қилаяпсан, айт!»

Мирҳайдар: «Гапларим чин, хўжайин».

Шу пайт Ойша холанинг илтимосига кўра, Дурдона бошқа хонада телефонда «Қўркмасжон, тез келиб, дўстингиз билан гаплашиб кўймасангиз бўлмайди, илтимос сизга», деб трубкани кўяди.

Дурдонанинг сўзи эшитилиб туради.

Мирҳайдар: «Мана сизга исбот, ўзингиз эшитдингиз».

Қосимжон: «Наҳотки?! Нақадар даҳшат! (Яна қаттиқ изтиробда) Бу ишнинг тагига етмай қуймайман... Қани, қуйинг, дўстим. Энди билдим, сиз менга садоқатли дўст экансиз.»

«Ойи!» деб чақиради.

Дурдона кириб: «Нима дейсиз? Ойим ташқаридалар».

Унинг аҳволини кўриб: «Яна ичдингизми?»

Қосимжон: «Яна ичдим. Нима, ичиш гуноҳми? Менга одоб-ахлоқдан сабоқ берманг, хоним! Сен бевафо, маккор аёлсан!»

Дурдона: «Мен — бевафо? Маккор? Садоқатим эвазига топганим шуми? Нималар деяётганингизни билаяпсизми, юрагимга ханжар урманг. Сўзингизни қайтиб олинг».

Қосимжон: «Қўркмас билан алоқангни қандай баҳолай?»

Дурдона: «Ё, алҳазар! Бундай дейишга қандай журъат этдингиз? Сиз у билан қиёматли дўст эмасмисиз? У олийжаноб йиғит».

Қосимжон: «Кўз олдимда уни мактаб эсинг кетади. Бешарм, бузук! Аммо мендан осонгина қутулолмайсан. Ё мен яшай бу дунёда, ё сен!»

У Дурдонани урмоқчи бўлиб қўл кўтарганда, Мирҳайдар унинг кўлидан тутиб қолади.

Дурдона йиғлаб: «Уринг, ҳақоратдан калтак яхшироқ!»

Шу воқеа устига Ойша хола Қўркмасни бошлаб киради.

Ойша хола: «Вой, ўлмасам, эсингни едингми, ўғлим? Дўстинг Қўркмасни мен чақиртирган эдим Дурдона қизимдан. Дўстига бир насиҳат қилиб кўйсин деб».

Қўркмас: «Ташвиш тортманг, хола. Дурдонага хафа бўлманг». Улар уй ичига кетишади.

Қосимжон Қўркмасга: «Сен бу ишга аралашма! Менга ақл ўргатмай кўяқол. Сен умуман бегонасан!»

Қўркмас: «Қўзингни оч, дўстим Қосимжон. Сен ёмон йўлдасан. Бу йўл сени маҳв этади. Ахир, ўйлаб кўр, сени алдаб, пул оркасидан кувлаб юрган ҳамтовоғлар чайқовчи-ку».

Уларнинг ўрталарида узун диалог бўлиб ўтади. Асаби бузилган Қўркмасжон шиддат билан чиқиб кетади. Унинг кетидан Ойша хола югуриб қайтаришга ҳаракат қилади.

Дурдона: «Йўқ, ойи, ойижон, асло йиғламанг, мен кетай бу уйдан».

Ойша хола: «Йўқ, айланай, боламдан ҳам зиёдасиз. Мен сизни ҳеч қаерга юбормайман. Истаса ношукур, бераҳм ўғлим кетсин».

Қосимжон бу гаплардан гангиб, нима қилишини билмай қолади.

Мирхайдар унинг қўлтиғидан олиб, ҳовлидан чиқиб кетиб, «Бўлар иш бўлди, хўжайин, макол бор: Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас. Парво қилманг. Аёлларнинг кўз ёши — ёз ёмғирдай гап. Хафа бўлманг, ҳаммаси жойида бўлади. Юринг энди, қадамингизга ҳасанот», дейди.

Қайнона-келин бир-бирларига суяниб қолишади.

Муסיқада Қосимжоннинг юқорида зикр қилинган арияси ижросидан сўнг, бўлиб ўтган воқеалар, қахрамонларнинг бир-бирлари ўрталарида содир бўлган зиддиятли диалоглар, симфоник оркестрнинг фон фактурасида намоён бўладиган гоҳ мулойим оҳангли, гоҳ оҳангсиз, гоҳ ваҳимали садо, гоҳ шиддатли, гоҳ даҳшатли, хилма-хил садолар акс этган. Фон муסיқа — пиано, крешендо, деминуэндо, меццо-форте, форте, фортиссимо каби динамик ишоратлар ҳам муҳим роль ўйнайдилар.

Эпилог

Муқаддима (пролог)даги манзара: Қишлоқ. Кумушсой бўйи. Қайердандир сатода чалинаётган дилни қитиқловчи лирик куй эшитилади. Тонг. Қосимжон Кумушсой бўйида сувга тикилганча хаёл сурмоқда. Сато куйи Қосимжон арияси билан оркестр садоларига пайванд бўлиб кетади.

Қосимжон арияси

Andantino

Ин дуст-бу дим-бу-кун о-шуй-та хол ту-пи-дан аж-раб хо-ган о-ху ми-сол

Ут-қад-рим бил-ма-дим мис на та-вон о-ки-бат бул-дим хи-жо-лат қал-ди дол

Бр-ди-лин о-риг-га-ним сг-мас-ми-ди во-ли-дам кунг-ли га ох, кел-дим ма-лол

Эй Қо-сим бе-ху-да шав-кат ис-та-ма шон шав-кат дав-ру дав-рон бу ви сол

Ях-ни бул а-фи-тул-пар-ус-син сен би-лан Бул-ма-гин зин-хор дуст-лар-га за-вол

Мазкур «Andantino» ўрға ҳаракатли, ми-минорда басталанган оддий уч қисмли ариянинг оҳанги сўз мазмунига боғлиқ ўзгарувчан: гоҳ маъюс, гоҳ илтижоли, гоҳ мунгли, гоҳ драматик оҳангдор речитатив интонацион тебранишларда навбатлашиб, оркестр фактурасидаги тоника, доминанта ва субдоминанта аккордлар билан ривожланиш жараёнида ўзи ёлғиз қолган, ғамга ботган Қосимжоннинг мавж уриб турган сувга қилган ҳасрати муסיкий садоларда ёркин ифодаланган.

Ана шу арияни Қосимжон «Кумушсой! Қошинга келдим юрагимни ёзгани» деб бошлайди, ариядан сўнг «Шодиёна кунларимда ҳам, аламли, ташвишли кунларимда ҳам, сен билан дардлашаман. Сен дўстимсан!» сўзлари билан юрагини овунтиради. Шу сўзлардан сўнг симфоник оркестрнинг торли созлар, най, танбур ноаларнинг нозик тебраниши, сув мавжини ифодаловчи муסיкий садоларнинг жўрлигида монолог-ҳасратини давом этади: «Дадам вафотини эшитганимда, болалар кўзича йиғлашдан уялиб, бу ерга келиб тўйиб-тўйиб йиғлаганим эсингдами?.. Дурдона ишқида ўртаниб юрган кезларимда ҳам, ҳар куни сен билан ҳамдард эдим... Мана бугун яна келдим қошинга, менинг гўзал Кумушсойим! Аммо бу

гал сен билан тенгма-тенг сўзлашганимас, бош эгиб келдим. Гунохкорман...»

Кумушсойнинг мавжли сув окимида Дурдона қиёфаси кўзига кўриниб, мунгли мусика фониди нидо қилади. У нидосида бирин-кетин, Мирҳайдарнинг тузоғига тушиб қолганини, унга бўлган нафратини, онаси Ойша холани, хотини Дурдонани, кадрдон дўстини ранжитганларини эслаб, улардан узр сўрашлари акс эттирилган. Ёвуз Мирҳайдарнинг қилган ишларини эслаб, дўсти Қўркмас уни фош қилишда ёрдам беради. Саҳна коронғилашиб, воқеа пешсаҳнада интермедия бўлиб ўтади.

Интермедияда Қўркмасжон фирибгар Мирҳайдарнинг икки кўлини боғлаб, «Суллоҳлик қилма, фойдаси йўқ. Мени авраб бўпсан. Қосимжондай лакма эмасман... Сен аблаҳ ёш қиз Хончучукнинг номусига тажовуз қилиб, қочмоқчи эдингми. Хайрият онаси Адолатхон билан Дурдона қиз ўзини осмоқчи бўлганида уни қутқазиб олишибди. Тағин, сен аблаҳ, раҳмшафқат қилинглар дейсан!» дейди.

Мирҳайдарни милиция органларига топширадилар. Интермедия тугайди.

Қосимжон ўша Кумушсой бўйида монологини давом этади.

Қосимжон: «Ҳа, мен беозор, самимий деб юрган киши ана шундай маттаҳам бўлиб чиқди. Мен нотавон, сўқир, лакма шу имонсизнинг қўлида ўйинчок бўлиб юрибман-а».

Сув бўйига келаётган Қори Жалол унинг охирги сўзларини эшитиб қолади. Ҳофиз «Баракалла» деб қучоклашиб кўришади.

Қори Жалол: «Қандай шамол сизни бу ерга учирди, ўғлим Қосимжон?»

Қосимжон: «Иймон шамоли, устоз... Сизнинг меҳрингизга тўяй, мана, сой билан ҳасратлашиб, сиз мени афв этишингизни сўрагани келдим».

Уларнинг ўрталарида меҳр-муҳаббат, санъатга садоқат, ўтмиш ҳаётга, табиатга, мусика анъаналарига, халққа, Ватанга севги каби фалсафий мулоқот бўлади.

Мулоқот охирида Қори Жалол: «Мана бу танбур бобомдан қолган. Бобомни Қори Ҳамдам дейишаркан. Подшо саройида хизмат қилишдан бош тортгани учун, йигирма беш ёшида

банди зиндон қилинган. Зиндондаёқ кўз юмган экан шўрлик бобом. Танбур дадам Қори Сирождан қолган. Дадам ҳам танбур-ҳофизлик билан элу юртга беминнат хизмат қилиб, обрўга эга бўлиб, оламдан ўтдилар. Мен қаридим, қўлларим қалтирайдиган бўлиб қолди. Бу кўхна танбурни сизга совға қиламан», деб беради.

Қосимжон танбурни олиб, тиз чўқади ва кўзига ёш олади. Устознинг илтимосига кўра, танбурни созлаб, черта бошлайди. Танбурдан жозибали, жўшқин куй оқиб чиқади ва оркестр садоларига пайванд бўлиб кетади. Инсон қалбини сеҳрлайдиган лирик фон мусика билан спектакль ниҳоясига етади.

«Танбур ноласи» мусикали драмасига композитор Ҳамид Раҳимов 30 та хилма-хил характерли кўшиқ, лапар, ашула, ария, овозли дуэт, трио, квартет ансамбллар ва фон мусикалар яратди. Бу композицияларнинг барчаси иштирок этувчи қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, руҳий-ҳиссий кечинмаларини ифодалаши билан мусикий драматургияда муҳим роль ўйнайди.

Умуман, барча мусикий чиқишлар ўринли басталанган ва улар миллий садолари ва таъсирчанлиги билан томошабинларни бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун бўлса керак, «Танбур ноласи» мусикий драмаси саҳнада узок умр кўрди.



Консерватория биносини олдида



Санъаткорлар даврасида



Ҳамид Раҳимов ва Аҳмаджон Жаббаров



Ф. Назаров, Р. Кориев, А. Жаббаров, И. Акбаров, А. Двоскин, Ҳ. Раҳимов

«ЖОНИМ ФИДО» МУСИҚАЛИ ДРАМАСИ

1 974 йили композитор Ҳамид Раҳимов ёзувчи-драматург Иброҳим Раҳим билан ҳамкорликда «Жоним фидо» мусиқали драмасини яратишди. Ўша йили Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри жамоаси мазкур асарни иккинчи жаҳон урушида собиқ Иттифок халқи ва унинг жанговар армияси фашизм устидан қозонган ғалабининг 30 йилигига бағишлаб, томошабинларга ҳавола қилди.

Спектаклда ана шу урушда қатнашган бир ўзбек оиласининг тақдири намоён қилинади. Спектакль икки парда, тўрт кўринишдан иборат.

Биринчи парда, биринчи кўриниш

Спектакль симфоник оркестр ижросидаги даҳшатли немис мусиқаси билан бошланади. Биринчи кўриниш немис разведкасининг сўроқхонасида ўтади. Армия кўмондони томонидан немис разведкаси майорига Россия армиясида ишланган «Катюша» номли реактив қуролнинг тузилиш системасини билиш ва қўлга тушириш даркор деб топшириқ берилган. Ана шу топшириқни бажариш учун майор рус тилини яхши биладиган Крак, Фриц ва Ганс исмли немис ҳарбий ходимларига жанг майдонида ҳалок бўлган рус солдатларининг ҳужжатларини топширади. Улар орасида асир тушган Ғанижон Пўлатов ҳам бор. Ғанижон хизмат қилган қисмларда «Катюша» отилгани немис майорига маълум. Шу «Катюша»ни қўлга тушириш ниятида тўрт кишидан иборат разведка гуруҳи тайёрлашга киришади.

Немис майори рус ва Ўрта Осиё халқлари тилларини биледи, урф-одат, адабиёт, мусиқий санъатларидан хабардор.

Майор кабинетида бирин-кетин рус солдати кийимидаги Кракни, ундан сўнг Фрицни, кейин Ганцни ва охири Ғанижонни сўроқ қилади. Ғанижоннинг кўз олдида учтасини қийнайди.

Майор Кракнинг олдига келади: «Хўш, Аркадий Павлович, буларнинг орасида сиз кексароғисиз. Ёшингизни ҳурмат қиламан, жавоб беринг».

У жавоб бермайди. Майорнинг ишораси билан немис солдати уради. У тиз чўкиб қолади.

Майор солдатга: «Бас, бас. Ҳозирча шу ҳам етарли».

Крак (Аркадий Павлович): «Жаноб майор, сўраётган нарсангиздан беҳабарман. Хабардор бўлганда ҳам, наҳотки мени сотқинлик қилади деб, уйласангиз?»

Фриц ва Ганцларни ҳам худди шундай сўроқ қилади. Уларни олиб чиқиб кетадилар. Ғанижон Пўлатовни қолдиради.

Майор Ғанижоннинг ёнига ўтириб, сигарет чектириб: «Пўлатов, мен сенга жудаям ачинаман-да. Ўзинг зиёли экансан, ўқитувчи бўлган экансан. Унча-бунча нарсага ақлинг етиши керак-да. Сени тупроқ остидан олиб келиб жароҳатингни даволашди-а? Ўша “Катюша” зарб берган жойдан-а? Олиб келмасак, сен қумурсқаларга ем бўлардинг-ку!»

Ғанижон: «Бекорга овора бўпсизлар. Ўша она тупроқда чириб кетганим бундан афзал эди!»

Майор: «Она тупроқ? Ахир сенинг она тупроғинг бу ерда эмас, Ўзбекистонда-ку! Ҳа, майли, қизишмайлик. Ўзбекистон ҳақида қандай ашулаларни биласан? Ёки гўзал Фарғона ҳақида ёзилган шеърлардан биласанми?»

Ғанижон: «Жуда ҳам биламан», деб эркинланиб ашула айтади.

Ғанижон ашуласи

Andantino espressivo

Be-po-ey ul-kam-zhur chin



Мазкур «Andantino espressivo» (ўртача таъсирчан ҳаракатли), ми-минорда басталанган ашула шундай сўзлар билан давом этади:

*Сочса гулдек лолар булбилистоним менинг,
Ёвни янчиб юртга қайтсам, йўқдир армоним менинг.*

Немис майори ашулани тинглаб: «Офарин, яхши куйларкансан, энди бизга хизмат қилсанг, юртингга ва ёрингни олдига омон борасан. Мана, чўнтагингда хотининг билан бирга тушган сурат бор экан. Хотининг чиройли экан. Тўй куни расмга тушганмисиз? У сиқилиб, сени кутиб ётган бўлса керак».

Ғанижон хаёлга шўнғиб кетиб, кўз олдида тўй манзараси намоён бўлади ва қулоғига «тўйлар муборак» кўшиғи эшитилади.

Майор: «Энди бас, келишдикми?»

Ғанижон: «Ўлимдан хабарим бор, лекин “Катюша” деган курулдан асло хабарим йўқ, жаноб майор».

Майор: «Сен тупроқдан топилган жой ва қисмни биларсан?»

Ғанижон: «Эсимда йўқ!»

Майор: «Унда мана буни эшит (ёзилган қоғозни ўқийди).

Халоскор немис миллатига, олампаноҳ-нажоткор Гитлер қўшинларига қарши курашмоқда бўлган мусулмон фарзандлари! Эшитинг! Сизларга фарғоналик йигит Ғанижон Пулот ўгли мурोजсаат қилмоқда! Мен ўз ихтиёрим билан асирликка тушиб, шу нарсани чуқур англаб етдимки, биз Туркистон фуқароси учун бирдан-бир ягона нажот маскани муҳтарам зот Гитлернинг қўлидадир! Биз Туркистон эли баҳамҳақ ўрус миллатининг қўлига тушиб қолган қулваччалар эканмиз! Биз-

ни фақат улуғ немис солдати, олийжаноб Гитлер армияси ўзбек халқини Россия кишанидан озод қилади! Азиз Ватандошлар! Мен сизларни бу кофир, баттол рус халқига қарши исён кўтаришга даъват этаман. Яшасин Туркистон халқларининг пушти паноҳи, халоскори фюреримиз Адольф Гитлер!»

Ғанижон: «Жаноб майор, бу бўхтон-ку! Менинг номимдан ёзганингиз учун сизга лаънат! Ахир, нахотки, сиз бизни, биз Ўрта Осиё халқларини Совет элига қарши қўймоқчи бўлсангиз?! Ё раббий! Сиз бизни кимдан халос этасиз? Гитлерингизни яқиндаги радиода айтган сўзлари ёдимдан чиккан эмас. У нималар деди? Славян халқлари немис тупроғи учун ўғит бўлса, Осиё халқлари у тупроққа ишлов берадиган тилсиз-забонсиз куллар бўлиши керак деди-ку?!»

Майор: «Сен аҳмоқ экансан, Пулатов! Начора, барибир бу мактубни самолётдан эълондек тарқатамиз. Сенинг арвоҳинг шод бўлади».

Ғанижон: «Жаноб майор, ўзбек тилини билар экансиз, кўшиғимдаги жавобни эшитинг».

Ғанижон кўшиғи

Moderato

Дахшатли уруш туфайли, Ўзбекистондан жудо бўлган аскар Ғанижон юкоридаги биринчи ашуласида она юртини мадҳ этади. Мазкур “Moderato” ўрта ҳаракатли, ми-минорда басталанган ашулада Ғанижоннинг оғир аҳволга тушиб қолгани, ғамгин танҳо ҳолати овоз партияси билан оркестрнинг тўлақонли тўлкинли садоларига ҳамоҳанг бўлиб, ривожланиш жараёнида унинг ўлим олдида бўйин эгмаслиги, мардлиги ифодаланади.»

Майор ашулани эшитиб: «Сен Пўлатов аҳмоқ экансан, айтган гапимни рад қилдинг, энди ўласан».

Иккита немис солдати олиб чиқаётганда Ғанижон товуши борича «Немис босқинчиларига ўлим! Яшасин Совет халқи! Петя, Миша! Мен сотқин эмасман! Биронтанг соғ қолсанг, ватандошларга етказ! Фарғоналик йигит Ғанижон Пўлатов сотқинлик қилгани йўқ денглар», дейди.

Уни олиб чиқиб кетишади.

Майор олдига Крак киради. Унга берган асосий вазифани яна бир текшира кўриб, кўлига харита тутқзади. «Ўзбек у жойларни билса керак, уни ишга соласан. Самолёт керакли жойга сизларни ташлайди», дейди.

Крак «Вазифа тушунарли», деб чиқиб кетади.

Спектаклнинг биринчи кўриниши бошлангич немис мусикаси ва Ғанижоннинг иккита ашуласидан ташқари, немисча хилма-хил характерли мусика фониди ўтади. Яъни, фонда сўрок жараёнида турлича динамик ҳолатда: гоҳ дахшатли, гоҳ узлуксиз бесарамжон товушлар, гоҳ осойишта маъюс мусика, гоҳ ҳаяжон-ваҳимали мусикалар симфоник оркестр ижросида янграйди.

Иккинчи кўриниш

Спектаклнинг иккинчи кўриниши оқ қайин ўрмонда, Совет қўшинларидан бири жойлашган постда ўтади. Постни, асосан, аёл солдатлар куриқлайдилар. Ротада хизмат қилаётган хотин-қиз солдатлар орасида Фазилат исмли аёл ҳам бор. Фарғонада Ғанижон ва Фазилат яқинда тўйларини ўтказиб, оила қуришган. Факуллода иккинчи жаҳон уруши бошлан-

ди. Тез орада Ғанижон армия сафига отланди. Орадан вақт ўтиб, фронтдан Ғанижон ҳалок бўлди деган қора хат келади. Урушдан нафратланган, виждони қийналган Фазилат, кўнгилчилар сафида мазкур ротада ҳарбий хизматни адо этади, рус қизлари — Ксения, Катюша, Наташа, Валялар дугона бўлиб қолишади.

Постдан бўш вақтларида қизлар блиндажда, ўз юмушлари билан банд бўлиш жараёнида «Оқ қайин» номли кўшиқни хор бўлиб ижро қилишади.

Оқ қайин

Andantino

Муғ-ли бок-ма оп- пок қай- ин. За-фар ке-лар он-лар тай- ин

Се-ни кур-шар я-на ўр- мон, ўр- мон. Йил-лар ас-та ўт-ган са- йин

Мазкур «Andantino» ўрта ҳаракатли, фа-диез минорда басталанган уч овозли кўшиқнинг оҳангда тўрт мисрадан иборат сўзларини такрорлаб, қизлар биргаликда ва навбатлашиб куйлайдилар. Кўшиқнинг янада таъсирчан бўлишига оркестрнинг тўлкинсимон оҳанги мустақил жўр бўлиб ривожланиши қизларнинг маъюс руҳиятларини кучайтиради.

Қизлар ўз кўшиқларидан таъсирланиб, ўйланиб қолишади ва бир-бирлари билан узоқ суҳбатлашишади.

Уларнинг кайфиятларини ташқаридан келган овоз бузади. «Ксения Петровна! Штабга чақиришяпти!»

Ксения чопиб чиқади. Қизлар ўзаро, ҳазил тарикасида «Бирорта хуштори чакиргандир», деб қулишади.

Штабда Ксенияга «Ленинграддан болаларни олиб чиқаётган поезд эшелонини немис самолётлари бомбардимон қилибди ва поездда сизнинг Сашангиз ҳам ҳалок бўлибди» деб хабар берадилар.

Бу хабарни эшитган Ксения изтиробда йиқилади. Уни юпатишга ҳаракат қилиб, постдаги землянкага элтиб қўйишади.

Землянкада Ксения ўзига келиб: «Саша, Сашенка, мен энди нима қиламан сенсиз?! Отангни бериб қўйганим етмасмиди. Саша, мен энди кимга керакман?! Армия сафига ким учун келдим?! Кимни ҳимоя қиламан?!»

Фазилат Ксенияни юпатишга ҳаракат қилади. Унга бошқа қизлар ҳам қўшилади.

Валя бақириб юборади: «Бас! Бас қилинглар! Уруш бу! Уруш ҳаммамизни бошимизда, бутун Совет халқларининг бошига тушган офат! Энди чидаймиз, фашистларни тор-мор қилгунча».

Белгиланган вақтда постдан хизматларини адо этиб қайтиб, землянкада дам олиб ўтирганларида, қизлар Фазилатдан ўзбек қўшиқларидан бирортасини айтиб беришини ўтириб илтимос қилишади. Дугоналарининг илтимосларини бажо этиб қуйлайди.

Фазилат қўшиғи

Andantino

Бу кў-гул ишк бо-ғи-да бир яй-ра-ган
 шод куш э-ди Кай-да қол-ди ул фа-ро-гат ё-ку-рин-ган туш-ми-ди
 Ер ви-со-ли бах-ти бир-лан қув-нар эр-дим бир за-мон Қув-нар эр-ди
 дим бир за-мон Қув-га яш-нар эр-ди
 о-лам, эс-ху-шим сар-хуш э-ди

Мазкур «Andante» ўрта ҳаракатли, ре-минорда басталанган уч қисмли қўшиқда ўзининг қайғу-ҳасратли муҳаббат туйғусини ҳам маънос-лирик, ҳам драматик тарзда изҳор этади. Унинг севган ёрини эслаб, ўй-хаёлларини акс эттиришда оркестр жўрлигида қўшиқнинг биринчи ва охириги қисми мавж берадиган аккордлар билан, ўрта қисми эса, форте билан тўрт товушли тикка аккордларда кучайтирилади. Булар воситасида овоз ва оркестр партияларида қуй маънодор янграйди.

Қизларнинг илтимосларига кўра, Фазилат қўшиғининг маъносини тушунтириб беради. Қизлар яна «Ок қайин» хор қўшиқни ижро этадилар.

Шу пайт радио ишлайди ва диктор хабар беради: «*Ҳурматли офицер ва солдатлар содир бўлган кечаги жангда фашистларнинг кўп аскарлари ҳалок бўлди ва қолганлари чекиндилар. Бизнинг сафимизда ҳам қахрамонона ҳалок бўлганлар бор*».

Уларни бирма-бир эълон қилади. Уларнинг орасида Ғанижон Пўлатовнинг номини эшитиб, Фазилат ҳайрон бўлиб, хаёлга чўмади.

Саҳна ўзгаради ва воқеа Фазилатнинг Фарғонадаги уйига кўчади.

Хаёлга чўмган Фазилат қайнонаси ва қайнотасини, унга берган маслаҳатларини эслайди. Улар фронтда ўғиларининг ҳалок бўлганидан бир йил сўнг, кўзёшларини артиб, биринкетин сўз очишади: «Биз эр-хотин маслаҳат қилиб, бир хулосага келдик. Сизнинг ёш умрингизга зомин бўлиб қолмайлик. Энди ўғлимиз қайтиб келмайди, унинг руҳи шод бўлсин. Сиз бошқа турмуш қилинг, биз розимиз. Мана, маҳалламиздаги ёши сал каттарок бўлса ҳам, магазинчи Бозорбой бизга маъқулроқ кўринади».

Фазилат уларнинг маслаҳат-илтимосларини рад қилиб, армия сафига отланганида, радиодан «Муножот» ашуласини тинглаганини эслайди.

Саҳна яна ўзгариб, ҳарбий пост ва землянка кўринади.

Пост сменадан бўшаган қизлар землянкада дам олиб, ўз юмушлари билан банд бўладилар. Ҳарбий қисмда хизмат қилаётган кекса ёшли Стёпа-сартарош землянкага қиради.

Қизларга ўзини қизиқ тўқима сўзлар билан таништиради. У Ўзбекистондан келган совға — олмаларни қизларга биринкетин беради.

Фазилатга навбат келганда, «Қизим, бу олмалар Ўзбекистондан келган», деб суюнтиради.

Стёпа: «Қизлар, Оля қани? Кўринмайди-а».

Валя: «Амаки, хафа бўлманг. Сиз эркак кишисиз. Бизнинг Оля жангда ҳалок бўлди. Унинг ўлими ҳам бизларга сабоқ бўлди».

Стёпа бу гапни эшитгач, лол бўлиб қолади.

Валя унинг бошидан ушлаб: «Фақат кўзёш қилманг».

Стёпа кўлидаги Оляга атаган олмани столга қўйиб, сукунатга чўқади. Қизлар «Оқ қайин» қўшиғини ижро этиб, уни юпатишади.

Иккинчи парда, учинчи кўриниш

Балчиқли ўрмонда Крак (Михаил), Ганс (Аркадий) пайдо бўладилар. Жароҳатланган Фрицни (Петр) Ғанижон дам судраб, дам кўтариб келаётганда, Петр унга «Дўстим, сени қийнавордим, мени ташлаб кетавер», дейди.

Йўл азобидан ниҳоятда ҳолдан тойган Фриц ўзича гапирди: «Немисларнинг улуғ шоири Гётининг гаплари эсимга келди. У “Энг оғир кунларингда бахтли чоғларингни эслашдан ғамгин нарса йўқ”, деган».

Ғанижон: «Ҳаққи рост ёзган экан».

Ғанижон уни кўтариб кетади.

Крак: «Бу аҳволда қисмларимизга ета олмаймиз. Уни жонини қийнаб нима қиламиз. Ўзи ҳам ўлимга рози-ку».

Крак Фрицни отмоқчи бўлади.

Ғанижон «Йўқ, йўқ! Отманг» деб, Фрицнинг олдини тўсади. «Келишиб олайлик, дўстлар, кемага тушганнинг жони бир. Маррага ҳаммамиз бирга борамиз. Ўлсак ҳам бирга ўламиз», дейди.

Крак: «Гапинг тўғри. Аркадий, энди сен Пётрни олиб борасан. Биз Ғанижон билан олдинда борамиз».

Саҳна ўзгаради. Ўрмон йўлидаги шлагбаум атрофи.

Катюша ва Фазилат Стёпа-сартарош амакини кузатиб, суҳбатлашиб боришади. Катюша билан Стёпа Оляни эслаб, суҳбатлашадилар.

Стёпа: «Фазилат, нимага сиз жимсиз? Менга айтадиган гапингиз йўқми?»

Улар савол-жавобларини мусикали дуэтда изхор қилишади. Характерли мунгли дуэтни шундай сўзлар билан яқунлайдилар:

*Уруш деган бу баттол,
Ишққа ҳам экан завол.
Омон топмас дастидан,
На ёш, қари, на аёл,
Умид узма дилдордан.*

Фазилат ва Катюша «Йўқ, отахон, буёқ ботқоқ. Сизни катта йўлга чиқариб хайрлашамиз», деб кетадилар.

Саҳна ўзгаради. Ўрмон.

Ҳолдан тойиб, Ганс дарахтга Фрицни суюнтириб қўяди.

Ганс: «Ҳа, нима демокчисан, гапир».

Фриц: «Бир савол виждонимни қийнайди. Нима учун бошқа халқлар биз немисларни ёмон кўришади. Биз эса фақат ўзимизни яхши кўрамыз. Ахир, тасаввур қил, кимларнинг авлодимиз? Гёте, Шиллер, Бах, Бетховенларнинг авлодларимиз-ку».

Ганс: «Фюрерга ҳам ишонмайсанми?»

Фриц: «Унинг ғоясига ишонмайман».

Ганс: «Фирт коммунист экансан-ку! Энди рус тупроғига ўғит бўла қол!»

Фрицнинг бикинига ханжар солади.

Шу чоқ Стёпа-сартарош ва қизларнинг шарақлаган кулгиларини эшитиб, Ганс қочади. Одам овози эшитилиб қолади. Стёпа ва қизлар ўрмонга кириб, «Вой, онажон», деб ярадор солдатни кўриб, унга ёрдам беришади у кўзини очиб, «Сизлар кимсизлар?» деб сўрайди.

— Биз совет аскарларимиз, ўзинг кимсан?

— Мен немисман. Сизларга гапим бор, — дейди-да, ўлади.

Ўрмонда Крак ва Ғанижон шерикларини кутадилар. Ганс ўзи етиб келади.

«Фриц қани?» деб сўрайдилар.

Ганс: «Фриц боткокка чўкиб кетди, мен зўрға чикиб олдим».

Ғанижон унинг сўзига ишонмайди. Саволлар туғила беради. Улар йўлда кетаётганларида, тўсатдан олдиларига Валя чикиб, овозининг борича «Кўлларингни кўтаринглар!» дейди.

Улар кўлларини кўтардилар. Бошқа қизлар етиб келиб, уларнинг хужжатларини текширадилар. Ксения улардан нимагадир гумонсирайди.

Валя: «Барибир улар шлагбаумга борадилар», дейди.

Тўртинчи кўриниш

Ўрмон ичидан ўтган ҳарбий йўлда КПП шлагбауми. Унинг ёнидаги майдончада қизлар ротаси марш қилмоқдалар. Сменада постни Валя, Ксения, Катюша ва Фазилат қабул қилишади.

Катюша: «Юрагим ҳовликиб кетяпти, Фазилат сенчи?»

Фазилат жим турибди.

Катюша: «Лекин немиснинг ҳам яхшиси бўлар экан-а? Ёки ярадор бўлиб қўлга тушгани учун шунақа дедимикин? Ярадор немис сенга тикилиб қаради-ю, нимадир демоқчи бўлди-ю, айтолмай узилди. Фазилат, нимага индамайсан? Балки фашистлар орасида ўзбек ҳам бордир, шунинг учун у сенга тикилиб қаради. Агар ўзбек бўлса, нима қилар эдинг?»

Фазилат: «Нима дединг? Гапингни қара, хоиннинг миллати бўладими? Ҳамма миллатнинг сотқини бир гўр, хоин. Хоин отам бўлса ҳам, ўлдираман!»

Катюша: «Мен ҳам шундай қилардим».

Крак, Ганс ва Ғанижон ўрмондан чикиб, КППга яқинлашадилар.

Ғанижон: «Борадиган жойимизга етиб қолай дедикми?»

Крак: «Ғанижон, суюнчисини чўз. Манзилга етиб келибмиз. Ўзимизни қизлар. Кўряпсанми, шлагбаум олдида, сенга

ўхшаган киз турибди. Бошқа йўлдан ўтишимизнинг иложи йўқ. Сен бориб билиб кел».

Мунгли мусика фониди шлагбаум олдидаги постда турган Фазилатга Ғанижон рўпара бўлади. Улар бир-бирига тикилиб қотиб қолишади.

Ғанижон: «Фазилат!»

Фазилат: «Ғанижон!» деб улар бир-бирига ташланганда, Фазилат ўзига келиб: «Тўхта, қўлингни кўтар! Хоин! Мен сени урушда шаҳид бўлди десам, сен хоин бўлиб тирик экансан!»

Ғанижон: «Хоин? Мен-а? Ватан учун жонимни жабборга бериб, қон қусиб, фашистлар занжирини тилка-пора қилиб келсам-у, сен мени хоин дейсан!»

Фазилат: «Мен сенга энди хотин эмасман!»

Даҳшатга тушиб қичкиради.

Ғанижон олға юриб, «Фаз...» У сўзини тугатолмайди. Фазилат автоматдан ўқ узади.

Ротада тревога эълон қилинади.

Шу пайт Валя, Ксения ва Катюша ўрмон ичидан кўлларини кўтарган Крак ва Гансга олиб чиқишади.

Сартарош Стёпа амаки: «Қизларим! Раҳмат сизларга!»

Кракнинг олдида бориб: «Кимсан?»

Крак: «Қизил аскар Михаил Иванович», (шошилиб) «Мана хужжатларим».

Степан: «Бас, капитан Крак».

(Гансга) «Сен кимсан?»

Ганс: «Аркадий Васильевич Волковман».

Степан: «Обер-лейтенант Ганс Мюллер».

Катюша: «Нима дединг?»

Хужжатларни кўриб, қичкириб юборади: «Бу менинг отамни хужжатлари-ку, қотил!»

Иккила немисларнинг кўлларига кишан солиб, штабга олиб кетадилар.

Стёпа Ғанижоннинг ёнига бориб: «Қизим, Ғанижон Пулатов ҳақиқий совет солдаги экан. Аттанг...» деб, шапкасини унинг устига қўяди.

Фазилат Ғанижоннинг олдига тиз чўкади. Секин унинг юзини ўзига ўгиради: «Ғанижон ака! Нима қилиб кўйдим!» Ғанижон сал кўзини очиб, «Фазилат» деб, жон беради. Фазилат изтиробини кўшиқда изҳор қилади.

Фазилат кўшиғи

Moderato ad libitum

Me-ни сар-хуш э-тиб хар зум ҳа-ё - линг, на-сиб эт-гай ми-кандер-ман ви-со - линг
 со-ғин-чинг бир-ла кеч-ди суб-ху шо - мим ху-мор ай-лаб се-хр-ли хар мак - линг
 Е-ниб хаж-ринг-да чик-дим йул-ла-ринг га кун-гул минг тул-фа-нур кур-сам ми-со - линг

Мазкур «Moderato ad libitum» ўртача чўзиқ ҳаракатли, соль-минорда басталанган, речитатив характерга яқин кўшиқда Фазилат севган ёрининг жасади устида қайғу-жафо чекади. Унинг руҳий кийналишини, ҳам мунгли, ҳам даҳшатга тушган ҳолатини овоз партияси, оркестр партияси билан эса, психологик ҳолати ифодаланади. Қайғу-жафо чекаётган Фазилатга ротадаги барча қизлар ҳамдардлик билдириб, сўзсиз хор оҳанги билан Фазилатни юпатадилар.

Chorus

SOPRANO
ALTO
TENOR
BASS

Мазкур «Moderato» ўртача ҳаракатли, ля-минорда басталанган умумий хор билан спектакль тугайди.

Умуман, икки пардали, тўрт кўринишли «Жоним фидо» мусиқали драмаси композицион тузилиши кўринишдан-кўринишга мантиқий ривожланиш жараёнида, даҳшатли уруш давридаги икки ёш эр-хотин Ғанижон ва Фазилатнинг тақдирлари томошабинлар руҳий ҳолатига таъсир кўрсатади. Спектаклнинг адабий мазмуни билан мусиқий драматургияси мукамал равишда ҳар бир лавҳа (эпизод)ларни, драматик саҳналарни бирлаштиради. Яъни, драматик воқеалар ва иштирок этувчи ижобий ҳамда салбий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, психологик ҳолатларининг ўзгариб туриши мукамал боғланган.

Мусиқанинг ривожланиш жараёнида айрим лавҳалар — немис мусиқаси билан ўрмон манзаларидаги хилма-хил товушлар, шовқин-суронларни ифодалашдаги фон-мусиқалар ва вокал партияларга жўр бўлишда симфоник оркестр муҳим роль ўйнайди.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, драматург Иброҳим Раҳим ва композитор Ҳамид Раҳимов «Жоним фидо» спектакли мазмунида шахсий драма — эр-хотиннинг тақдири орқали, умум-халқ ижтимоий-сиёсий драмасини кўрсатиб бера олганлар.

«МАШРАБ» МУСИҚАЛИ ДРАМАСИ

1 975 йили композитор Ҳамид Раҳимов драматург Азиз Турсунов билан ҳамкорликда «Машраб» номли мусиқа-ли драма яратишди. Мазкур асарни 1976 йили Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри жамоаси сахналаштириб, томошабинларга ҳавола қилди.

Спектакль XVII асрда яшаган лирик ва исёнкор шоир Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган.

Машраб 1657 йили камбағал оилада таваллуд топган. Болалигидан ўқишга, адабиёт ва шеърятга қизиққан. Қуръони Каримни ёд олган. 15 ёшидан Наманган шаҳрида машҳур бўлган Мулла Бозор Охун эшон хонадонидида 25 ёшига қадар яшайди ва таълим олади. Эшон билан Машраб ўртасида зиддият юз беради ва у Машрабни бадарға қилади. Машраб Ўрта Осиёнинг кўп шаҳарларида, Ҳиндистонда, Хуросон ва Балхда дарвиш сифатида ҳаёт кечиради.

«Машраб» мусиқали драмаси 2 парда, беш кўринишдан иборат.

Композитор Ҳамид Раҳимов «Машраб» мусиқали драма спектаклига яратган мусиқасининг манбаи ўзбек халқ мусиқа оҳангининг тебраниш усулларида жуда яқин. Чунки, XVII асрда содир бўлган реал воқеаларнинг акс этишида, мусиқада ўша давр руҳини томошабирга яқинлаштириш даркор эди. Шунинг учун композиторлар асарда иштирок этаётган ҳар бир қаҳрамоннинг образини миллий оҳангдор ашулалар, оммавий сахналардаги вокал-ансамбль ва хор номерларини ифодалашда оригинал мусиқалар яратдилар.

Спектакль хилма-хил, ҳам лирик, ҳам маънос-ғамгин ва даҳшатли садолар билан суғорилган кириш мусиқа билан бошланади. Наманган шаҳрида Наврўзга бағишланган халқ сайли

ўтказилмоқда. Сайил иштирокчилари донғи чиққан сеvimли шоир Машрабни қарши оладилар ва қутлайдилар. Шоирдан янги битган шеърларидан ўқиб беришни илтимос қиладилар. У бир неча шеърларини ўқийди. Машрабнинг ҳар бир қадами, кўнгили фарёдлари, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриши мусиқада ўз ифодасини топган. Композитор яратган миллий руҳ билан суғорилган бу таъсирчан оҳангдор речитатив оркестр садосида унинг психологик ҳолати яққол тасвирланади. Айниқса, бу монологдан сўнг, симфоник оркестр жўрлигида ижро этиладиган жозибали ашуласида яққол намоён бўлади. «Талқини савти чоргоҳ» мақом асосида басталанган ашула симфоник оркестр садолари билан уйғунлашиб, шоирнинг ички дунёсини, ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббатини, азобли дардини очиб беради.

Чун На-ман - ган шах-ри-дин
пар-воз ай - лаб мур-ги-рух до-на - йи хо-лин ку-ру -
бон куй-ма-гай - ди кош - ки

Мулла Бозор эшоннинг югурдаклари Машрабни халқ олдида ваъзхонлик қилди деб, етқизишади. Уларнинг ўртала-рида узун диалог бўлади. Диалог авжига чиқанда, Машраб устозига миннатдорчилик билан таънали мактубида «... Эй охуним, менинг орқамдан мўралоғичлар қўйиб, шармисор қилмоқчи экансиз. Энди бу юрт сизга бўлсин. Бир ғилофга икки пичоқ сиғмас экан, бизга йўл қутлуғ бўлсин», деб руҳий ғазабланган шоир, симфоник оркестрнинг хилма-хил харак-терли фон мусиқа жўрлигида, оҳангдор речитативда:

*Наманган шаҳридан кетсам, мени йўқлар кишим борму?
Ғариблик шаҳрида юрсам, мени йўқлар кишим борму?
Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,
Қўзимдан оқизиб ёшим, мени йўқлар кишим борму?*



... Қарорим йўқ турай десам, Наманганда юрай десам?
 Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?
 Бу мискин зор Машрабни киши ҳолини сўрмайдур,
 Бу ердан бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?

дея куйлайди.

Шу билан Машраб Наманганни тарк этади.

Спектаклнинг 2-парда, иккинчи кўриниши Қашқарда, машҳур эшон Офоқхўжа охун хонадонидида ўтади. Мурид талабалар биргаликда Қуръони Карим сураларини оҳангдор речитатив услубда ўқиётган пайтда, шу даргоҳга етиб келган Машраб, талабаларга қўшилади. Офоқхўжа кириб келган ноёб овоз соҳиби Машрабни муридликка қабул қилади. У эшоннинг уй юмушлари билан, доимий равишда, банд бўлади ва устоздан тасаввуф илмини ўрганади. Шу хонадонда хизмат қилиб юрган чўри Гулруҳ исмли кизни севиб қолади. Мактуб орқали бир-бирига кўнгил қўйганликларини изхор этадилар. Икки севишган ёш қалбларнинг руҳий ҳиссиётлари симфоник оркестрнинг жуда нозик жўрлигида, танбурнинг лирик ноласида фон-мусикада акс этади.


Композиторнинг олдида жуда мураккаб вазият туғилди: Қандай қилиб Машраб билан Гулруҳнинг бу диний муқаддас хонадонда бир-бирларига муносабатини, уларнинг ҳолатларини мусикада ифодалаш мумкин? Бу икки севишганнинг бир-бирига интилишига хонадондаги шароит имконият бермайди. Улар яширинча учрашадилар ва айтишув шаклида басталанган лирик ашулада бир-бирларига бўлган севги-муҳаббат туйғуларини изхор этадилар. Хуллас, композитор уларнинг руҳий ҳолатларини мусика садоларида тасвирлаш йўлини топган. Мазкур асарда Машраб ва Гулруҳ образларини яратган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Исомиддинов ва Ўзбекистон халқ артисти Ҳ. Охуновалар ижроларида айтишув шаклида куйланган қўшиқлар бадий таъсирчанлиги билан ажралиб туради.



Мазкур хилма-хил характерли ашулалар симфоник оркестрнинг торли чолғу ва флейта, гобой ва кларнет созлари билан уйғунлашиб, даромаддан ўрта ва юкори авж нуктасига кўтарилиб, яна даромадга қайтади. Бу сахна марказида инсон ҳаёти, тақдири туради.

Машраб билан Гулруҳ хилват жойда учрашганликларини Офоқхўжа эшонга етқизишади. Бундан ғазабланган эшон Машрабни чўли-биёбонга қувлаб, қаттиқ жазо беради. Натижада шоир мажруҳ бўлиб қолади. Машрабни жазолаш жараёнида оркестрнинг даҳшатли садолари билан сўзсиз халқ хори сахна оркасида жаранглайди. Бу сахнада асосий қарама-қаршилиқ мусикада акс этмайди. Фақат чўли-биёбонда якка қолган Машраб, қаттиқ жафо чекса ҳам, букилмас мардонавор иродасини кўрсатиб, жуда шиддатли, аста-секин драматик оҳанглар билан кучаядиган ашуласида севги-муҳаббатини қўйидаги шеърини мисрада ардоқлаб куйлайди:

Эй, менинг нозик ниҳол, оромижоним, қайдасан?
 Бу кўнгил бўстонида гунча даҳоним, қайдасан?
 Айрилиб мен ёрдин, бир неча кун бўлдим жудо,
 Ахтариб келдим сени, гунча даҳоним, қайдасан?
 Ҳолимиз беҳад ёмондур, келмадинг ҳолим сўраб,
 Эй, менинг хуш меҳрибон, оромижоним, қайдасан?



Машраб бу ҳажми катта (ария сифатидаги) ашуласида оғир руҳий кечинмаларини изҳор этади. Юкорида зикр қилинган сахна орқасидаги сўзсиз хор (акапелла) шоирнинг ашуласи билан боғланмаган. Ноҳақ содир бўлган воқеага халқнинг муносабати акс этади. Шоирнинг жиддий жафокаш образи фақат ашулада намоён бўлади.

Спектаклнинг тўртинчи кўриниши. Ана шу бўлиб ўтган можародан сўнг, Машраб қаландар сифатида Ўрда Осиёнинг шаҳарларидаги қаландархоналарда истикомат қилади. Кўп муллалар, шоир ва олимлар билан мулоқотда бўлади. Бу кўринишда Машраб образи билан боғлиқ қўшиқ-ашулалар йўқ деса бўлади. Лекин, халқ маросимларида, сайилларида ҳофиз, хонандалар Машраб шеърларига боғлаб, ашула-қўшиқлар ва рақслар ижро этиб туриши шоирни қувонтиради.

Спектаклнинг бешинчи кўриниши Балх шаҳрида ўтади. Машраб ўзига ўхшаган уч қаландар билан бирга бу шаҳарнинг қаландарлар хонасига жойлашади. Фарғона заминидан келган қаландарлар чойхона ва бозорларда маддоҳона қўшиқлар билан халқ орасида ноҳуш ғояларни тарқатиб юришибди, деб фитнани Балх ҳокими Маҳмудбийга етқизишади. Уларни ушлаб, ҳузурига олиб келадилар. Ҳоким билан мулоқот жараёнида Машрабнинг жавоб сўзларидан у дарғазаб бўлиб, уларни дорга осишга буйруқ беради.

Қаландарни дорга осиш маросимига жуда кўп халқ тўпланади. Соқчилар ғазабланган халқни зўрға тўхтатиб турадилар. Қатл пайтидаги халқнинг ғалаёни симфоник оркестрнинг барча урғу созлари жаранглаши фонида кўрсатилади.

Хуллас, ачинарли ҳол, улуг лирик шоир Машраб 1711 йили Балх шаҳрида 54 ёшида, зулм остида, истибод ва жаҳолатнинг қурбони бўлади.

Умуман, композитор «Машраб» мусиқали драмасига жами 30 та мусиқа басталаган. Шулардан 9 таси фон-мусиқаси, 3 таси ракс-мусиқа, 4 таси қаландарларга ёзилган мусиқа ва сахна орқасида ижро этиладиган оммавий хор. Мазкур мусиқаларнинг барчаси асар мазмунини тўлдиришга хизмат қилган.

«ЗАФАР» ОПЕРАСИ

1 969 йили Самарқанд Давлат опера ва балет театри раҳбари ва жамоаси илтимосига кўра, композитор Ҳамид Раҳимов «Зафар» номли мусиқали драма асосида опера вариантини ёзиб, театрга топширди. Опера либреттосини У. Исмоилов ёзган.

1970 йили операнинг премьерасини томошабинлар зўр қизиқиш билан қабул қилишди. Мусиқали драмага нисбатан опера вариантыда либреттога айрим ўзгаришлар киритилган. Театрнинг симфоник оркестрига мослаб партитура ва клавир ёзилган. Иштирок этувчиларнинг сўзлари оҳангдор речитативларда берилган. Ўзбекча ва украинча оммавий хор чиқишлари тўрт овозда ва асосий қаҳрамонлар — Зафар, Лола, Бахмал, Анна Ивановналарнинг хатти-ҳаракатлари, руҳий ҳолатларини акс этувчи қўшиқ ва ариялар операда қайтадан ёзилган. Яъни, арияларнинг шакллари ўзгартирилган, диапазонлари кенгайтирилган.

1972, 1975 йиллари Самарқанд Давлат опера ва балет театри Тошкетдаги Алишер Навоий номидаги Давлат Академик опера ва балет катта театри биносида икки мартаба ижодий чиқиш ўтказди. Унга олиб келинган опера ва балет спектакллар қаторида «Зафар» операси ҳам намоёйиш қилинди. Тошкент томошабинлари ҳам мазкур операни олқишлар билан қарши олдилар.



Ҳамид Раҳимов умр йўлдоши Қундуз Мирқаримова билан



«Руза» Композиторлар Ижодий Уйида. 1969 йил



СССР Халқ Артисти Қундуз Мирқаримова

1 1965–1976 йиллар оралиғида композитор Ҳамид Раҳимов «Она калби», «Ҳаёт», «Одам одамга» каби телеспектаклларга ҳам мусикалар ёзган. Ундан олдин 1963 йили Ҳамид Раҳимов ва Александр Берлин «Бештаси Фарғонадан» номли кинофильмга (режиссёр Йўлдош Аъзамов) мусиқа басталадилар. Булар композитор Ҳамид Раҳимовнинг нечоғли самарали ижод қилганини исботлайди.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Ҳамид Раҳимов ўзбек замонавий профессионал мусиқий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган забардаст ижодкор эди. У элим деб, юртим ва санъатим деб, тинимсиз ишлади, ижод қилди. Ўзининг барҳаёт мусиқий асарлари ва олийжаноб инсоний фазилатлари билан замондошларига ҳам маънавий, ҳам мусиқий озиқа бериб, XX аср ўзбек мусикаси тарихида ўчмас из қолдирди.

КОМПОЗИТОР ҲАМИД РАҲИМОВ МУСИҚИЙ АСАРЛАРИНИНГ ҚИСҚАРТИРИЛГАН РЎЙХАТИ

Қўшиқлар ва романслар

Қаҳрамонни севаман» — 1950 йил;
Бахт куйида сайрайман». П. Мўмин сўзи — 1951 йил;
Сўранг». Шухрат сўзи — 1951 йил;
Севиқли ўғлим». Ҳабибий сўзи — 1951 йил;
Қалб қўшиғи» — 1951 йил;
Тинч Ўзбекистон» — 1951 йил;
Даврон сўрайлик» — 1953 йил;
Қурувчи орзуси» — 1955 йил;
Хаёлим сенда». Туроб Тўла сўзи — 1955 йил;
Севиқли ёрим». А. Бобожон сўзи — 1955 йил;
Сени севаман». Туроб Тўла сўзи — 1959 йил;
Тошкент баҳори». Туроб Тўла сўзи — 1965 йил;
О, муҳаббат». Ўткир Рашид сўзи — 1965 йил;
Ўзбекча вальс». Тамкин сўзи — 1967 йил;
Қуёшистон». Сайёр сўзи — 1967 йил;
Фестиваль вальси». Туроб Тўла сўзи — 1970 йил;
Толимаржон». Сайёр сўзи — 1972 йил;
Бедана». Сайёр сўзи — 1973 йил;
Ўзбекистон». Э. Воҳидов сўзи — 1974 йил;
Вокализ — 1974 йил.

Чолғу созлар учун симфоник, вокал-симфоник асарлар

Навбахор — 1951 йил;
Ҳануз — 1951 йил;
Сюита №1 — 1952 йил;

Сюита №2 — 1953 йил;
Бухорча ракс — 1953 йил;
Ракс «Ялла» дўмбира учун секстет — 1952 йил;
Байрамнинг биринчи куни — 1955 йил;
Ёшлик. Поэма — 1964 йил;
Беш чикишли симфоник ракс — 1958 йил;
Ода — 1964 йил;
Фортепяно учун пьесалар — 1960 йил;
Баҳор. Кантата. Туроб Тўла сўзи — 1965 йил;
Миниатюра-концерт. Сюита. Туроб Тўла сўзи — 1969 йил;
Ўзбекча сюита — 1970 йил;
Вальс — 1972 йил.

Муסיкий драма ва комедиялар

Сингиллар қиссаси. Тамкин пьесаси — 1955 йил;
Оқ нилуфар. Ҳинд афсонасидан — 1959 йил;
Зафар. У. Исмоилов пьесаси — 1957 йил;
Раис уйланармиш. Б. Халилов пьесаси — 1958 йил;
Ишқинг билан. Ҳ. Умаров пьесаси — 1959 йил;
Жоним фидо. И. Раҳимов пьесаси — 1975 йил;
Танбур ноласи. М. Халил пьесаси — 1974 йил;
Сўнгги фожиа. М. Мирзаева пьесаси — 1973 йил.

Телеспектакллар ва фильмга муסיқа

Она қалби — 1965 йил;
Ҳаёт — 1970 йил;
Одам одамга — 1976 йил;
Бештаси Фарғонадан. Бадийий фильм — 1963 йил.

Мазкур китоб муаллифи Жабборов Аҳмед Ҳамидович Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг «Шарк муסיқашунослик» кафедраси профессори, уруш фахрийси. Ўзбек муסיқа маданиятининг йирик намояндаларидан бири, муסיқашунос олим А. Ҳ. Жабборов узоқ йиллар давомида педагогик, илмий-тарғибот ва жамоатчилик фаолияти билан республикамиз замонавий муסיқа санъати ривожига самарали ҳисса қўшди.

У йиллар давомида ўзбек ва рус тилларида 300 ортиқ илмий-тадқиқий мақолалар ёзди. Ўзбек тилида қуйидаги монографик китобларни нашрдан чиқарди:

«Муסיқали драма ва комедия жанрлари ўзбек композиторларининг ижодиётида» — 2000 й.

«Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари» — 2004 й.

«Композитор, дирижёр Мардон Насимов» — 2010 й.

«Композитор Султон Ҳайитбоев» — 2017 й.

«XX аср ўзбек эстрада санъати тарихи» — 2017 й.

«XX аср ўзбек муסיқа тарихи» — 2017 й.

Рус тилида:

«Композиторы и музыковеды Узбекистана» — 1975 й.

«Узбекская драма и комедия» — 1981 й.

«Композитор Манас Левиёв» — 1986 й.

«Композитор Шахида Шаймарданова» — 2008 й.

«Композитор Фаттах Назаров» — 2017 й.

А. Ҳ. Жабборов қатор жанговар орден ва медаллар ҳамда Ўзбекистоннинг «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Жасорат» медали билан тақдирланган.

ҲАВОЛАЛАР

- 1 1951 йили «Ўзбекистон Хотин-қизлари» журналининг 2-сониде нота ёзуви билан чоп этилган.
- 2 1951 йили «Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти»да нотаси билан чоп этилган.
- 3 «Сени севаман» (Т. Тўла шеъри) 1955 йили «Ўзбекистон бадий адабиёти» нашриётида чоп этилган.
- 4 «Ишқингда ёниб» кўшиғи 1968 йили «Фестивал вальси» тўпламида нотаси билан чоп этилган.
- 5 «Кўёшистон» кўшиғи 1968 йили «Гулистон» журналининг 2-сониде чоп этилган.
- 6 «Зафар» мусикали драмасининг қисқача мазмуни: воқеада иштирок этувчи шахс (персонаж)лар тўқима образлар. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда колхозчи Йўлдошбоев фронтга кетади. Орадан кўп ўтмай, ўғли ҳам даҳшатли жанг майдонига отланади. Онаси Ҳалимаҳон ая асраб олган қизи Лола билан қолади. Жангларда ўғли шахид бўлиб, қора хат олади ва қайғу-жафо чекади. Уруш даврида Украинадан ўз ота-оналаридан жудо бўлган болалардан бирини фарзандликка олган Ҳалима ая унга Зафар деб исм беради ва тарбиялаб, ўқитади. Уруш тугагач, турмуш ўртоғи Йўлдошбоев Ватанга қайтади, колхозда раис лавозимига сайланади. Спектаклда содир бўладиган воқеалар уруш тугагандан 20 йил ўтгач, Ўзбекистон ва Украинанинг колхозларида кечади. Шу орада Зафар кишлок хўжалик институтини

битириб, колхозда агроном бўлиб ишлай бошлайди, қизлари Тошкент тиббиёт институтини битириб, уйга қайтади. Дугона қизлар уни хурсандчилик билан қарши оладилар. Колхозчи қизлардан бири — Бахмал зимдан Зафарни севиб қолганига ишора қилиб юради. Лекин Зафар севги масаласида иккиланиб юрганини дўсти Усмонга ишонч билан сирини айтади. Зафарни севиб қолган Бахмал, бу сирдан хабардор бўлиб, уни ҳар хил йўллар билан ўзига қаратиб олишга киришади. Ёшлар ўртасидаги севги жараёни давом этади.

Вақт ўтиб, мусобақа шартномаси тузишга Украинадан колхоз раиси Шевчук, хотини Анна Ивановна ва бир гуруҳ колхозчилар билан Ўзбекистонга келадилар. Колхоз раиси Йўлдошбоев фронтда бирга хизмат қилган қуролдош дўсти Шевчукни ва унинг ҳамроҳларини кутиб оладилар. Меҳмонлар колхозчилар ҳаёти ва хўжалик ишлари билан танишадилар. Мусобақа шартномасини қабул қиладилар. Колхознинг бадий ҳаваскорлар ашула ва ракс ансамбли концерт беради. Меҳмонлар Украинага қайтадилар.

Бу гал колхоз раиси Йўлдошбоев бошчилигида бир гуруҳ колхозчилар, рафикаси Ҳалимаҳон ая, ўғли Зафар билан Украинага борадилар. Колхозчиларнинг ҳаётлари ва хўжалик иши билан танишадилар. Колхознинг бадий ҳаваскорлар ашула ва ракс ансамбли меҳмонлар учун концерт беради. Шевчук қуролдош дўстини уйига таклиф қиладди. Зиёфат тугагач, Зафар хонадон ва ҳовлидаги қудукни, атрофидаги турли ашёларни кўриб, болалик даврини эслайди. Анна Ивановна Ўзбекистонда Зафарни кўрганида, менинг ўғлим Алиқ ҳам шу ёшда бўлар эди, деб, ўғлимга ҳам ўхшайди деган хаёлга чўмган эди, энди уйида Зафарнинг ашёларни кузатишини кўриб, унга шундай дейди: «Ўғлим, мен сенинг онанг бўламан». Бир-бирини бағриларига босишади. Бу воқеани кузатган Ҳалимаҳон, хавотирланиб, Зафарга: «Мен ким бўламан?» деса, у: «Менинг иккита онам бор», деб уларни бағрига босади. «Менинг иккита онам, иккита отам бор» деб, Зафар ҳаммага эълон қиладди. Шодлик билан ота-оналар кучоклашадилар. Зафар

ва Лолага пояндоз солинади, гуллар сочилади, ўзбек ва украин ёшлари тантанаси билан спектакль тугайди.

- 7 «Ишқинг билан» мусиқали драмасининг қисқача адабий мазмуни:

Қишлоқ ёшлари ўрта мактабни битириш арафасида комсомоллар мажлисида барча синифдошлар колхозда қолиб, Шўртепа ерни ўзлаштириб, боғ барпо этишга қарор қилдилар ва жамоа бошқаруви олдида ваъда берадилар. Хурсандчилик билан ваъдани қабул қилдилар. Ўқишни битиргандан сўнг базм-кеча ўтказилади. Спектаклда қатнашувчи персонажлар: Акбаров Усмон — колхоз раиси; Каттаев Кенжа — донгдор бригадир; Кимёхон — унинг хотини, колхозчи; Зебо — уларнинг кизи, мактабни битирди; Азимжон — колхоз агрономи ва комсомол комитетининг секретари. Активист комсомоллар: Асалхон, Сабохон, Зебо, Ботир, Собир, Шукур ва бошқалар. Соҳиб ота — абжир чол (Чаққон чол), Қўчқор — колхознинг омборчиси; Чевархон — унинг хотини, колхозчи; Нозик ая — Қўчқорнинг онаси. Қишлоқ аҳолиси. Воқеа Ўзбекистоннинг битта колхозида ўтади. Иштирок этувчилар умумлаштирилган образлар.

Мактабда ўқиш жараёнида ўқувчи йигит-қизларнинг ўрталарида бир-бирларига кўнгил қўйганлар, ҳар бирлари ўз орзу-хаёллари билан яшайдилар. Ўрта мактабни битирганларнинг базм кечасида (табрик сўзлар тугагандан сўнг) чолғу рақс мусиқалар, вальс услубидаги жўшқин оммавий хор кўшиқ, шўх рақс-хор кўшиқлар, якка хонандаларнинг ва Зебонинг лирик кўшиқлари симфоник оркестр жўрлигида янграйди. Синфдош ёшларнинг кўтаринки руҳий кайфиятлари мусиқий садоларда акс этади. Ёшларнинг фикри ёди, ҳаёт орзулари тўлиб-тошган муҳитда синфдош Шукур, мажлисда берган ваъдага вафо қилмай, Зебони Тошкентга бирга ўқишга боришга даъват қилади. «Нима учун ўзинчи синфни битириб, қишлоқда меҳнат қилишимиз керак! Тошкентда институтда билим олайлик, мутахассис бўлиб қайтамиз бирга. Мажлисда, комсомол комитетининг сек-

ретари Азимжон ҳаммамизни колхозда қолишга кўндирди. Мен ундан хафаман», дейди. Унинг сўзидан хабардор бўлган ўртоқлари ва айниқса Зебо, ваъдасига вафо қилмаганидан ранжийди ва у билан ўқишга бормаслигини изҳор этади. Шукурнинг энг ишончли яқин дўсти Ботир ҳам уни ўқишга бориш фикридан қайтаришга ҳаракат қилади. Лекин, Шукур ўз фикридан қайтмайди. Ботир: «Нега, сен йигит бўлсанг қўл қўйган ваъдангга бевафолик қиласан!» Шукур — дўстига: «Кимсан ўзинг? Дағдага қиласан!» Ботир: «Дўстингман, галварс». Иккаласининг ўрталарида тортишув бўлиб ўтади.

- 8 А. Н. Серов. «Тўпланган мақолалар» (Избранные статьи). Музгиз. Ленинград 1950 г. 134-б.

- 9 «Ок нилуфар» мусиқали драмасининг қисқача мазмуни: Ҳиндистоннинг қадимги шаҳарларидан бири Уджайнда бадавлат браҳман Чорудатта яшайди. У ёш бўлса ҳам, халқ орасида жуда катта обрў қозонган. Шу шаҳарда ёш машҳур раққоса Васантасена истиқомат қилади. Шаҳарликлар уни «Гўзал ок нилуфар» деб аташади. Чорудатта ва Васантасена бир-бирларини севиб қоладилар. Аммо қонун раққосалар табақасига турмушга чиқишни ман қилган. Бу қонунни бузганлар каттик жазодан сира қочиб қутула олмас эдилар. Бир-бирларидан жудоликда яшай олмаган Чорудатта билан Васантасена ўз шаҳарларидан қочиб кетишга аҳд қилишади. Лекин, подшонинг яқин қариндоши ёвуз Раж Санстанака бундан хабардор бўлиб қолиб, уларни қочишига ҳалақит беради. Чунки ўзи раққосани севиб қолган. Икки севишганлар шаҳарнинг Пушпакаранда боғида учрашиб, йўлга чиқмоқчи бўладилар. Худди шу куни Чорудатта Васантасена учун юборган аравага, тасодифан, қочоқ кўзғолончи, подишоҳнинг ашадий душмани чўпон Аряка тушиб кетади. Васантасена эса билмасдан Раж Санстанака аравасига тушиб, унинг олдида бориб қолади ва ҳайрон бўлади. Раж «...мана, ўзи етиб келди...» деб, у билан бирга бўлиш учун тил-ла тақинчоқлар ва пул таклиф қилади. Васантасена унинг

таклифини нафрат билан рад этади. Шунда у ғазабланиб кизни бўғади. У кизни ўлди, деб, айбни Чорудаттага тўнкайди. Суд Чорудаттани ёш раққоса ўлимида айблади ва ўлим жазосига ҳукм қилади. Ўз севиклисининг ўлиmidан ҳаяжонга тушган Чорудатта яшашни истамай, суд ҳукмига рози бўлади. Шу маҳал тирик қолган Васантасена югуриб келиб, судга бор гапни айтиб беради. Дарғазаб Санстанака иккисини ҳам ўлдиришни талаб қилади. Лекин, унинг талаби амалга ошмайди. Чўпон Аряка бошлиқ кўзғолончилар подшони қулатиб, ўзи подшо бўлади. У суд ҳукумини бекор қилади. Чорудаттанинг ҳалол инсонлиги учун ошиқларга қонуний эр-хотинликка руҳсат беради. Жарчилар фармонни халқга эълон қиладилар. Халқ тантанаси давом этади.

10 Спектаклнинг қисқача мазмуни: колхоз раиси Сафарбой муваффақиятлар олдида эсанкираб қолади. У дала ишлари кизиб турган бир пайтда, идорада лаганбардор бухгалтер ва омбор мудири иштирокида зиёфат уюштиради. Нуқул базмбозлик Сафарбойга колхоз ишлари билан шуғулланиш имкониятини бермайди, натижада хўжалик иши орқага кета бошлайди. Чунки, Сафарбой жамоат бойлигини талон-тарож қила бошлайди. «Хўжайин-раиснинг» хатти-ҳаракатларини очикдан очик танқид қилганларни таъқиб остига олади. Раисдан жабр кўрганларнинг бири, энг яхши бригадир Раимжон бўлади.

Сафарбой жамоат бойлигини талон-тарож қилиб, колхоз кассасини қуритади, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи учун тақсимлашга пул қолмайди. Файратли жамоа аъзолари ва район партия комитетининг ёрдами билан ҳаддидан ошган Сафарбой раис лавозимидан бўшатилади. Унинг ўрнига олий маъмумотли агроном Иброҳим Қодиров сайланади. Ёш мутахассис издан чиққан хўжалик ишини тузатиш учун жафо чекиб ишлаш жараёнида аламзада Сафарбой ҳамтовоклари билан янги раисни ҳар қадамда халақит бериб, уни маънавий бузуқликда айблаб, гўё икки севишганларни бири-биридан жудо қилиб, «илғор бригадир Гулнора Ёдгоровага уйланармиш» деган миш-миш гап тарқатади.

Колхозчилар бу миш-миш гапга ишонмайдилар. Чунки, янги раиснинг қилаётган иши ҳаммага аён. Қисқа вақт ичида колхоз ерлари янги усулда яхши ҳосил бераёпти. Далада техника пайдо бўлди. Колхозчилар меҳнат ҳақини ўз вақтида олмақдалар.

Иброҳим Қодиров ўз устига ёғдирилган тухматни эшитиб қолади. У икки севишганлар — Гулнора билан Раимжон ниқоҳ тўйларини колхозчилар билан ҳамжихатликда ўтказди. Раимжон эса, миш-миш тарқатган тухматчиларни фош қилади. Тўй тантанаси билан спектакль тугайди.

11 «Раис ўйланармиш» мусиқали комедияси. Режиссёр — М. Миртолипов; дирижёрлар — Ф. Назаров, Ф. Тожиев, Н. Гинзбург; рассом — Г. Визель; балетмейстер — Р. Каримова; хормейстер — Ж. Азимов; режиссёр-ассистенти — М. Исроилова.

Ролларни ижро этувчилар: Гулнора Ёдгорова — Э. Жалилова, Ф. Рахматова, А. Мирзаева; Раимжон — А. Абдурахмонов, Ш. Пўлатов; Рузвон хола — Т. Жаъфарова, Ш. Саидова; Иброҳим Қодиров — М. Ғофуров, А. Абдурахмонов; Сафарбой Полвон — Р. Болтаев, З. Кобулов, Ҳ. Ахмедов; Ҳайдар — С. Хўжаев, Х. Холматов; Норбўта — Ҳ. Умаров, С. Пулатов; Қумрихон — Р. Тўраева, Ҳ. Юсупова, Ш. Шукурова; Саломатхон — Р. Мухитдинова, Р. Рахимова; Баҳодир-тракторчи — М. Орифбоев, Н. Латипов; Жаннатхон-совчи — Л. Саримсоқова, С. Алиева; Руқияхон-совчи — М. Фаёзова, Т. Зиёхонова; Қосимжон мухбир — А. Кобулов, А. Исроилов. Колхозчилар. Хор, балет.

12 Спектаклнинг қисқача мазмуни: Замонавий данғиллама уй-хоналарга туташган катта айвонли ҳовлида Расул Нейматович — фан номзоди, кафедра мудири, Санамхон — уй бекаси, уларнинг ўғли Шавкат ва қизлари Нафиса билан истикомат қилишади. Уй бекаси ўзига бино қўйган, окбиллак — очкўз Санамхон уйда ҳуқумдор. Эри Расулжон хотинини жуда севади ва унга тобе бўлиб қолган — айтганини

бажо этади. У ойлик маошдан ташқари, ҳаром пулга қўл уриб ҳам туради.

Кунлардан бирида Санамнинг синглиси Малоҳат опасини кўргани келади. Уларнинг ўрталарида шундай диалог бўлиб ўтади: Малоҳатхон оламдан кўз юмган Қодиржон эрини эслаб йиғлайди.

Санам: «Бас қил. Ҳали ўн гулингдан, бир гулинг очилмаган. Бахтинг олдинда».

Малоҳатхон: «Энди бахтимга ўт тушсин, опажон. Раҳматли Қодир акамдан қолиб нима бўлдим».

Санамхон: «Нима бўлардинг? Ҳусн сенда, аркону давлат сенда. Кимлар олмайди».

Малоҳатхон (жаҳли чиқиб): «Қўйинг, опа, бундай гапларни, қолган орзу ҳавасларим болаларимда».

Санамхон: «Бир йилдирки, Қодир-Қодир дейсан».

Малоҳатхон: «Ҳа, Қодир дейман ўлгунимча».

Санамхон (қизишиб): «Ақлинг жойидами?»

Малоҳатхон ғамгин куйлайди.

Санамхон (юмшаб): «Иложимиз қанча. Тирилтириб олиш кўлимиздан келмаса, ўзинг биласан, энди нима қилмоқчисан?»

Малоҳатхон: «Ишга кирсам... Бир товукка ҳам дон керак, ҳам сув, уч жонмиз. Раҳматли эрим ҳалол меҳнат билан топган-тўплаганимизнинг ҳузурини ҳам кўрмади».

Санамхон (йиғламсираб): «Ишга? Эсингни едингми, кимсан, фалончининг хотини эдинг... Мен уйда, сен эса икки гўдагинг билан ишлаб... Ҳай-ҳай, бунга йўл қўймайман. Яхшиси, ховлингни сотиб, бағримизга кел, эш-кўш яшаймиз».

Малоҳатхон (ўйланиб): «Эримнинг арвоҳини сарсон қилиб-а? Қандай бўларкин?»

Санамхон: «Бегонамидик, бир жойда бўлсак, Қодиржоннинг ҳам, ота-оналаримизнинг ҳам руҳлари, арвоҳлари шод бўлади», деб мактаб-мактаб, авраб кўндиради.

Малоҳатхон: «Опа, жуда ошириб юбордингиз, сизлар ҳам тўрт жон, битта поччам ишласа, қанақа бўларкин?»

Санамхон: «Биз келишиб қўйганмиз. Бизни боқолмаса, суф дейман амалига!»

Малоҳатхон: «Ундай бўлса, майли, мен розиман», деб чиқиб кетади.

Ичкари хонадан ўзини уйқуга солиб ётган Расул Неъматович чиқади: «Аммо ролни ҳам кийвордингиз, ўргилай».

Санамхон (ғамза билан): «Бекорга Санам Саидова бўлмаганмиз. Ўқиб юрган кезларимда, санъат юлдузи бўласан, дейишарди. Ўша маҳоратни уйда ҳам бир синаб кўрамизда».

Расулжон (бўшашиб): «Бир қориндан тушгансизлар, қандай бўларкин?»

Санамхон (бош бармоғини бигиз қилиб): «Мундоқ бўлади. Сиз уни кўчириб келасиз, кейин ҳовлисини сотамиз, вассалом. Вой уни тақинчоқларини, қават-қават гиламларини кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолади».

Расулжон: «Хоним, қойил! Яна кош қўяман деб, кўз чиқариб қўймайлик».

Санамхон: «Қўрқманг, мен бор-ку».

Эрининг қўлидан ушлаб, хиргойи бошлайди.

Хуллас, Санамхон Малоҳатхонни кўчириб олиб келиб, мақсадига эришади. Унинг эркатой ўғли Шавкатнинг феъл-атвори онасига ўхшаган, пулга ўч йигит. Қизи Нафиса бошқача. Малоҳатхоннинг ўғли Пўлат ва қизи Лола оилада ва ўқитувчиси Мунаввар Хўжаевадан яхши тарбия олганлар. Булар бирга яшаш жараёнида аввалига самимий яшайдилар. Вақт ўтиб, болалар вояга етишади. Шавкат Лолани севиб қолади. Малоҳатхоннинг мол-мулки, пуллари созурилади. Опа-сингилларнинг орасида зиддият пайдо бўлади. Уларнинг ўртасида содир бўлган карама-қаршилик бутун оилага ва айниқса, болаларига таъсир қилади. Бўлиб ўтган зиддиятли воқеалар фожага олиб келади.

Аҳмед Жабборов

КОМПОЗИТОР ҲАМИД РАҲИМОВ

Мухаррир: Д. Таирова

Компьютерда тайёрловчи: К. Абиджанов

Нашриёт лицензияси АИ № 263 31.12.2014

Босишга рухсат этилди 31.10.2018 й.

Бичими 60 × 90 ¹/₁₆. «Times New Roman» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди. Босма табағи 12,0.

Адади 1000 нусха.

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи

100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15 25

тел.: +998 (71) 233 23 84

МЧЖ «Adad plus»да чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28 уй.



Мазкур китоб муаллифи Жабборов Аҳмед Ҳамидович Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг «Шарк мусикашунослик» кафедраси профессори, уруш фахрийси. Ўзбек мусика маданиятининг йирик намояндalarидан бири, мусикашунос олим А. Ҳ. Жабборов узок йиллар

давомида педагогик, илмий-тарғибот ва жамоатчилик фаолияти билан республикамиз замонавий мусика санъати ривожига самарали хисса қўшди.

А. Ҳ. Жабборов қатор жанговар орден ва медаллар ҳамда Ўзбекистоннинг «Эл-юрт хурмати» ордени ва «Жасорат» медали билан тақдирланган.

ISBN: 9789943509146



9 789943 509146